

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Д.А.САИДОВ, И.Я.ҚУЛЛИЕВ,
Ж.О.ТОЛИБОВ, И.Р.МАМАРАИМОВ**

**ПУЛ ВА ПУЛ
МУОМАЛАСИ**

ТОШКЕНТ 2011

"Пул ва пул муомаласи"// Ўқув қўлланма.

Д.А. Саидов, И.Я Қуллиев, Ж.О.Толибов, И.Р.Мамараимов.
Тошкент.

Мазкур ўқув қўлланма "Банк иши" кафедраси томонидан ўқитиладиган "Пул, кредит ва банклар" фанининг дастурига мувофиқ тайёрланган. Ўқув қўлланмада пул муносабатларининг амалга оширилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритилган.

Ўқув қўлланмада пул, пулнинг функциялари, пул муомаласини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари, пул тизими ва уни ташкил этилиши, инфляция мазмуни ва унга қарши сиёсати ҳамда пул муомаласини тартибга солиш масалалари ўз аксини топган.

Мазкур ўқув қўлланма, иқтисодиёт олий ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлар, аспирантлар ва шу соҳа билан қизиқувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Тошкент молия институти қошидаги Кредит иқтисод факультети илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган. " __ " _____ 2011 йил 2-сон мажлис баёни.

Тақризчилар:

и.ф.д. Мирзаев Ф.И.

и.ф.н., проф. Қоралиев Т.М.

© IQTISOD-MOLIYA, 2010

КИРИШ

Иқтисодий фаолиятда пулнинг аҳамияти мавзуси хақида кўпгина машҳур иқтисодчилар ўз фикрларини билдиришган. Жумладан машҳур иқтисодчи П.Самуэлсон инсоният тарихидаги уч муҳим кашфиёт хақида таъкидлаб бу уч муҳим кашфиётлар «ғилдирак, олов ва пул ҳамда уни муомалага чиқарувчи Марказий банк» деб кўрсатади.

Қолаверса машҳур иқтисодчи Ж.Голбрайт пулнинг аҳамияти тўғрисида шундай қиёсий баҳолашни келтиради; «автомобили бор кишини асосий муаммоси автомобилни таъмирлаш, унинг бузилмаслигини таъминлаш, касал билан оғриган кишиларнинг асосий муаммоси эса соғайиб кетишдир. Пул шундай нарсаки, у ўзида бор кишини ҳам йўқ кишини ҳам ўйлантиради».

Бугунги кунда замонавий иқтисодий назариялар таркибида алоҳида пулнинг иқтисодиётдаги ўрни мавзуси билан шуғулланган махсус назариялар мавжуд. Бундай назариялардан бири «монетаризм» назарияси бўлиб, бу назариянинг асосчиси М.Фридман ҳатто пул назариясини ривожлантириб янги тушунчаларни киритиб пул эмиссияси билан иқтисодиётни ривожлантириши мумкин деган фикрни илгари сурди.

Пул хақида ўзининг назарий қарашларини илк бор ўртага ташлаган Ж.М.Кейнс эса «пулга алданиш» деган тушунчага таянган ҳолда ҳар бир иқтисодиётда давлат пул билан алдашни эплай олса, у мамлакатда пул сиёсати мувафаққиятли ва кутилган натижаларни беради деган фикрни илгари сурди. Шу тариқа пул иқтисодиётда катта аҳамиятга эга экан, пул ва унинг иқтисодиётдаги ўрни мавзусига алоҳида эътибор бериш ва пул назариясини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ўқув қўлланма пулнинг мазмуни, функциялари ва пул тизимларининг ривожланиш тарихини ўрганишга қаратилган бўлиб, бунда пул деб аталувчи иқтисодий ричагнинг моддий, иқтисодий, психологик ва қонуний таърифлари ўрганилади. Бундан ташқари пулнинг функциялари ва пул функцияларининг иқтисодий ривожланиш билан такомиллашуви, ҳамда пул тизимларининг ривожланиш тарихига назар ташланади.

Қўлланма иқтисодиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлар, аспирантлар ва шу соҳа билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

I БОБ. ПУЛ ТУШУНЧАСИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1.1§ Пулнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиши.

Пул инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири ҳисобланади. Пул иқтисодиёт фанининг энг қизиқарли соҳаларидан бирини ташкил этади ва инсонларни ўз сеҳри домига тортиб келган. Пул учун одамлар азоб-уқубат чекадилар, уни топиш учун меҳнат қиладилар. Пул—ундан халос бўлишдан ташқари, бошқачароқ фойдаланиш имкони бўлмаган бирдан-бир товардир. Пул тарихий ва иқтисодий категориядир.

Тарихий категория сифатида пул иқтисодий тараққиёт маҳсули саналади. Пул товар айирбошлаш билан бирга айрибошлашнинг бир ҳосиласи сифатида вужудга келган эди. Пулнинг роли айирбошлаш воситаси, функциясига бориб тақалади. Тарихан пул алоҳида турдаги бир товар, товар-айирбошлаш воситаси, товар-қиймат ўлчови ҳисобланади.

Иқтисодий категория сифатида пул тўлов воситасини, товарлар ва хизматлар қиймати ўлчовини ва жамғаришни ўзида ифода этади.

Иқтисодий ривожланиш тарихида инсоният жуда кам ашёлардан пул сифатида фойдаланган. Бунинг асосий сабаби, иқтисодий субъектларнинг пул сифатида фойдаланиладиган товар хусусиятлари билан боғлиқдир. Шунга кўра пул вазифасини бажарувчи товарнинг, яъни пулнинг асосий хусусиялари қуйидагилардир:

1. Гомогенлик (бир турлилик) хусусияти. Бунга кўра пулни осон ажратиш учун унинг ҳар бир бўлаги бир хил қийматга эга бўлиши лозим. Бундай хусусиятга энг кўп олтин ва кумуш каби қимматбаҳо металллар эга. Бугунги кунда муомаладаги қоғоз пуллар ҳам худди шу хусусиятга эга, яъни мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил пул бирликларидан фойдаланилади ва ҳар бир бўлак пул бирлигининг мос қиймати мавжуд.

2. Бузилмаслик, ташиш қулайлиги ва бўлинишлик хусусиятлари. Қадимда олтин ва кумуш бошқа ашёларга нисбатан бу хусусиятларга кўпроқ эга бўлганлиги сабабли пул сифатида фойдаланилган. Бундан ташқари, мазкур хусусиятлар пул сифатида фойдаланилган буюмларни кичик бўлақларга бўлиниши натижасида мос қийматларини сақлашини таъминламоқда. Бугунги кунда ҳам

қоғоз пулларда, яъни катта қийматли банкнотларни кичик қийматли банкнотларга алмаштирганда ёки тескариси бўлганида улар ўз қийматини йўқотмайди.

3. Ягоналик хусусияти. Бунга кўра пул вазифасини бажарувчи буюмлар жуда ноёб бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қоғоз пуллар бир нечта ҳимоя хоссалари билан чиқарилган.

Бу хил хусусиятлар доирасида пулга ҳеч қачон аниқ, ўзгармас ва доимий изоҳ бериб бўлмайди. Иқтисодий воситаларнинг шакли, миқдори ва иқтисодий ҳолат ўзгариши билан пулнинг изоҳи ҳам ўзгариб боради. Бугунги кунда пулга бериладиган изоҳ борасида иқтисодчилар ўртасида ягона фикр йўқ. Жумладан, азалда олтин ва кумуш, кейинчалик эса банкнот ва чек дафтарларига пул деб қараб келинди. Бугунги кунда эса пул таркибига бошқа активлар, хусусан, тижорат банкларидаги муддатли депозитлар, депозит сертификатлари ҳам киритилмоқда. Қолаверса, банк томонидан чиқарилган банк карточкаларига бугунги кунда электрон пул сифатида қаралмоқда.

Пулнинг таърифи борасида икки хил назарий қараш мавжуд. Булар, функционал қараш - пулга айирбош ёки муомала воситаси сифатида қарамоқда ва ликвидлик назарияси - пулга ўткинчи қиймат сақловчи восита сифатида қарамоқда.

А. Функционал қараш. Функционал назария пулнинг айирбош воситаси функцияси устида тўхталмоқда ва бу назария тарафдорлари пулга, товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширувчи восита сифатида қарамоқда. Бу назариётчиларга кўра пул билан бошқа активлар ўртасида муҳим фарқ мавжуд. Шунга кўра балки барча активлар қиймат бириктирувчи восита бўлиши мумкин, фақат бир нечта активлар, яъни пул айирбош воситаси бўла олади ҳолос.

Функционал назариячилар фикрига кўра, айирбошлаш воситаси функциясини бажарувчи активларни пулнинг алтернативлари дейиш мумкин. Шунга кўра металл тангалар ва қоғоз пуллар, ҳамда чек ёзиладиган депозитлар функционал назариячиларнинг қарашларига кўра пулдир.

Функционал назариячилар фикрича пул сиёсатини амалга оширишда Марказий банк айирбош жараёнида бевосита иштирок этувчи пул массасини назорат қилиши лозим деган фикрни илгари сурадилар. Бу фикр ва тадбирнинг тарихи бир қанча иқтисодчилар фикрига кўра XVII ва XVIII асрларга бориб тақалади. Шунга кўра пул билан миллий иқтисодий мақсадлар ўртасида ишончли боғлиқлик мавжуд. Чунки уй хўжалиги ва тадбиркорлар яқин келажакдаги

кутиладиган ва доимий харажатларини молиявий маблағлар билан таъминлаш учун қўлларида пул тутадилар. Аҳоли қўлида ҳаракат қиладиган пул миқдорини ушлаб туради. Аҳоли қўлидаги бу пул миқдорини келажакдаги ноаниқ бир харажат учун тутиб турилган пул жамғармаси билан аралаштирмаслик лозим. Бу пул миқдори аҳолининг фавқулотда ҳолатлар учун эҳтиёт шарт билан тутиб турган пул талаби дейилади.

В. Ликвидлик назарияси. Ликвидлик назариясига кўра, пул барча активларга нисбатан юқори ликвидликка эга. Бирон бир активнинг ликвидлиги деганда, ноаниқ бир вақтда номинал баҳода ва энг кам харажат билан сотилиши тушунилади. Бу ерда энг муҳим масала бу активларнинг ликвидлик даражаси ва унинг аниқланишидир.

Бу назария пулнинг қиймат ўлчов функциясига асосий эътиборни қаратиб, унинг муомала воситаси функциясининг аҳамиятини камайтиради. Бу назарияга кўра, пул бошқа активлардан хусусияти нуқтаи-назаридан фарқ қилмайди, чунки ликвидлик барча активларда мавжуд бўлган хусусиятдир. Ликвидлик даражасига кўра активларни пул, қимматбаҳо қоғозлар, машина ва уй шаклида гуруҳларга ажратиш мумкин. Шунинг учун пул барча активларнинг энг ликвиди ҳисобланади. Режалаштирилган харажатларни амалга оширишда пулдан фойдаланиш учун пулни бошқа бир шаклга айлантиришга ҳожат қолмайди. Шунга кўра, пул ҳисоб - китоб бирлиги бўлганлиги сабабли, унинг қийматида бирон бир ўзгариш бўлмайди. Бир сўмнинг номинал қиймати доимо бир сўмдир. Шунга кўра уй - жой ликвид актив ҳисобланмайди, чунки унинг баҳоси доимо ўзгариб туради. Қолаверса, унинг баҳоси инфляция кескин тушган тақдирда ҳам вақт ўтиши билан ўзгариши, унинг сотилиши эса маълум бир вақт талаб қилиши мумкин. Бундан ташқари уйни сотиш жараёнида воситачига маълум миқдорда пул ҳам тўланади.

Ликвидликнинг аниқланиши масаласида эса бу назарий қараш вакиллари баъзи бир активларнинг нима сабабдан бошқаларига нисбатан ликвидлигини изоҳлайди. Активларнинг ликвидлиги уларнинг икки хусусиятига боғлиқ. Булар: активларнинг иккиламчи бозори мавжудлиги ва уларнинг муддатидир. Шунга кўра иккиламчи бозори мавжуд бўлган молиявий активларнинг бошқа активларга нисбатан ликвидлик даражаси юқоридир. Иккиламчи бозорининг мавжудлиги молиявий бўлмаган активларнинг (уй, автомобиль) ҳам ликвидлигини орттиради.

Активларнинг ликвидлик даражасини белгилаб берувчи иккинчи омил уларнинг муддатидир. Молиявий активларнинг муддати ҳам бир-биридан фарқлидир. Пул учун муддат омили йўқ. Аммо, бир қанча қимматбаҳо қоғозларнинг муддати мавжуд. Давлат қисқа муддатли облигациялари ва ширкатларнинг нома ёзилган акциялари, ҳукумат ва ширкатларнинг маълум бир муддатга олган қарзларини фоиз билан қайтариш кафолатидир. Шунга кўра узок муддатли молиявий активларга нисбатан қисқа муддатли молиявий активларнинг ликвидлик даражаси юқори бўлади. Чунки бозордаги номинал фоиз даражасидаги ўзгариш натижасида узок муддатли активларнинг баҳоси қисқа муддатли активларнинг баҳосига нисбатан ўзгариши юз беради.

Пулнинг роли қадим-қадимдан, айниқса, капитализм ривожланиши даврида олимлар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Ўша замонларда Рим ва ўрта асрлар уламолари томонидан яратилган пул давлат ҳокимияти маҳсули саналади деб ҳисобловчи концепция ҳукмронлик қилар эди. Ана шу қарашларни танқид қилабоқ, XVI—XVII асрлар иқтисодиётчилари У.Стаффорд, Т.Мен, Д.Норе ва бошқалар нодир металллар ўз табиий хоссалари туфайли пул саналади деб ҳисоблаган эдилар.

А.Смит, Д.Рикардо, К.Маркс, И.Фишер, А.Питу, М.Фридман ва бошқа бир қатор иқтисодчилар ана шу масалани ҳал қилишга ҳаракат қилган эди. Аммо ҳозирги замонда ханузгача пул тушунчаси хусусида ниҳоятда ранг-баранг фикрлар мавжуд бўлиб қолмоқда.

Маълумки, пул пайдо бўлишининг икки концепцияси мавжуд:

1. Рационалистик концепция:

2. Тадрижий-тарихий (эволюцион) концепция: пул иқтисодий ҳамкорлик ривож топиши узок давом этган жараён сифатида, айирбошлаш жараёни ривож топиши натижаси сифатида келиб чиққан.

Кўпчилик иқтисодчилар тадрижий-тарихий концепцияни маъқулладилар. Пул жамиятда муайян шартлар билан ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар амалга оширилганда вужудга келади.

Пул вужудга келишига сабаб бўлган жиҳатларга куйидагилар киради, жумладан:

- натурал хўжаликдан товар ишлаб чиқаришга ўтилиши;
- хусусий мулк пайдо бўлиши;

• миллий иқтисодийётни шакллантирувчи институционал қурилма асоси сифатида давлатнинг вужудга келиши.

Иқтисодчилар пулни ишлаб чиқариш кучлари ва товар муносабатлари ривожланиши натижасида вужудга келган иқтисодий категория сифатида кўриб чиқадилар.

Товар муносабатлари хусусий мулкдан пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Хусусий мулк ибтидоий жамиятда вужудга келди ва унинг бўлиниш сабабига айланди. Товарларнинг керагидан ортиқча бўлиши жамоат учун улар айирбошланганда хусусий мулк бўлади, айти маҳалда жамоат ичида ижтимоий мулк бўлиб қолаверди.

Меҳнатнинг бундан буёғига ҳам ижтимоий тақсимланиши меҳнат маҳсуллари мунтазам айирбошланишига ҳаёт бағишлади, бу эса товар ишлаб чиқариш ривожланишига имконият яратиб берди.

Хусусий мулк туфайли дунёга келувчи шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятлар, товар муносабатларини ривожлантириш йўли билан ана шу муносабатларнинг объекти сифатида товарга айланиб кетади. Товарда ана шу зиддиятлар хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида намоён бўлади.

Исталган ҳар қандай товар эквивалентликни тақозо этади, бу эса тури, сифати, ишлатиш мақсади турлича товар мутаносибликни талаб қилади ва товарлар мутаносиблиги учун эса умумий асос керак бўлади.

Товарнинг қиммати (нафлилиги), яъни товар ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган харажат ва унда сарфланган ижтимоий меҳнат асос саналади. Бундай шароитда меҳнат ёки қийматни миқдоран ўлчаш зарурати вужудга келади, яъни айирбошлаш қиймати тушунчаси пайдо бўлди.


Айирбошлаш қиймати - бу товарнинг муайян тақсимотларда бошқа товарларга алмашаниш лаёқатидир. Натурал хўжаликда маҳсулот фақат ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжларини қаноатлантирган, яъни истеъмол қийматига эга бўлган. Товарни сотганда эса товар ишлаб чиқарувчини энг аввало, товарнинг айирбошлаш қиймати қизиқтиради.

Товар бозорга келиб тушганда эса товарнинг истеъмол қиймати ва айирбошлаш қиймати ўртасида ёки товарнинг жузъий ва ижтимоий фойдалилиги ўртасида зиддиятлар юзага келади. Ана шу зиддиятлар товар ва пулга айирбошлаш йўли билан ҳал этилади.

Товар қийматининг ана шу икки жиҳати қарама-қаршилиқлар бирлигини ўзида ифода этади. Ҳар иккала қиймат битта товарга хос эканлиги билан, қарама-қаршилиқ эса, битта ва айнан ўша товар битта одам учун бир вақтнинг ўзида ҳам айирбошлаш, ҳам истеъмол қийматига эга бўла олмаслиги билан белгиланади.

Бу зиддиятлар ўз-ўзича ҳал бўла олмайди. Уларни ҳал қилиш учун эса ушбу товар бошқа бир товар, янада ривожланган босқичда эса пул ролида намоён бўлади.

Товар айрибошлашнинг ривожланиш жараёнида қийматнинг қуйидаги шакллари намоён қилди (1-расм):



1-расм. Қиймат шакллари ривожланиши.

Пул мавжуд бўлишини нафақат сарфланган меҳнат миқдорига қараб, қолаверса, сифатига ҳам қараб меҳнатга ҳақ тўланиши заруратини келтириб чиқарувчи меҳнатдаги фарқлар билан боғлаш лозим.

Пул энг аввало, ўз келиб чиқишига кўра товар саналади: у товар айирбошлаш ривожланиши натижасида, бутун бошли товарлар массасидан стихияли тарзда ажралиб чиққан эди.

Бундан ташқари, пулни мавжуд бўлиши қуйидаги зарурият ва муносабатлардан келиб чиққан:

а) хўжалик юритиш фаолияти натижаларини нафақат натурал кўрсаткичларда, балки қиймат кўрсаткичларида ҳисоблаш зарурати туфайли;

б) мулкнинг турли шакллари намоён бўлиши билан.

Айирбошлаш жараёнининг узоқ давом этган ривожланиши натижаси сифатида пул бошқа товарлардан фарқ қилиб алоҳида хусусиятларга эга товар ҳисобланади. Товар «пул»нинг хусусиятлари қуйидагилар:

- бошқа товарлардан фарқли равишда қийматнинг ялпи ва бевосита ифодаланиши сифатида намоён бўлади (товарларнинг қиймати эса уларни пулга солиштириб тенглаштириш механизми орқали белгиланади);

- барча бошқа товарларга қарши ўлароқ, абстракт меҳнатнинг ялпи ва бевосита ифодаланиши сифатида намоён бўлади, яъни:

а) пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати намоён бўлади;

б) пулда мужассамлашган аниқ меҳнат абстракт меҳнат намоён бўлишининг ялпи шакли саналади;

- бошқа товарлардан фарқли равишда пул бевосита исталган товарларга айирбошланадиган ялпи истеъмол қийматига эгадир.

Умумий эквивалент бўлган пул унинг моҳиятини ифода этувчи учта хосса бирлигини ўзида мужассамлаштиради (2-расм):



2-расм. Пулнинг хусусиятлари


Юқорида баён этилгандан кўриниб турибдики, пул товар ишлаб чиқариш элементларидан бири саналади, шу туфайли иқтисодиётни ривожлантиришда унинг роли аҳамиятли ва кўйидагилардан иборат бўлади:

- товарлар, ишлар, хизматлар, активлар, ишлаб чиқариш омиллари баҳосини шакллантириш; баҳолар тақсимотини белгилаш;
- товарлар, ишлар, хизматлар, активлар, ишлаб чиқариш омилларини алмашишга хизмат кўрсатиш;
- иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг самарали тузилмасини шакллантириш;
- ходимлар меҳнати унумдорлигини ошириш учун рағбат беради;
- бозорнинг турли субъектлари иқтисодий фаолияти натижаларини баҳолайди;
- янги яратилган қийматни қайта тақсимлайди;
- товарлар, ишлар, хизматлар, активлар, ишлаб чиқариш омилларини ўзаро алмашиш асосида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожлантиради.

1.2§. Пулнинг функциялари.

Иқтисодий категория сифатида пулнинг мазмуни пулнинг иқтисодиётда бажарадиган функцияларида намоён бўлади. Функциялар эса пул ҳақида жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида зарурий элемент сифатида иштирок этувчи алоҳида махсус товар тариқасида тасаввурни вужудга келтиради.

Пул аввало, товар ва хизматларни айирбош қилишда умумий тарзда қатнашувчи ҳар қандай бир товардир. Ҳар қандай товар айирбош жараёнида қарзни тўлай олиш қобилиятига эга бўлса, бу товар муваффақиятли равишда пул вазифасини бажариши мумкин. Пулга бу хил таъриф унга қонуний, иқтисодий ва моддий хусусиятларидан ҳам кўра кўпроқ психологик нуқтаи назардан берилган таърифдир. Шунга кўра халқ нимага пул деб ишонса, ўша нарса пул бўлиши мумкин. Албатта, бир қанча омиллар бирон бир нарсанинг пул еки пул эмаслиги ҳақидаги халқнинг тушунчасига таъсир кўрсатади. Фақат психологик омил халқнинг пул вазифасини бажарувчи ашёга ишончида аҳамиятли роль ўйнайди. Халқнинг пулга ишончида эса, пулнинг ўз вазифаларини тўла қонли бажариши белгилайди.



3-расм. Пулнинг функциялари

Пул ўз функцияларини фақат инсонлар иштирокида бажара олиши мумкин. Айнан пулнинг имкониятларидан фойдаланилган ҳолда товарлар баҳоси шакллантирилади, улардан жамғарма сифатида фойдаланилади.

Пулнинг қиймат ўлчови функцияси. Пулнинг қиймат ўлчови сифатида функциясининг бажарилиши баҳолар шаклланиш билан товарлар қийматини баҳолашдан иборат бўлади. Қиймат сифатида пулдан товарлар ва хизматлар қийматини солиштириш ва ўлчаш учун фойдаланилади.

Пулнинг қиймат ўлчов функцияси ҳисоб-китоб воситаси ҳам деб юритилади. Пулнинг қиймат ўлчов функцияси товар ва хизматларнинг қийматини белгилашда, товарларнинг мавжудлигини ҳамда кредит ва қарзларни ҳисоблашда қўлланилади. Шунга кўра пул мавжуд бўлмаган ҳолда ягона ҳисоб тизими ҳам амал қилмайди.

Пулнинг айирбош жараёнида қиймат ўлчови сифатида фойдаланишини пулнинг товарга алмашинувидан фарқлаш лозим. Аввало, пулнинг бошқа товарлар каби моддий шакли мавжуд. Айирбошлаш жараёнида пул ва товарнинг ўзаро тенг қийматга эга эканлиги, бу пулдан қиймат ўлчови сифатида фойдаланиш учун етарлидир. Шундай экан, айирбошлаш жараёнида натурал муносабатларга киришилганда ҳам ўзаро тенг қийматнинг белгиланишида пулдан фойдаланилади.




4-расм. Қиймат ўлчови сифатида пулнинг хусусиятлари

Ташқи савдодаги бир қанча ҳисоб - китобларда миллий ва чет эл валюталари ўртасида бошқа бир ҳисоб - китоб тизими, “крос - курс”дан фойдаланилади. Чунки бундай ҳолатда миллий пулнинг айирбош қиймати хорижий валюталарнинг нисбий қийматига нисбатан аниқланади.

Товар қиймати пулда ўз ифодасини топади. Бироқ, солиштирма ўлчаш асоси пулнинг ўзи эмас, унда сарфланган, пул ифодаси сифатида намоён бўладиган мужассамлашган инсон меҳнати саналади. Пул қийматига эга бўлган товар қиймати баҳо кўринишида намоён бўлади. Аммо товарлар бир хил қийматга эга бўлмагани туфайли уларнинг ягона мезонини, яъни эталонни қабул қилиш керак бўлади. Ана шундай эталон эса баҳолар масштабидир.

Баҳолар масштаби - барча товарлар баҳоларини пул бирликларида ўлчаш механизмидир. Олтин стандартида мамлакатда пул бирлиги сифатида қабул қилинадиган олтиннинг оғирлик бирлиги баҳолар масштаби ҳисобланади. Лекин, ҳозирги вақтда тўла қийматли пул ўрнида ўз қийматига эга бўлмаган пулдан фойдаланилади. Бу нарса пулнинг мазкур функцияни тушунтириб беришни мураккаблаштиради.



5-расм. Қиймат ўлчови сифатида пулнинг функциялари ва баҳо масштаби ўртасидаги фарқлар.

Баҳо шаклланаётганда, энг аввало, товар қиймати мўлжал қилиб олинади. Баҳо белгиланишида бошқа омиллар: товарнинг истеъмол қийматини (нафи), ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар баҳолари даражаси, тўловга қобил талаб ва бошқа бир қатор омиллар ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Пулнинг муомала воситаси функцияси. Муомала жараёнида пулдан сотиб олинаётган товарнинг ҳаққини тўлаш учун фойдаланилади. Товарлар уларнинг муомаласи бошлангунга қадар пулда идеал баҳоланадиган биринчи функциядан фарқли равишда пул товарлар муаммосида реал иштирок этиши лозим. Бу функциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, товарнинг харидорга берилиши ва унга ҳақ тўланиши бир вақтда содир бўлади. Ана шу функцияда нақд пул белгиларидан фойдаланилади.

Муомала воситасида пул ҳақ тўлаш амалга оширилиши йўли билан товарлар, хизматлар, активлар, ишлаб чиқариш омилларини айирбошлаш жараёнида иштирок этади ва шу тариқа, товар муомаласи товарлар ва пуллар ҳаракати бирлигини ўзида ифода этади. Пул айирбошлаш воситаси функциясини бажаришда пул иккита товар ўртасида жой олмоқда, яъни:

«Т—П—Т».

Бугунги кунда металл пуллар, қоғоз пуллар ва талаб қилиб олгунга қадар депозитлар, асосан айирбош функциясини амалга оширувчи пул сифатида фойдаланилмоқда. Аммо чек ўз-ўзидан айирбош функциясини бажара олмайди. Чунки чек билан тўловларда банкларнинг мажбурияти бирламчи ўринда туради.

Пул эвазига бир товарнинг сотилиши ва бошқа бир товарнинг харид қилиниши содир бўлади, яъни пул товарларни айирбошлашда воситачи ролини ўйнайди.

Оддий товар ишлаб чиқаришда пул товарлар айирбошлашда харид қилиш воситаси сифатида намоён бўлган ҳолда товар капиталига хизмат кўрсатган бўлса, капиталистик ишлаб чиқаришда эса пул соҳаси кенгайиб кетади ва «П—Т—П» формуласи ҳукмронлик қилади, бунда пул капитал муомаласи воситаси саналади.

Оддий товар ишлаб чиқариш «Т—П—Т»

Капиталистик товар ишлаб чиқариш «П—Т—П»

Товарлар ҳаракати тўлиқ қийматли пул билан, капитал ҳаракати эса нотўлиқ қийматли пул (кредит) билан белгиланади.

Пул айирбошлаш (муомала) воситаси сифатида: Пул товар-пул муомаласи чексиз жараёнида воситачи сифатида намоён бўлади ва ана шу функцияни бажариш учун пул зарур бўлади.

Айирбошлаш воситаси сифатида пулнинг қонуний бир баҳоси мавжуд. Барча қарзлар пул билан тўланиши мумкин. Ҳеч ким ўз қарзини натура шаклида тўланишини истамайди. Шу билан бирга пули бўлган кишилар дарҳол уни харажат қилишга мажбур эмас. Чунки улар ўз бойликларини пул шаклида ҳам тутуб туришлари мумкин, яъни пулни жамғарма воситаси сифатида ҳам сақланиши мумкин. Пул айирбош воситаси сифатида бозорга чиқса ҳар қандай товарга алмаштирилиши мумкин. Чунки пулнинг сотиб олиш кучи, яъни ҳарид қобилияти мавжуддир.

Пул муомала воситаси бўлиши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим;

а) ҳар бир бирлигига мос баҳо: пул сифатида танланган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига мос мантиқий баҳоси бўлиши лозим. Шундагина у барча олди - сотди миқдорини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Демак, пул вазифасини бажарувчи товарнинг қиймати у қадар юқори ҳам, у қадар паст ҳам бўлмаслиги керак. Шундагина энг арзон товарлар (писта, сақич, гугурт, тугма) пул вазифасини бажарувчи товарнинг энг кичик бир миқдори билан сотиб олиниши мумкин. Бошқа томондан пул қиймати етарлича юқори бўлиши талаб қилинадик, энг қиммат товарларни (автомобиль, телевизор, уй) ҳам мос бир пул миқдори билан сотиб олиш имконини берсин.

б) чидамлилиқ: ҳар қандай маҳсулотнинг пул вазифасини бажариши учун, аввало тез ўз сифатини йўқотмаслиги талаб қилинади. Масалан: темирни пул шаклида фойдаланиб бўлмайди, чунки у тез занглайди. Чидамлилиқ пулнинг бир жойда тўпланганида ҳам энг кам сифат йўқотишини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам бир қанча металллардан яратилган пуллар пул сифатида муомаладан чиқиб кетди. Масалан: кумуш, мис ва бошқалар.

в) стандарт ва бўлақларга ажралиш (бўлиниш) хусусияти: натура айирбош тизимидаги асосий муаммо, бир товарнинг сотиб керакли товарни сотиб олишда жуда кўп жараёнларнинг амалга оширилишидир. Пул натура айирбош жараёнидаги операцияларни иккига ажратмоқда.

Товарнинг пул учун сотилиши, яъни Т-П-Т. Бундан ташқари, олди - сотди турли миқдорларда амалга оширилади. Демак, пул

вазифасини бажарувчи товар керакли миқдорларда бўлақларга ажраладиган ва бу бўлақлар ўзининг мос қийматини сақлаб оладиган хусусиятга эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам тарихда пул сифатида олтин ва кумушдан фойдаланилган.

Товарларга ҳақ тўлаш воситаси сифатида пулдан қисқа вақт ичида фойдаланилади. Битта ва айнан ўша пул белгисидан кўп марта фойдаланилади. Пулнинг муомалада иштирок этишида сотувчи ва харидор ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таъсир кўрсатилади. Муомала воситаси функциясида, пулдан товарлар реализацияси бўйича битим иштирокчилари, ўзаро бир-бирини назорат қилиши воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин. Агар товар айирбошлаш жараёни пулсиз амалга оширилса, унда бундай айирбошлаш бартер деб аталади.

Давлат айрим ҳолатларда эгасига товар сотиб олиш ҳуқуқини берувчи талонларни тақсимлаш ёрдамида, яъни рационлаштириш усули орқали товарларни ўзаро айирбошлашдан фойдаланиб туриши мумкин.

Рационлаштириш — битта истеъмол бирлигини харид қилиш ёки олиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар энг катта миқдорини белгилаб берувчи товар ва хизматлар тақсимоти тизими.

Рационлаштириш усулининг камчиликлари:

1. Маҳсулотларнинг барча турларига талонлар тарқатишининг иложи йўқлиги;
2. Товар истеъмоли танлови чекланиши;
3. Муомалада бўлиб турган талонлар миқдорининг, мавжуд бўлган товарлар миқдори билан мувофиқлигига эришиш мураккаблиги.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, инфляцияга олиб келувчи иқтисодий инқирозлар ва урушлар шароитида ҳукумат маҳсулотларга талабни ва рационлаштирилган маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини назорат қилиши мумкин.

Талонлар тарқатиш йўли билан рационлаштириш 1980 йиллар охирида собиқ СССР учун характерли бўлган.

Пулнинг тўлов воситаси функцияси. Товарлар ва пул ҳаракати жараёни «Т—П—Т'» муайян шароитларда бузилиши мумкин: товарлар етказиб берилади, пулдаги эквивалент эса кейинроқ етказиб берилади. Пулнинг ана шундай ҳаракати тўлов деб аталади. Тўлов воситаси сифатида пулнинг вазифаси шундаки, бунда пул турли хилдаги қарз мажбуриятларини тўлиқ узиш воситаси саналади:

(M—T) - (T—II) – (II—M),

Бунда: M — қарздорлик мажбуриятидир.

Қарздорлик мажбурияти товар сотиб олинадиган, унга ҳақ тўлаш эса товарни сотиб олиш битимига қараганда кечиктирилган муддатда амалга ошириладиган бир вазият учун характерли бўлади. Товарлар кредитга сотилиши мумкин. Кредит битимлари эса векселлар ва банкноталарни юзага чиқишига олиб келган.

Ўзаро тўловларнинг айрим қисмлари ўзаро талабларни ҳисобга олиб бориш шартида рўй беради. Бунда пул айланмаси рўй бермайди, бу борада пул ҳисоб (санок) бирлиги бўлиб хизмат қилади. Атиги арзимас суммалар пул ёрдамида ҳисоблаб ўтказилади, яъни бунда тўлов воситаси функцияси бажарилади. Пул ушбу функцияни бажарганда, сотувчи ва харидор ўртасида кредит муносабатлари мажбурий тартибда бўлиши лозим.

Пулнинг жамғариш функцияси. Пул қора кунлар учун лозим бўладиган нарса сифатида сақланиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина кишилар автомобиль каби чидамли истеъмол товарларни қимматли бойлик сифатида тутиб турибди. Фақат автомобилни бойлик сифатида кўлда тутиб туришнинг асосий сабаби, у кўрсатадиган хизматга талабнинг мавжудлигидандир. Шунга кўра, автомобилга талаб камайиши билан уни бойлик сифатида сақлаб туриши ҳам камаяди. Бундай ҳолда кўлда бойлик сифатида автомобиль ушлаб туришмаъқул бўлмайди. Айни мантиқ пул учун ҳам ўринлидир.

Кўпгина молиявий жараёнлар маълум бир вақтдан сўнгра, баъзи бир тўловларни амалга оширишни талаб қилганлиги сабабли, маълум бир ўзгармас ўлчовнинг амал қилишини мажбурий қилмоқда. Пул айирбош воситаси сифатида бу вазифани ҳар доим бажариши мумкин. Мамлакатимизда ҳисоб - китоб воситаси сифатида қатнашувчи сўм, сотилган товарларнинг қийматини белгилаб берганлиги сабабли қарзларни ўлчашда ва келажакдаги тўловлар учун ҳам ўлчов вазифасини бажара олади. Шунинг учун ҳам пул жамғарма воситаси функциясини бажара олиш қобилиятига эга.

Товар ва хизматлар айланмаси (оборот)да бевосита, шу жумладан, муомала ва тўлов воситаси функцияларида иштирок этмаётган пул жамғармаларни юзага келтиради ва пулнинг жамғариш функциясини келтириб чиқаради. Товарлар ва хизматлар реализациясидан кейин, пул муомаладан чиқариб олинади ва

келажакда харидларни амалга ошириш учун фойдаланилганда жамғариш функциясини бажаради.

Жамғариш функциясини тўлиқ қийматли ва нақд пул бажаради. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсади кўзланганда, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини сотиб олиш учун пул маблағлари зарур. Пул энг ликвидли бўлгани туфайли, бойликни сақлаб туришнинг энг қулай шакли саналади. Пул нақд шаклда (алоҳида фуқароларда сақланади) ёки банклардаги ҳисобрақамларида жамғарилиши мумкин. Пул маблағларни жамғариш функциясини бажариши кредит муносабатларини ривожлантиришга замин яратади, кредит муносабатлари ёрдамида вақтинча бўш турган маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Пулни нақд шаклда сақлаб туриш банкдаги ҳисобрақамга қараганда устунликка эгадир, яъни бундай пуллар янада ликвид бўлади. Шунинг баробарида нақд пул кўринишида пул маблағларни жамғариш функциясини бажараётганда камчиликлар ҳам бўлади: даромад келтирмайди ҳамда инфляция даврида қадрсизланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда аҳолининг пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этиш соҳасида давлатнинг вазифаси долзарб саналади, бунинг учун эса аҳоли пулларини иқтисодиётга сарфланиши таваккалини минималлаштириш — энг паст даражага тушириш зарур. Республикамизда ҳам аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини орттириш, аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жозибадор омонат турлари таклиф этилиб, аҳолининг бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда.

Биз юқоридаги 3-расмда пулнинг 4 та функциясини алоҳида ажратиб кўрсатган эдик. Айрим адабиётларда пулнинг жаҳон пули функцияси хусусида фикрлар билдирилган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда пулнинг ушбу функцияси ҳақида қисқача мулоҳаза юритмоқчимиз.

Ташқи савдо алоқалари, ташқи ҳамкорга хизматлар кўрсатилиши жаҳон пуллари пайдо бўлишини келтириб чиқарди. Жаҳон пули функциясида пуллардан халқаро ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади, жаҳон пуллари ролида СДР, ЕВРО, СКВ (ЭКВ) намоён бўлади.

Жаҳон пуллари пулнинг барча аввалги функцияларини синтезлайди. Генуяда, 1922 йилдаги биринчи халқаро битим билан

Буюк Британия фунт-стерлинги ва АҚШ доллари олтин эквиваленти деб эълон қилинган эди, шундан кейин 1944 йилда Бреттон-Вудсда (АҚШ) иккинчи битим билан олтинга алмашинувчи АҚШ доллари жаҳон пули деб эътироф этилди.

Халқаро ликвидликни ошириш мақсадида, Халқаро валюта жамғармаси 1970 йилда СДРни муомалага киритди: СДР — 0,88671 грамм олтинга тенг бўлган олтин таъминотига эга бўлган махсус қарздорлик ҳуқуқидир. 1971—1973 йилларда доллар қадрсизланганидан кейин СДР 16 етакчи мамлакат валюталари ўртача ўлчаб олинган курси асосида белгиланадиган бўлди. Кейин эса 1991 йилда бешта валюта: АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, француз франки ва инглиз фунт-стерлинги шундай асосга айланди.

1979 йил мартдан бошлаб Европа валюта тизимида халқаро пул бирлиги ЭКЮ, ЕВРО 1999 йил январдан нақд пулсиз шаклда, пул белгилари 2002 йилдан жорий этилди.

Ҳозирги замон шароитида жаҳон пуллари функцияларининг хусусиятлари:

- жаҳон пуллари сифатида эркин конвертирланадиган миллий ва айрим ҳолларда халқаро ҳисоб-китоб бирликлари (СДР, ЕВРО)дан фойдаланилади;

- олтин истисно тариқасидаги ҳолларда, халқаро мажбуриятлар ифода этилган миллий валюталарга олдиндан сотиш йўли билан салбий тўлов баланси сальдосини тўлаб узиш учун ишлатилади.

Шунингдек, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланиши билан пулнинг функциялари орта бошламоқда. Шу тариқа пулнинг функцияларига: иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи, даромадларни қайта тақсимлаш, гегимонлик функциялари киритилади. Шу тариқа пулнинг классик функцияларига замонавий функциялари қўшилиши билан пул назариясида пулнинг тарафсизлиги мавзусидаги баҳс мунозара кучаяди.

Бугунги кунда пулнинг бир қанча замонавий функциялари юзага келмоқда. Бу асосан иқтисодиётда молиявий тизимнинг ривожланиши ва янги молиявий технологияларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Пулнинг замонавий функцияларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Пул иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи, тарғибот қилувчи ва йўналтирувчи восита сифатида. Пулнинг аввало, ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи ва инвестиция жараёнини молиявий ресурслар билан таъминловчи муҳим бир функцияси

мавжуд. Шу ўринда пул таклифи, яъни эмиссиясида бир ортиш ва унинг натижасида фоиз ставкалари даражаларининг пасайишини фараз қилайлик. Натижада, иқтисодиётда баҳоларнинг ўсиши кузатилади.

Иқтисодий муносабатлардан хўжалик юритувчи субъектлар корхона ва ташкилотлар юқори баҳога нисбатан иш ҳақини оширмасалар, товарга бўлган талаб камайиши юз беради. Фақат шиддатли ва доимий депрессия ҳолати юз бермаган даврларда, субъектларнинг ликвид маблағларини товарга алмаштириш ҳаракатида бўлиши шубҳалидир. Аксинча, хўжалик субъектлари (шахс, оила, корхона ва давлат) ҳеч қийналмасдан паст фоизда пул топа олишларига ишонганликлари ёки бўлмаса келажакда баҳолар бундан ҳам юқorigа кўтарилишидан кўрққанлиги туфайли инфляция тахмин таъсирида қўлларидаги ишламай турган пул миқдорини камайитиришга ҳаракат қиладилар. Натижада, бўлган талабнинг ортиши ҳам истеъмолни ҳамда инвестицияларни орттиради.

2. Пулнинг даромадларни қайта тақсимловчи сифатидаги иштироки.

Пул даромадларни орттирувчи таъсир ҳам яратади. Банк кредитлари ундан фойдаланганларга ишлаб чиқариш ҳажмини ва бевосита фойда миқдорини орттиришларига имкон яратмоқда. Шу тариқа кредит сиёсати бир томондан туғридан - тўғри кредит миқдорини орттирса, бошқа томондан билвосита турли субъектларнинг фойда миқдорига таъсир кўрсатади. Ҳар икки ҳолатда ҳам миллий даромад миқдорининг ўзгариши юз беради. Инфляция даврида кредитлар даромадни қайта тақсимловчи бир таъсирни юзага келтириб чиқаради. Жамғарма эгалари ва ўзгармас даромадли иқтисодий субъектлар инфляция даврида харид қобилиятининг тушганлигини ҳис қиладилар. Аммо қарз олганлар инфляция жараёнида ютиб чиқадиладар, чунки олган қарзларини келажакда қиймати тушган пул билан тўлайдилар. Шу тариқа даромаднинг қайта тақсимоли юз беради .

3.Куч қудрат (гегемон) сифатида пул.

Рой Харрод “пул кувват”дир деб ёзади. Шунга кўра, бугунги иқтисодчилар ўтган иқтисодчиларидан кескин фарқ қилган ҳолда, пулдор кишилар ўз орзуларини амалга ошириш учун бошқа иқтисодий субъектларнинг куч ва имкониятларидан фойдаланишда пулнинг кучидан фойдаланаётганларига ишонишмоқда. Бунга мисол

тариқасида банкларнинг имкониятини кўрсатиш мумкин. Чунки банклар турли фаолият ва тармоқларга кредит беришни қабул ёки рад қилгани ҳолда, иқтисодий фаолиятга йўналиш бериши мумкин. Шу ўринда банк кредитлари баъзи бир фаолият турларини банкротликдан сақлаб қолиши, баъзи тармоқларга эса янги технологияларни олиб кириш имкониятини беради. Демак, банкларнинг ишлаб чиқариш сиёсатини йўналтиришда катта таъсири мавжуд.

1.3. §. Пулнинг шакллари ва турлари.

Ўз ривожланиш йўлида пул икки кўринишда намоён бўлган: ҳақиқий пул ва қиймат белгиси. Металл пул энг қадимий пул тури саналади. Металл пуллар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Дастлабки монеталарни милоддан аввалги VII асрда Лидия давлатида зарб эта бошладилар, милоддан аввалги 279 йилда Римда металлнинг стандарт бўлақларини илк маротаба «монета» деб аташ бошладилар.

Даставвал пул турли металллардан (мис, кумуш ва ҳоказо) зарб этилган, кейинчалик эса барча мамлакатлар олтин муомаласига ўтган. Олтин муомаласи эса тўлиқ қийматли ёки ҳақиқий пуллар билан таъминланган эди.

Ҳақиқий пул бу номинал қиймати реал қийматига, яъни улар ясалган металл қийматига мос келадиган пуллардир.

Бундай пулнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз қийматига эга бўлади ва қадрсизланиши деярли юз бермайди. Олтин тангалар кундалик эҳтиёжларга етарлича элсатик бўлиб, мослашиб боришга қодир: агар улар кўп бўлса, оборотдан чиқиб кетади ва аксинча бўлади. Олтин муомаласи узоқ муддат мавжуд бўлмади. Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳақиқий пуллар ўрнига қиймат белгилари келди. Қиймат белгилари пайдо бўлишини тақозо этган асосий омиллар: Аа


1) олтин қазиб олиш товарлар ишлаб чиқариш билан мос келмади ва тўлиқ эҳтиёжни таъминламади;

2) олтин пуллар қиймати бўйича майда оборотга хизмат кўрсата олмади;

3) олтин муомаласи иқтисодий эластикликка, яъни тез кенгайиш ва ўзгариш лаёқатига эга эмас;

4) олтин стандарти умумийлигича ишлаб чиқаришни рағбатлантирмади.

Қиймат белгилари тўлиқ қийматли пул эмас, шунинг учун ҳам олтинга алмаштирилмайди. Ҳозирги вақтда барча мамлакатлар пул таркибида олтин бўлишидан воз кечди ва пул белгиларига ўтилди. Қиймат белгилари майда тангаларга, қоғоз ва кредит пулларга (банкноталар) бўлинади.



6-расм. Қиймат белгиларининг турлари

Майда танга тўлиқ қийматли монета, пировардида эса қиймат белгисининг махраж қисмини ўзида ифода этади.

Қоғоз пуллар тўлиқ қийматли пулларнинг вакиллари саналади. Қоғоз пуллар металлга асосланган муомала натижасида вужудга келди ва муомалада эса кумуш ёки олтин монеталар ўрнини босувчилар сифатида пайдо бўлди. Металл пулдан қоғоз пулга ўтиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олувчи узок давом этган тарихий жараён ҳисобланади:

Биринчи босқич — монетанинг сийқаланиши, бунинг натижасида тўлиқ қийматли танга қийматини бузилиши. Мутахассислар олтин танга ҳар йили ўртача ўз оғирлигининг 0,07 фоизини йўқотишини ҳисоблаб чиққанлар.

Иккинчи босқич — давлат томонидан металл тангаларнинг онгли равишда бузиб ташланиши, яъни ғазнага қўшимча даромад олиш мақсадида монеталар таркибидаги металл миқдорини ўзгартириш.

Учинчи босқич — эмиссион даромад олиш мақсадида мажбурий курсга эга бўлган қоғоз пулларнинг ғазначилик томонидан чиқарилиши.

Илк қоғоз пуллар милодий XII асрда Хитойда, Европа ва Америкада — XVII аср охирида, Россияда эса 1769 йилда пайдо бўлди. Қоғоз пуллар ўз-ўзича қимматга эга эмас, негаки улар символлар, қиймат белгилари холос. Уларнинг эркин муомаласи

имконияти эса уларни чиқаришга рухсат берган ташкилот обрў-эътибори ва нуфузи билан белгиланади. Буни эса, қоида тариқасида ғазначилик ёки Марказий банк орқали давлат амалга оширади.

Қоғоз пул тизимида Марказий банклар томонидан муомалага чиқарилган пул бирлигининг олтинга алмаштирилиш имконияти йўқ. Фақат қоғоз пул тизимида пулнинг олтинга алмаштирилиш имкониятининг йўқлиги туфайли пул миқдорининг чексиз ортиши муаммоси юзага келмоқда. Аммо агар бир товар айрибош воситаси сифатида қабул қилинса, унинг миқдорида турли ўзгаришлар қилиб баҳосини белгилаш мумкин. Агар бирор киши автомобил сотиб олмоқчи бўлса, унинг қўлидаги пулининг 100 фоизи олтин бўлиши ёки 50 фоизи кумуш, 50 фоизи бошқа металл бўлишининг аҳамияти йўқ. Қўлида пул ушлаб турган кишиларни қизиқтирадиган нарса бу пулнинг бир бирлиги ҳисобига келажакда юз берадиган ўзгаришдир. Демак бир бирлик товар баҳосига мувофиқ равишда маълум бир миқдорда даромад яратса, унинг миқдори ва физикавий хусусияти муҳим эмас. Агар халқ шу тушунчани қабул қилса, у ҳолда оддий қоғоздан ҳам пул яшаш мумкин.

Қоғознинг кумуш ва олтин каби тўлов қобилиятига эга бўлиши мумкинлигини илк бора ўйлаганлар хитойликлардир. Францияда Эмиссия банкининг бошқарувчиси Жон Лау қоғоз пул эмиссияси билан тарихнинг энг буюк молиячиси номини олган. Францияда 1789 йилда илк бор муомалага чиқарилган қоғоз пулга ассигнат номи берилган. Англияда 1877 йилдан 1919 йилгача стерлингнинг конвертация ҳуқуқи бекор қилиниб, инглиз фунт стерлинги тўлиқ қоғоз пул хусусиятини намоён қилган.

Пул тизимларининг тарихига назар ташланса, сўнги даврларда пул сифатида ишлаб чиқарилиши қўлай бўлган манбаларга мурожаат қилинган. Шулардан энг сўнгиси қоғоз бўлса, бугунги кунда фақат ёзув билан ифодаланадиган муддатсиз депозитларга ҳам пул сифатида қаралмоқда. Бундан ташқари пул эмиссияси фақат ҳукумат ихтиёрида. Бугунги кунда эса иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва янги технологияларнинг ривожланиши билан электрон пуллар пайдо бўлмоқда. Булар муддатсиз омонатлар, электрон тўловлар ва банк кредит картларидир. Шу тариқа бу пул бирлиги ўз эгасининг чекка имзо қўйиши билан пул шаклида амал қилмоқда ва муомала жараёнига аралашмоқда. Аслида мазкур пул бирлиги ҳукумат пул бирлигининг мавқеини тиклашга ёрдамчи

техникалар шаклида амал қилса ҳам унинг замирида товарларнинг қийматини ҳам ўзида акс эттирмоқда.


Электрон пулларининг бундан ташқари ўғирланишдан хавфсизлиги, пул харажатларининг барча кўз ўнгида амалга оширилиши ва ноқонуний тўловлар устидан назорат ўрнатиш мумкинлиги, фойдаланиш учун қарор қабул қилган вақтимиздагина банкнот сифатида намоён бўлиши ҳамда даромад келтириши каби қулайликлари мавжуд. Шунга кўра бугунги кунда пул тизимидаги янгиликлар электрон пул сифатида қабул қилинган қарорлар шаклида ҳам намоён бўлмоқда.

Чиқарилган қоғоз пуллар номинал қиймати ва уларни чиқариш қиймати ўртасидаги фарқ эмиссион даромадни (сеньораж) юзага келтиради. Қоғоз пуллар моҳияти шундаки, улар — бюджет дефицитини қоплаш учун чиқарилган ва одатда металлга майдаланмайдиган пул белгиларидир.

Қоғоз пуллар хазина функциясини бажаришга яроқли эмас, уларнинг ортиқчаси ўзи муомаладан чиқиб кета олмайди. Муомалага тушиб қолган қоғоз пуллар муомала каналларига тикилиб қолади, уларни тўлдириб юборади ва қадрсизланади. Шундай қилиб, беқарорлик ва номўътадиллик қоғоз пулларга хос уларнинг табиатидан келиб чиқадиган хусусиятдир.

Ҳаддан ташқари эмиссия қилинган қоғоз пулларнинг инфляцион қадрсизланиши энг типик ҳодиса саналади, аммо бошқа сабаблар ҳам истисно этилмайди. Қоғоз пулларга хос бўлган камчиликлар кредит пулларини қўллаш туфайли сезиларли даражада бартараф этилиши мумкин.

Кредит пуллар қуйидаги ривожланиш йўлини босиб ўтган:



7-расм. Кредит пулларнинг таснифланиши.

Кредит пуллар ўз қийматига эга эмас, улар товар — эквивалентда мужассамлашган қийматнинг рамзий ифодаси саналади. Кредит пуллар муомалага вақтинча, қайтарма, қоида тариқасида, пуллик асосда чиқарилади. Улар тўлов воситаси функциясини бажаради. Кредит пуллар — пул капитали шакли бўлиб, ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг чиқарилиши оборотнинг ҳақиқий эҳтиёжларига чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки ссуда таъминот шарти билан берилади. Айланма эҳтиёжлари билан алоқалар ва боғлиқлик издан чиққанда кредит пуллар ўз афзалликларини йўқотади ва қоғоз пул белгиларига айланиб қолади. Кредит пулларнинг бирламчи шакли вексель ҳисобланади.

Вексель — қарздорнинг ёзма мажбурияти(оддий) ёки зиммасига юклатилган суммани маълум муддатдан кейин тўлаши тўғрисида кредиторнинг қарздорга буйруғи (ўтказма, тратта).

Вексель ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1. Мавхумлик. Векселда битимнинг аниқ бир тури, у билан бирга қарз юзага келиши манбаи ҳам кўрсатилмайди.

2. Муқаррарлик. Қарзнинг шубҳасиз тўланиши, шу жумладан, нотариус томонидан протест тўғрисида акт тузилганидан кейин қўлланадиган мажбурий чора-тадбирлар.

3. Муомаладорлик. Векселни ўзга бир шахсга тескари тарафидаги топшириш ҳақидаги ёзув билан бирга бераётганда тўлов воситаси сифатида нақд пул ўрнида ишлатилади.

Кенг фойдаланилишига қарамасдан, вексель ўз чегараларига эгадир. Улар куйидагилар:

1. Вексель муомаласи муддати чекланган;
2. Иш ҳақи ва бошқа мунтазам даромадлар тўланишини амалга ошириш мумкин эмас;
3. Айрим тўлов операцияларига хизмат кўрсатиш учун векселлардан фойдаланиб бўлмайди;
4. Фақат улгуржи савдога хизмат кўрсатади;
5. Вексель муомаласига шахсларнинг чекланган доираси жалб этилади;
6. Ўзаро талабларнинг салбий сальдоси нақд пуллар билан тўлаб узилади.

Банкноталар — мамлакат Марказий банки томонидан чиқариладиган кредит пуллардир. Даставвал банкноталар тижорат банклари томонидан чиқарилган, кейин эса мамлакатда пул

эмиссияси соҳасида монопол мавқеи туфайли эмиссион банк (Марказий банк) томонидан чиқариладиган бўлди.

Дастлаб банкноталар иккиёқлама таъминотга эга бўлган: тижорат кафолати, товар айланмаси билан боғлиқ бўлган тижорат векселлари асосида чиқарилган ҳамда унинг олтинга алмаштирилишини таъминловчи олтин кафолати бўлган. Бундай банкноталар классик банкноталар деб аталган, юқори даражадаги барқарор ва ишонарли бўлган. Марказий банк уларни алмаштириш учун олтин захирасига эга бўлган, бу эса банкноталарнинг қадрсизланишига йўл қўймаган.

Векселдан фарқли равишда банкнота муддатсиз қарздорлик мажбуриятини ўзида ифода этади ва Марказий банкнинг активлари билан таъминланади.

Ҳозирги замон банкнотаси моҳиятан ҳар иккала кафолатдан маҳрум бўлиб қолди: Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинадиган ҳамма векселлар ҳам товар билан таъминланавермайди ва банкноталарни олтинга алмаштириш ҳам амалиётдан чиқиб кетган.

Банкнота векселдан анча фарқ қилади, чунончи:

1) муддат борасида — вексель ўзида муддатли қарздорлик мажбуриятини ифода этади (3—6 ой). Банкнота эса муддатсиз қарздорлик мажбуриятидир;

2) кафолат борасида — вексель муомалага алоҳида корхона томонидан муомалага чиқарилади ва индивидуал кафолатга эга бўлади, банкнота эса ҳозирги вақтда Марказий банк томонидан чиқарилади ва давлат кафолатига эгадир.

Металлга алмашинувчи классик банкнота қоғоз пуллардан қуйидагича фарқланади:

1) келиб чиқиши бўйича — қоғоз пуллар муомала воситаси сифатида пулнинг функцияларидан келиб чиққан, банкнота эса, тўлов сифатида пулнинг функцияларидан келиб чиққан;

2) эмиссия методи бўйича — қоғоз пулларни муомалага ғазначилик, банкноталарни эса Марказий банк муомалага чиқаради;

3) қайтарилиши бўйича — классик банкноталар улар чиқарилган вексел муддати ўтиб кетиши билан Марказий банкка қайтарилади. Қоғоз пуллар муомаладан қайтиб келмайди;

4) майдаланиши бўйича — классик банкнота банкка қайтиб келиши биланоқ олтин ёки кумушга майдаланган, қоғозлар пуллар эса ҳамма вақт майдаланмайдиган бўлган.

Классик банкноталарнинг олтин ёки кумушга эркин майдаланиши механизми муомалада уларнинг миқдори ҳаддан

ташқари бўлишини ва кадрсизланишини истисно этганди. Замонавий банкноталар олтинга майдаланмайди ва товар табиатини сақлаб қолмайди. Банкноталар эмиссияси қуйидаги каналлар орқали амалга оширилади:

- 1) муамолага пул чиқариш;
- 2) хўжаликларни банк томонидан кредитлаш;
- 3) давлатни банклар томонидан кредитланиши;
- 4) расмий валюта резервлари ортиб бориши.

Кредит пулларнинг навбатдаги, янада юксак шакли депозит пуллар ҳисобланади. Уларнинг пайдо бўлиши банк тизимида боғлиқ бўлган. Бу банкларда мижозларнинг ҳисобрақамларидаги рақамли ёзувлар бўлиб, улар эгалари томонидан вексель банкда ҳисобга олиниши учун кўрсатилганда пайдо бўлади, банк эса вексель учун банкноталар билан ҳақ тўлаш билан бирга ўзида ҳисобрақам очадими, ундан эса тўлов уларни рўйхатдан чиқариб ташлаш йўли билан амалга оширилади.

Депозит пул, пул маблағларини вақтинча фойдаланиб туриш учун банкка берилганда олинаниган фоизлар туфайли жамғарувчи функциясини бажаради. Депозит пул қиймат мезони бўлиб хизмат қилади, аммо муомала воситаси функциясини бажара олмайди.

Депозит пулларнинг энг кенг тарқалган вакили банкдаги жорий ҳисобрақам эгасининг чек сақловчига муайян суммани тўлаш тўғрисидаги ёки уни бошқа бир ҳисобрақамга ҳисоблаб ўтказиш тўғрисидаги ёзма буйруғини ўзида ифода этувчи «чек» саналади.

Пулнинг бир тури сифатида чек ўз характеристикасига эгадир:

1) банкда ҳисобрақамдан нақд пул олиш воситаси бўлиб хизмат қилади;

2) товарлар сотиб олаётган, қарзларни тўлаб узаётганда муомала ва тўлов воситаси сифатида намоён бўлади;

3) айланмада нақд пуллар ҳажмини сезиларли камайтирган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар инструменти саналади.

Чекларнинг бир неча шакллари мавжуд:

Номига ёзилган чек - ўзга бир ҳуқуқсиз муайян бир шахсга ёзиб берилган чек. Ордерли чек-муайян шахс номига расмийлаштирилган, аммо индоссамент бўйича ўзга бир шахсга бериш ҳуқуқини берувчи чек.

Ҳисоб-китоб чеки – банклардан нақд пул олишда фойдаланиладиган чек.

Кўрсатувчига ёзилган чек. Уларда кўрсатилган сумма олувчини кўрсатмасдан тўланади.

Акцептланган чек. Уларда кўрсатилган сумма тўланиши банк акцепти (розилиги) асосида амалга оширилади.

Чек ҳам, бошқа пул товарлар сингари бир қатор камчиликларга эга бўлиб, улардан бири мураккаб ва ҳажм жиҳатдан катта қайта ишлов беришдир. Ана шу муаммони, шунингдек, илмий-техникавий ривожланиш ютуқларини инобатга олган ҳолда капиталистик дунё XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳисоб-китобларнинг янада тежамкор шаклларига ўта бошлади. 1960-йилларда чекларга ишлов бериш ва жорий ҳисобрақамларни юритиш бўйича илк электрон қурилмалар пайдо бўлди. Пул товарининг янги тури — электрон пул вужудга келди.

Электрон пул қоғоз ахборот ташувчилар иштирокисиз, электрон сигналларни узатиш воситасида кредит ва қоғоз пулга хос операцияларни амалга оширувчи тизимни ўзида ифода этади. Пулнинг ана шу янги тури бир қатор афзалликларга эгадир:

- 1) тўлов ҳужжатларини узатиш тезлигининг ошиши;
- 2) банк бухгалтерия ўтказмаларига ишлов беришнинг соддалашуви;
- 3) тўлов ҳужжатларини қайта ишлаш қиймати пасайиши.

Ҳозирги вақтда банклараро ҳисоб-китобларда пул маблағлари ўтказишнинг куйидаги электрон тизимларидан фойдаланилади:

- СВИФТ (SWIFT) — халқаро молия оборотидаги электрон коммуникациялар тизими (1977 йилда таъсис этилган, иштирокчилар таркиби: 4800 га яқин банклар ва молия муассасалари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатнашчилар бор);

- ЧИПС (CHIPS) — Нью-Йорк ҳисоб-китоб палатасининг электрон ўтказмалар тизими (130 банк-иштирокчи).

Электрон ҳисоблаш машиналарининг банк хўжалигини юритиш амалиётига кенг жорий этилиши тўлов карточкаларини қўллашни келтириб чиқарди.

Тўлов карточкаси эгасига кредит муассасасида ўз ҳисобрақамидан унинг қолдиғи доирасида ёки ҳисобрақамларда мавжуд бўлган маблағлардан ортиқчасини, аммо белгиланган доирада маблағларни рўйхатдан чиқариб ташлаш ҳуқуқини берувчи электрон пулнинг бир кўринишини ўзида ифода этади.

Қоғоз маълумот ташувчилардан фойдаланмасдан туриб, банкда ўз ҳисобрақамидан фақат унинг қолдиғи доирасида пулни рўйхатдан

чиқариб ташлашга имкон беради. Бундан ташқари, дебет карточкалар ёрдамида ҳисоб-китобларни банк терминаллари орқали амалга оширган ҳолда банкоматлардан нақд пул олиш ва товарлар сотиб олиш мумкин.

Кредит карточкалар. Кредит карточкалар ҳам дебет карточкалар сингари операцияларни амалга оширади, аммо улардан фарқли равишда банкдаги очиқ кредит линияси билан боғланган ва бунинг натижасида эса унинг эгалари харидларни амалга ошираётганда ва нақд пул олаётганда банк кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Энг кенг тарқалган тўлов карточкаларига «Виза», «Мастер-Кард», «Американ экспресс», «СТБ-Кард», «Юнион-Кард», «Золотая корзинка» ва ҳоказолар киради. Истиқболда пулнинг ана шу тури устунликка эришади, чунки пулнинг бошқа турларига қараганда афзалликларга эгадир.

II БОБ. ПУЛ НАЗАРИЯЛАРИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ.

2.1§. Пул назарияларининг келиб чиқиши.

Пулнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини аллақачон пайқашган. Пул иқтисодий тизимнинг муҳим элементи саналади. Иқтисодиётда пулнинг ролини баҳолашга боғлиқ ҳолда турли-туман пул назариялари ҳам мавжуд. Бироқ, улардан айримлари кенг тарқалмайди, негаки амалиёт тасдиқламайди, қолаверса, уларни шунчаки рад этади.

Замонавий илмий пул назариясининг асосида позитив дунёқараш ётади. Унга мос равишда назариялар маълумот ва фактлардан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Улар билан илмий тадқиқот ва баёнлар чегараланади.

Д.Юм (1711 - 1776), А. Тюрго (1727 - 1781), Ж.Ст. Милл (1806 - 1873) каби XVIII аср инглиз эпиризим вакиллари иқтисодий позитивизм асослари ва давомчилари сирасига киритиш мумкин. Асосий тушунчаси – “факт”, яъни унинг талқинидан келиб чиқувчи энг принципал дунёқараш моментларини учта бандга ажратиш мумкин:

1) Дунё назариясининг объективлик даражаси, воқелик ва у ҳақидаги билим нисбати;

2) Фан томонидан тан олинган қонун ва тушунчалар моҳияти;

3) Назария ва текширувларнинг ҳақиқийлик мезонлари.

Пул назариясини куйидаги тамойилларга таснифлаш мумкин:

- пулнинг табиати (моҳияти);
- уларнинг эволюцияси сабаблари;
- харид қобилияти;
- жамоатчиликда қўлланилиши;

Пул табиатининг бир неча назарияси мавжуд, шартли равишда уларни “товар” ва “товарсиз” тамойилларга бўлиш мумкин. Бу борада то маълум тарихий даврга қадар энг принципал мунозарали давр шундай шаклланган эди: пул – бу оддий товарми ёки алоҳида товарми? Ушбу масалада иккита нуқтаи назар ажратилди: қўлланиш доираси (моҳияти) ва қимматлилик манбаси бўйича.

Ҳозирги пайтда пулнинг муҳим хусусияти улар фақат ўз моҳиятида пул сифатида мавжудлиги ва ушбу муҳитда муомалада бўлиши тан олинади. Бинобарин товар истеъмолга ўтиши билан ёки

ўзига алоҳида бозорга оид мойилликни топганидан “масалан” ссуда капиталига айланганидан, фонд бозорида муомалада бўла бошлаганидан, у пул бўлмайди, балки пул сифатидаги хусусиятини йўқотади.

Товар тамойилларида пул қимматликлари манбаларини кўриб чиқишда асосий эътибор улар ички қийматга эга бўлишларига, ўзларида аниқ фойдали нарса ёки буюмни кўрсата олишга қаратилади. Бундай фикрларнинг энг кенг тарқалган тури пулнинг металл назариясидир.

Пул моҳиятининг товар бўлмаган тамойилида улар ўз эгаларига хоҳлаган товарини сотиб олиш ҳуқуқини берувчи рамз, иероглифлар сифатида номоён бўлади. Бундай фикрлар номиналистик назарияларни бирлаштиради. Иқтисодий адабиётларда пулнинг учта асосий назарияси фарқланади: металлистик, номиналистик ва микдорийлик.

2.2§. Пулнинг металлик назарияси.

Мазкур назария пулни нодир металллар: олтин ва кумуш билан тенглаштирган ва XV—XVII асрларда, капитал бирламчи жамғарилиши даврида ривож топган, ўша кезларда ана шу назария намоёндалари (Англияда — У.Стаффорд, Т.Мен, Д.Норс, Францияда — А.Монкретьен) монеталар парчаланишига қарши чиққан эдилар.

Пулнинг металликка оид назарияси назарий моҳияти ва амалий йўналишига кўра номиналлашган металлларга қарама – қарашидир. Унинг асосий шиори пул ва қимматли металлларнинг ҳақиқий тенглаштирилишидан иборат. Пулнинг металлик назарияси тарафдорлари кўпинча олтин ва кумуш ўз моҳиятига кўра пул деб ҳисоблашган.

Пул металлик назарияси савдо буржуазияси ва сиёсий иқтисодиётдаги унинг йўналиши меркантилизм манфаатларини акс эттирган эди. Меркантилизмга кўра, актив сальдо мамлакатга нодир металллар оқиб келишини таъминловчи ташқи савдо жамият бойлиги манбаи саналади.

Пулнинг металлик назариясининг тугалланган шакли меркантилистлар томонидан шакллантирилиб, улар таълимотининг ташқи савдо билан боғлиқ савдогарлар манфаатларини ифодаловчи руҳи билан мос келди. Маълумки, меркантилистлар пулга давлатнинг ихтиёридаги ҳақиқий бойлик деб қараганлар. Ташқи савдони

мамлакатга қимматли металллар оқиб киришини таъминловчи асосий манба деб ҳисоблаган.

Илк металлизм назариясининг хато эканлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, ижтимоий бойлик манбаи меҳнат билан яратилган моддий неъматлар йиғиндиси эмас, балки олтин ва кумуш ҳисобланган;

- иккинчидан, муомаладаги металл пулларни қоғоз пуллар билан алмаштирилиши зарурати ва мақсадга мувофиқлиги рад этилган эди.

Капитал дастлабки жамғарилиши ниҳоясига етиши асносида жамият бойлиги манбаига қараш ҳам ўзгарди: ташқи савдо ва нодир металллар эмас, балки саноат, қишлоқ хўжалиги, яъни ишлаб турган капитал ана шу манба деб ҳисоблана бошлади. Ички бозор афзал кўриладиган бўлди.

Металлик назария қайта жонланиши XIX асрнинг иккинчи ярмига оид бўлиб, бу нарса 1871—1873 йилларда Германияда олтин танга стандарти жорий этилиши билан боғлиқ эди. Бу пул металлистик назариясининг биринчи босқичи бўлиб, у немис иқтисодчилари наинки нодир металлларни, Марказий банкнинг металарга майдалаб алмаштирилган банкноталарини ҳам пул деб ҳисоблаганликларида мужассамлашган эди.

Назариянинг иккинчи ривожланиш босқичи биринчи жаҳон урушидан кейин рўй бериб, ўшанда унинг намоёндалари олтин танга стандартини қайта тиклаш имкони йўқлигини тан олиб, олтин монометаллизмнинг янги шаклини жорий уришиб кўрган эди ва олтин қўйма ва олтин девиз стандартлари шунинг натижасида вужудга келди.

Металлистик назариянинг учинчи ривожланиш босқичи иккинчи жаҳон урушидан сўнг содир бўлди, ўша кезларда француз иқтисодчилари А.Туммон, Ж.Рюзф ва М.Дебрё, шунингдек, инглиз иқтисодчиси Р.Хаффорд халқаро айланмада олтин стандартини жорий этиш зарурати тўғрисидаги ғояни таклиф қилишган. Америкалик ва франциялик иқтисодчилар М.Хальперин ва Ш.Риссей эса олтин стандартини ички муомалада жорий этиш тўғрисидаги талабни илгари сурган эди.

Неометаллистлар мулоҳазалари жараёни олтин стандарт ҳукмронлиги даврида пулнинг металлик назарияси кенг тарқалишга эга бўлди. Пулнинг ушбу назарияси анъанавий принциплари қоғоз пул инқирозига қарши йўналтирилган пул ислохотига асосланади.

Металлизмнинг маълум рекессанси ва неометализм тамойилларини яратиш 1950-йилларининг ўрталарида юз берди. Жаҳон миқёсида олтин стандарт тизимини киритишни таклиф қилган муаллифлар фикрига кўра, бу ўзаро ишонч, молиявий барқарорлик иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётга олиб келган бўлар эди.

Шу билан бирга, ҳозирги замон шароитида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида пулнинг металлик назарияси амалда (умуман) тарқалмаган. Металл валютага қайтиш ғояси оммавий эмас, чунки пулнинг салмоқли қисми муамоладан чиқиб, қуввати камайган бўлар эди. Унинг реализацияси мамлакат пул тизимини олтин ишлаб чиқарилишга боғлиқ қилиб қўяр ва шу билан давлатнинг пул-кредит ва валюта соҳасига аралашув имкониятларини бўшаштириб қўярди.

Олтин юқори ички қийматга эга ва шунинг учун ҳам унинг қоғоз дубликатлари, символларига ўхшаб қадрсизланмайди. Башарти, агар олтин қазиб чиқаришда меҳнат маҳсулдорлиги ортса ёки янги конлар очилса, унда товарлар нархи ўсади. Боз устига, пул муомаласи каналларининг олтин пуллар била тўлиб кетиши эҳтимолдан анча йироқ, чунки олтин — бойлик рамзи, қулай имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда у тезаврация соҳасига оқиб ўтади. Ўзгарган иқтисодий шароитда — иқтисодий бўҳрон, айланма маблағларга эҳтиёжлар ортганда эса жамғарилган олтин тангалар муомала соҳасига қайтарилади. Шундай қилиб, олтин стандарти жорий этилганда товар-пул мувозанати стихияли равишда сақланиб туради.

Ғарблик айрим олимлар бошқача қарашга мойил. Масалан, Э.Доллан, К.Кэмбелл, К.Мак-Конелл олтин пул муомаласида инфляция бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас деб ҳисоблайдилар. Башарти, агар олтин қазиш ёки ишлаб чиқариш технологияси сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилса, инфляция алмаштириб бериш сақланганда ҳам рўй беравериши мумкин. Олтиннинг дефицитида олтин муомаласини сақлаб туриш заифлашиб иқтисодий пасайишни келтириб чиқаради. Шунинг учун қоғоз пуллардан фойдаланиш, аммо уларнинг таклифини маҳорат билан бошқариш оқилона иш бўлади.

Олтин эса шундай бўлсада, пул муомаласига билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Жаҳон баҳолари бўйича давлат сотувлари мамлакат ичида сотиб олишга ва уларнинг ҳажмини оширишга имкон беради. Аммо ана шу операцияда, гарчанд олтин энг ликвидли товар бўлсада, олтиннинг роли бошқа экспорт маҳсулотлари ролидан принципиал жиҳатдан фарқ қилмайди. Фикримизча, пул муомаласини соғломлаштириш учун олтин оқимидан фойдаланиш

имконияти унчалик катта эмас ва ўз-ўзича инфляция муаммоларини ҳал қилиб бермайди.

2.3§. Пулнинг номиналлик назарияси.

Бу назария қулдорлик тузуми даврида вужудга келган ва ғазна даромадларини кўпайтириш мақсадида монеталар, тангаларни бузиб майдалашни оқлаш учун пулнинг ички қийматини инкор қилган эди. Пулнинг номиналистик назарияси, уларнинг моҳияти нуқтаи назаридан ички қийматидан маҳрум бўлган, шартли ҳисоб бирлиги – оддий белгилар сифатида белгиланади. Ана шулардан келиб чиқиб, пулнинг харид қобилияти гўёки ўзининг моддий қийматига мутлоқ боғлиқ бўлмайди ва номлари, номинали билан белгиланади, деган хулоса чиқарилади.

Пулнинг номиналистик назариясини объектив асоси уларнинг функциялари пул оғирлик бўйича эмас, унинг кўрсатилган номи бўйича ривожланиши бўлади. Табиий, монетанинг эскириши оқибатида пулнинг ўсиш қийматидан оғиши ва унинг ички товарлик мазмуни назарий ҳолатлар учун асос ва у пулнинг товарлик моҳиятини бутунлай инкор этади.

Биринчи номиналистик тамойиллар металл монета (пул)нинг қиймат белгиси сифатида белгиланишига асосланди. Бундай белгилашлар қадимги буюм мутафаккирлардан Платон (эрамиздан олдинги 423/427-347 йиллар), Арестотел (эрамиздан олдинги 304-322 йиллар) фалсафасининг ривожланаётган идеалистик йўналишларида учрайди.

Пулнинг номиналлик назарияси XVIII аср иқтисодчилари илмий асарларида мунтазам ривожлана олди. Масалан, инглиз иқтисодчиси Ж.Стюарт (1712 - 1780) “идеал пул бирликларни” тамойили билан чиқди, унга кўра, пул – жамоатчилик ҳодиса (ҳолат)и сифатида аниқ пул металли – кумуш ёки олтин билан боғлиқ эмас. Фақат “идеал пул бирликлари” пулга хос бўлган ягона ўзига хос функцияни – нарх қўллами функциясини бажариши керак.

Мазкур назария XVII—XVIII асрларда, пул муомаласи тўлиқ қийматга эга бўлмаган тангалар билан тўлдириб ташланган кезларда шаклланган эди. Номинализмнинг илк намояндалари инглиз иқтисодчилари Ж.Беркли (1685—1753) ва Ж.Стюарт (1712—1780) бўлиб, улар қуйдаги фикрларни олға сурган эдилар:

- биринчидан, пул давлат томонидан яратилади;

- иккинчидан, уларнинг қиймати номинал билан белгиланади;
- учинчидан, пулнинг моҳияти нархларнинг идеал кўламига бориб тақалади.

Шунга ўхшаш қарашларни таниқли инглиз файласуфи объектив идеализм тарафдори Ж.Беркли (1685 - 1753) ҳам ривожлантирди. У пулга моддий маънодан маҳрум бўлган мавҳум қиймат нисбати сифатида қараган.

Ж.Стюарт ва Ж.Бреклининг қарашларида ўша пайтгача етарлича тарқалиб бўлган пул моҳиятининг бошқа тамойили – металлизмга танқидий реакциялар мавжуд эди.

XIX аср охири — XX аср бошларида сиёсий иқтисодиётда номинализм ҳукмрон мавқени эгаллаган эди. Аммо илк номинализмдан фарқли равишда унинг ҳимоя объекти тўлиқ қийматли тангалар эмас, балки қоғоз пуллар бўлди.

XX асрнинг бошларида номинализм пулнинг давлат назарияси сифатида расмийлаштирилди. Бу йўналиш немис иқтисодчиси Г.Ф.Кнаппнинг “Пулнинг давлат назарияси” (“Statatliche teorie des Geldes,” 1905) номли асарида кўрсатиб берилган. Ҳозирги замон шароитида пулнинг моҳиятига бундай ёндашув энг ривожланган ҳисобланади. Номинализмнинг тарафдори сифатида у пулга - ҳуқуқий тартибга солишнинг натижаси сифатида қараган. Унинг фикрича, пулнинг моҳияти модда сифатида (материал) эмас, унинг истеъмолини бошқарувчи ҳуқуқий нормаларда бўлади. Г.Ф. Кнапп, пулни тўлов воситаси деб ҳисоблаган ва тўлақонли металл пул учун характерли бўлган ҳамма функциялар ҳеч қандай чекловларсиз, олтинга майдаланмаган (алмаштирилмаган) қоғоз пуллар бажариши мумкин.

Номинализм моҳияти немис иқтисодиётчиси Г.Кнапп (1842—1926) нинг пул назариясида ёрқин бир тарзда намоён бўлган, ана шу назариянинг асосий қоидалари эса, пул — давлат ҳуқуқий тартиботининг маҳсули, давлат ҳокимиятининг ижоди, пул — тўлов воситаси, яъни давлат томонидан тўлов кучи билан қувватлантирилган белгидир. Пулнинг асосий функцияси — тўлов воситасидир деган таъкидловлар ва қарашлардан иборат бўлган. Г.Кнаппнинг пулга оид давлат назарияси янглиш эканлиги шундаки, чунончи:

- биринчидан, пул юридик категория эмас, балки иқтисодий категориядир;

- иккинчидан, металл пуллар мустақил қийматга эга бўлиб, уни давлатдан олмайди; пулнинг тақдимот қиймати ҳам давлат томонидан белгиланмайди, балки объектив иқтисодий қонунлар билан шартланган бўлади;

- учинчидан, пулнинг асосий функцияси тўлов воситаси эмас, балки қиймат мезони эканлигидир.

Австриялик иқтисодчи Ф.Бендексен пулни жамият аъзоларига хизмат кўрсатилгани тўғрисидаги, қарама-қарши хизматларни қўлга киритишга ҳуқуқ берувчи бир гувоҳнома дея баҳолаб, пулга оид давлатчилик назариясини иқтисодий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилган, аммо унинг номинализмни иқтисодий жиҳатдан асослаб беришга уринишлари амалга ошмаган, чунки пулнинг моҳиятини баҳолаётганда у қиймат назариясини инкор қилган эди.

Қоғоз пулнинг пайдо бўлиши ва муомаласининг ривожланиши билан номиналистик назария тарафдорларининг позициялари яна ҳам мустаҳкамланди. Қоғоз пул белгилари пул – давлат томонидан эмитентланадиган шартли белги эканлиги борасидаги фикрга қўшимча далил бўлди.

Номиналлашув ғояларини Ж.Кейнс ва унинг издошлари (Э.Хансен, Р.Харрод, П.Самуэльсон) ривожлантирди. Масалан, П.Самуэльсон “қоғоз пуллар пулнинг моҳиятини унинг ички табиатини амалда жорий этади. Пул – товар сифатида эмас, пул сифатида унинг сотиб олиш мумкин бўлган буюмлар учун зарур”.¹

1929—1933 йиллардаги иқтисодий инқироз даврида олтин стандартидан чекинишни оқлаш учун назарий замин сифатида номинализм янада ривож топди. Бинобарин, М.Кейнс олтин пулларни «варварлик сарқитлари», «араванинг бешинчи ғилдираги», яъни ортиқча бир нарса деб эълон қилди. Кейнс олтинга қараганда янада эластикроқ бўлган, гўёки жамиятнинг мунтазам гуллаб-яшнашини таъминлаши лозим бўлган қоғоз пулларни идеал бир ходиса деб эълон қилди. Дж.Кейнс Г.Кнапп назариясидаги металлистик муомала эластик деган таъкидловни хато деб ҳисоблаган.

Пул муомаласида олтиндан фойдаланиш доираси қисқаришининг ҳар бир қадамига олтинни танқид қилишнинг янги босқичи ҳамма пул функциясининг асоси сифатида мос келди. Пулнинг номиналлашув назарияси олтинни қоғоз пул билан алмаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини исботлашга йўналтирилди.

¹ Самуэльсон П. Экономика. М. 1964. с 68-69

Қимматбаҳо металлларни пул муомаласи соҳасидан сиқиб чиқарилиши, қоғоз пул белгиларини олтинга алмаштиришнинг тўлиқ тўхтатилиши, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, электрон пулларнинг пайдо бўлиши, пулнинг номиналлик назарияси ҳукумронлик қилишига олиб келди.

2.4 §. Пулнинг миқдорийлик назарияси.

Иқтисодиёт фанида иқтисодиётнинг мўътадил ва рисоладагидек ривожланиши учун зарур бўлган пул миқдори муаммосига турлича қарашлар мавжуд. Мазкур назарияни француз олими Ж.Боден (1530—1596) илгари сурган эди. У Ғарбий Европада товарлар қимматлигини нодир металллар оқиб келиши кўпайиши билан изоҳлаган эди. Ана шу ғояга XVII—XIX асрларда Ш.Монтескье (1689—1755), Д.Юм (1711—1777), Ж.Милл (1773—1836) ҳам амал қилишган эди.

XVIII асрда пулга оид миқдорий назариянинг ёрқин намояндаси Д.Рикардо бўлган эди. Бинобарин, таъкидлаш лозимки, унинг қарашлари иккиёқлама характерга эга бўлган: бир томондан, пулнинг қиймати уни ишлаб чиқарилган меҳнат сарфи билан ўлчанади, бошқа бир томондан эса, пул бирлигининг қиймати пуллар миқдorigа боғлиқ ҳолда муайян даврларда ўзгаради деб ҳисоблаган эди. Д.Рикардо, жумладан, 1797 йилдаги олтинга алмаштириш (майдалаш) ман қилинганидан кейин Англия банкининг банкноталари қадрсизланиши сабабларини товар муомаласи билан тушунтирган эди.

Пулнинг миқдорий назарияси келиб чиқишининг бевосита сабаби XVI-XVII асрларда Европада юз берган “пул инқилоби” бўлди. Европага Американинг арзон олтин ва кумушини олиб кириш ва уни қазиб олиш қийматини пасайтириш товар нархининг тез ўсишига ёрдам берди. Бу истисноли шарт-шароитга Д.Юм оддий ҳолат сифатида қаради, шу билан бирга, илмий таҳлил тўғридан-тўғри қарама-қарши ёндошувни талаб қилар эди. Гап шундаки, олтин пул (монета) стандарт шароитида муомалада бўладиган пул энг аввало сотиладиган товарлар, уларнинг нархи миқдorigа боғлиқ эди.

Шундай қилиб, классик миқдорий назария учун учта пастулат (исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида) ҳарактерли эди:

- 1) сабаблари (нархлар пул массасига боғлиқ);

2) мутаносиблик (нархлар пул миқдорига мутаносиб равишда ўзгаради)

3) универсаллик (пул миқдорининг ўзгариши ҳамма товарлар нархига бир хилда таъсир этади).

Шу билан бирга пул шаклининг ривожланиши билан пул массаси бир хилликдан узоқ бўлмайди, чунки нафақат нақд пул, шунингдек, ҳар хил турдаги банк жамғармалари ҳам қўшилади. Пул массасининг кўпайиши ва нархи нотекис ўсаётган товарларнинг турли гуруҳларига турлича фикр билдирилди. Шу боис пулнинг миқдорийлик назариясининг келгусида ривожланиши унга эконометрик таҳлил аппаратини ва нархларнинг микроиқтисодий назарияси элементларини қўшиш билан боғлиқ.

Ҳозирги замон пулларининг турлари ва шакллари таҳлилида, миллий пул тизимининг функцияланиши, нафақат объектив иқтисодий, шунингдек, жамият яратган қонунлар, ҳуқуқий томондан бошқариладиган уларнинг ҳамма учун умум тан олиши билан тутиб турилиш аниқланди.

Пулнинг ҳозирги замон шакли шартли бўлганидан, унинг функциясига ҳарактеристикада ҳамиша ҳам қиймат ўлчови ва унинг асосида шаклланувчи нарх кўлами тушунчасидан ҳамиша ҳам фойдаланилмайди. XX аср бошларига келиб, пулга оид миқдорий назария ғарб иқтисодий тафаккурида ҳукмронлик қила бошлади. Пулнинг миқдорийлик назарияси тараққий этиб трансакцион ва Кембридж мактаби ривожланди.

Миқдорий назариянинг трансакцион варианты. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида математик мактабнинг ёрқин намоёндаси Ирвинг Фишер (1867—1947) ана шу вариант асосчиси саналади. «Пулнинг харид қуввати: уни аниқлаш ҳамда фоизлар ва инқирозларга муносабат» асарида (1911) у пул массаси ва қатъий нархлар даражаси ўртасидаги бир-бирига боғлиқликни таърифлаб беришга ҳаракат қилган эди. Товар учун тўланган пул миқдори ва сотилган товарлар нархлари суммаси тенг бўлгани туфайли И.Фишер формула кўринишидаги содда айирбошлашнинг математик тенгламасини чиқаради:

$$M * V = P * Q$$

Бунда:

M (money) — бир йил давомида айна шу жамиятда муомалада бўлиб турган пулларнинг ўртача миқдори;

V (velocity) — иқтисодиётда пуллар айланмасининг ўртача олинган сони, $V = E/M$;

E (expenditure) — пул муомаласининг умумий ҳажми, яъни маълум бир йил давомида муайян жамиятда товар ва хизматлар харид қилиш учун зарур пул суммаси;

P (price) — муайян жамиятда харид қилинган ҳар бир алоҳида товарнинг ўртача нархи;

Q (quantity) — товар ва хизматларнинг миқдори.

Тенгламада И.Фишер икки элемент: V — пул муомаласи тезлиги ва Q — реализация қилинган товарлар миқдори таъсирини ўз ичига олувчи қатор истисноларга йўл қўйган. И.Фишер қисқа муддатли даврлар мобайнида кўрсатиб ўтилган катталиклар ўзгармас саналади: пул муомаласи тезлиги узок вақт давом этувчи омиллар (кредит ривожланиши даражаси, алоқа воситалари ҳолати ва ҳоказолар) билан белгиланади, товарлар ишлаб чиқарилиши эса кўпайтирилиши мумкин эмас, чунки неоклассик доктринага биноан капитализм учун ресурсларнинг бутунлай банд бўлиши хосдир, дея тахмин қилган эди.

Таҳлилдан V ва Q ни бартараф этган И.Фишер M (пул миқдори) ва P (нархлар даражаси)дан битта сабабий алоқадорликни қолдирган эди, бу эса пулга оид миқдорий назариянинг моҳиятини ташкил этади.

Ирвинг Фишер формуласи олтин танга стандарти шароити учун яроқли эмас, негаки пулнинг ички қийматини инкор этади. Бироқ олтинга алмаштирилиб майдаланмаган қоғоз пуллар муомаласида рациональ, муайян мазмун-маъно касб этади. И.Фишер концепциясига миқдорий назария учун характерли бўлган, жумладан, товар баҳосига пулнинг таъсирини ошириб юбориш каби бошқа камчиликлар ҳам хосдир. Фишер формуласидан пул массаси актив роль, нархлар эса пассив роль ўйнаши маълум бўлади. И.Фишер фикрича фақат пул массасигина мустақил ўзгарувчи сифатида намоён бўлади, ваҳоланки, ҳақиқатда эса уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири учраб туради. Монополистик нарх тайинланадиган шароитда товарлар баҳоси ўсиб бориши кўп ҳолларда пул айланмаси кенгайиши сабабига айланади.

Кўплаб замонавий иқтисодиётчилар айирбошлаш тенгламасини айният сифатида характерлайдилар, яъни $MV = PQ$. Бу айният, уларнинг фикрича, «П—Т» айирбошлаш актини товарлар бутун массасига, яъни товарлар сотиб олинган пулнинг харид қилинган товарлар баҳосига тенг (айниятли) бўлган суммасига нисбатан

қўлланишини ифода этади. Бироқ — бу умумий тушунча бўлиб, айирбошлаш формуласи нархлар умумий даражасини тушунтириб бериш учун хизмат қила олмайди.

И.Фишер ва унинг издошлари пул муомаласи тезлиги (V) ва ишлаб чиқариш даражаси (Q) муомалада бўлиб турган пуллар миқдори (M) ва нархлар даражасига (P) боғлиқ бўлмаслиги тушунтириб беришга интилган эди. Пул муомаласи тезлиги, энг аввало, демографик (аҳоли зичлиги ва ҳоказо) ва техникавий-иқтисодий параметрлар (ижтимоий меҳнат тақсимоти, табиат ресурслари мавжудлиги, транспорт ривожланганлиги ва ҳоказо) га боғлиқлик ҳолатида бўлади деб тахмин қилган эди. Ишлаб чиқариш даражаси эса, асосан меҳнат бозорида юзага келувчи шароитларга боғлиқ бўлиб, нархлар даражасига ва муомаладаги пуллар миқдорига боғлиқ бўлмайди. Шубҳа йўқки, бозор иқтисодиёти шароитида бундай қарашлар ва тахминлар нореал характерга эга бўлади.

Кредит пулларнинг пайдо бўлиши муомала маблағларини тежашга имконият яратиб беради ва ана шу ҳолни инобатга олган Фишер ўз айирбошлаш формуласини тўлдирган эди. У янада мураккаб вариантни кўриб чиқади, ана шу вариантда муомалада бўлиб турган пул массасини, қолаверса, банклардаги чек ҳисобрақамлардаги пул маблағлари суммасини ҳам инобатга олади.

И.Фишернинг айирбошлаш математик тенгламаси депозит муомалани инобатга олган ҳолда қуйидаги формула кўринишида ёзилади:

$$MV + M'V' = PQ,$$

бунда:

M' — чек ҳисобрақамларидаги пул маблағлари суммаси,

V' — муайян давр мобайнида ҳисобрақамлардаги пул қолдиқлари муомаласи тезлиги.

Пулга оид миқдорий назариянинг бир кўриниши сифатида Ирвин Фишернинг варианты ана шу назариянинг барча ютуқ ва камчиликларини тенг баҳам кўради. Албатта, тўлов воситалари замонавий пул массасининг органик таркиб топтирувчи қисми санади. Бироқ, И.Фишер формуласидан улар товар нархига бевосита таъсир этиши воқеликка тўғри келиши эҳтимолдан йироқ эканлиги маълум бўлади.

Кембриж мактаби.

Кредит муомаласи ривожланиши асносида пул массаларининг молиявий активлари билан яқинлашуви рўй берди. Мавжуд

маблағлардан ё пул шаклида (фойда келтирмайдиган шаклда), ёхуд, қоида тариқасида, даромад келтирувчи актив шаклда фойдаланиш имконияти вужудга келди. Бироқ кейинги ҳолларда капитални бутунлай ва қисқа муддатларда пулга айлантиришга эришиб бўлмаслигидек хавфи вужудга келди. Активларнинг тез орада ва йўқотишларсиз пулга айланиши ва пулнинг асосий функцияларини бажариш лаёқати ликвидлик деб аталади. Ликвидликка оид асосий назариялар Кембриж мактаби вакиллари: А.Маршалл (1842—1924), А.Питу (1877—1959) ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган эди. Ана шу йўналишга мансуб олимлар макроиктисодий ёндошувдан фойдаланадилар. Бу нарса хўжалик юритувчи субъектларнинг муносабатларини, жумладан, уларнинг активларини ликвидли, яъни пул шаклида сақлаб туришга интилишларини инобатга олишида ҳам ўз ифодасини топади. И.Фишердан фарқли равишда А.Питу пул массасини ликвидлик кўрсаткичлари ёрдамида пировард маҳсулот катталиги орқали аниқлашга уриниб кўрган эди:

$$M = kPQ,$$

бунда:

M — пул бирликлари миқдори (пул таклифи);

Q — ишлаб чиқаришнинг **t** вақт бирлигидаги жисмоний тарзда ифодаланган катталиги;

P — ишлаб чиқарилмаган маҳсулотнинг нархи;

k — пировард маҳсулотнинг одамлар ликвид шаклида сақлаб туришни афзал кўрадиган бир қисми;

kPQ — пулга бўлган талаб.

Ж.Кейнс «Пул ислоҳоти ҳақида трактат» асари (1923)да Кембриж тенгламасининг янги вариантыни таклиф қилиб, унда мажбурий тартибдаги банк захираари меъёри билан ликвидликни боғлаб ифодалаган эди:

$$M = P (K + rK'),$$

бунда:

M — пул массаси;

P — истеъмол бирлиги баҳоси («ҳаёт қиймати» индекси);

K ва **K'** — одамлар пул шаклида сақлаб туришни хоҳлайдиган истеъмол бирликлари миқдорининг эквиваленти (тегишлича нақд пул ва банк депозитлари шаклида);

r — мажбурий захиралари меъёри.

KУ орқали ликвид шаклида сақланувчи миллий даромаднинг бир қисмини ифодалаб, Кембриж мактаби намояндалари пул таклифи

(эмиссия) ва унга бўлган талаб ўртасидаги мувозанатини тасвирловчи $M = KU$ формуласини чиқарадилар. Бу айирбошлаш тенгламасига айнан монанддир, чунки K — пул муомаласи тезлиги кўрсаткичига тескари бўлган катталиқдир ($K = 1/U$).

Пулга оид миқдорий назариянинг асосий камчилиги товар муомалага нархсиз, пуллар эса қийматсиз келиб тушади деб олинганида намоён бўлади.

Иқтисодиёт учун зарур бўлган пуллар миқдори талқинини турлитуман қарашларига қарамасдан, унинг моҳияти қуйидагидан иборат бўлади: замоннинг маълум бир даври учун умумий пул таклифи (кўплаб назариялар фикрича) ана шу давр ичида сотиб олинган товарларнинг умумий пулдаги қийматига тенг бўлиши лозим.

2.5 §. Пул назарияларининг замонавий талқини.

Монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсири марказий ўринлардан бирини эгаллаганлиги сабабли, жаҳоннинг энг илғор иқтисодчилари диққат эътиборларини монетар сиёсат муаммоларига, хусусан муомала учун зарур пул миқдорини аниқлаш масаласига қаратиб келмоқда.

Пул назариясига оид классик мактаб вакилларининг – А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо, Д.Фуллартон, И.Фишер, А.Пигу, А.Маршалл ва бошқаларнинг кўплаб илмий ишларини биламиз. Улар кейнсчилик ва монетаризмга қадар пулга бўлган талаб, шу жумладан, пулнинг миқдорий назарияси, пулнинг айланиш тезлиги ва алмашув тенгламаси каби масалаларни ўзига хос тарзда ўрганиб чиққанлар, натижада мустақил фикр ва мулоҳазаларга эга бўлганлар.

И.Фишер фикрича иқтисодиётда пул айланиши тезлигини институтлар (банклар) аниқлайди. Агар одамлар қилаётган харидлар учун ҳисоб чеклари ёки кредит карточкаларидан фойдаланиб тўловни амалга оширсалар, нақд пуллар тўловда камроқ ишлатилиб, пул айланиши тезлиги ошади ва аксинча.

Фишернинг қисқа муддатли даврда пулнинг айланиш тезлиги доимий деган тахмини алмашув тенгламасини пулнинг миқдорий назариясига айлантирди, чунки бунга кўра барча битимлар мутлоқ равишда пул массасининг тебранишлари орқали аниқланади.

Фишер ўзининг пулга бўлган талабнинг миқдорий назариясини ишлаб чиққан вақтда, Кембриждаги иқтисодчилар гуруҳи, уларнинг орасида Альфред Маршалл ва Артур Пигу ушбу соҳадаги

тадқиқотлар билан шуғулланишарди. Улар тадқиқотларининг натижаси Фишернинг тенгламасига ўхшашликка олиб келган бўлсада, муаммога ёндошув мутлақо бошқачадир. Кембрижлик олимлар пулга бўлган талабнинг битимлар ҳажмига ва институционал омилларга боғлиқлигини ўрганишнинг ўрнига, маълум ҳолатларда одамлар қўлларида қанча миқдорда пул ушлаб туришни ҳохлайдилар? - деган саволни қўйдилар.

Шундай қилиб, Фишер хулосасидан фарқ қилиб, Кембрижлик олимларнинг ёндошуви фоиз ставкаси таъсирида пулга бўлган талабнинг ўзгаришини истисно этмайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодиётда пулнинг роли салмоқли эканлиги нимадан иборат?
2. Қиймат ўлчови сифатида пулнинг функцияларига характеристика беринг.
3. Пулнинг металлик назарияси камчиликлари нималардан иборат?
4. Пулнинг мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳажми ва пулнинг айланиш тезлигига боғлиқлигини тушунтиринг?
5. Жамғариш воситаси сифатида пулнинг функциялари нималарда мужассамлашган?
6. Ҳақиқий пул нима?
7. Қиймат белгилари турларини айтинг ва уларга таъриф беринг.

III БОБ. ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.

3.1 §. Пул айланмаси тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши.

Ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқариш ва молиявий муносабатлар ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Чунки маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш учун ресурслар талаб этилади. Яратилган маҳсулот ва хизматлар маълум баҳода сотилади ёки сотиб олинади. Бундай шароитда пулнинг тўлов воситаси функцияси амал қилади ва ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида тўлов айланмаси ва пул айланмаси тушунчаларини ўрганиш ва уларнинг мазмунини билишни талаб қилади.

Тўлов айланмаси — маълум бир мамлакатда мавжуд бўлган тўлов воситаларининг узлуксиз ҳаракатланиши жараёнидир. Мабодо, тўлов айланмаси тузилмасини кўриб чиқадиган бўлсак, у пул айланмаси ва бошқа тўлов воситалари ҳаракати (пул муомаласи)дан таркиб топади. Тўлов айланмаси пул айланмасига қараганда янада кенгроқ тушунчадир.

Пул айланмаси тушунчаси тўлов айланмаси тушунчасига нисбатан тор тушунчадир. Бунинг боиси шундаки, тўлов айланмаси тўлов воситаларининг ҳаракат жараёни бўлиб, тўлов воситаларига пул маблағларидан ташқари векселлар, чеклар, депозит сертификатлари каби тўлов воситалари ҳам киради. Демак, пул айланмаси тўлов оборотининг ажралмас таркибий қисмидир.



8.-расм. Пул айланишининг тузилиши.

Пул айланмаси нақд ва нақдсиз шаклларда пул белгиларининг узлуксиз ҳаракатланиши жараёнини ўзида намоён этади. Пул айланмаси тузилмасини бир неча мезонлари бўйича таснифлаш мумкин. Пул айланмасини унда пулнинг ишлаб туришига боғлиқ ҳолда классификациялаш энг кенг тарқалган.

Пул обороти жараёнида иштирок этувчи пул маблағларининг икки шакли мавжуд:


1. Актив пуллар
2. Пассив пуллар

Актив пуллар — бу бевосита муомала жараёнидаги пуллардир. Уларга банклар томонидан берилган кредитлар, турли шаклдаги мулкларга, шу жумладан, қимматли қоғозларга, кўчмас мулк объектларига қилинган инвестициялар, тўланган солиқлар, Давлат бюджетининг харажатлари киради.

Пассив пулларга банклардаги жорий, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобрақамларидаги маблағлар, аҳолининг уйларда сақланаётган жамғармалари, банкларнинг «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқлари ва бошқа ҳаракатсиз турган пул маблағлари киради.

Металлик муомала шароитида пул айланмаси ва товар айланмаси қиймат айланмаси билан намоён бўлади, чунки металл монета ҳақиқий пул қийматиغا эга бўлгани туфайли шундай бўлади.

Аmmo фақат ушбу аломатга қараб унинг таркиб топтирувчи қисмлари иқтисодий мазмун-мундарижасини белгилаб олиш иложи йўқ. Шу туфайли бошқа бир аломатдан фойдаланилади: пул айланишини у ёки бу қисми хизмат кўрсатадиган муносабатлар характери дир. Шунга боғлиқ ҳолда пул айланмаси муносабатлар нуқтаи назаридан пул-ҳисоб-китоб, пул-кредит ва пул-молия айланмасига бўлинади (3.1-расм).



9-расм. Пул айланмасининг таснифи.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул айланмаси бозор муносабатлари тизими билан ўзаро алоқадордир. Бозор муносабатлари тизимида пул айланмаси иккита соҳага бўлинади:

- 1) пул-товар муносабатлари;
- 2) пул-нотовар муносабатлар.

Пул-товар муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, нафақат пул айланмаси, балки товар айланмаси ҳам рўй беради, пул ҳаракати бунда ҳар доим товарлар (қиймат) қарама-қарши ҳаракати билан боғланган бўлади. Нотовар муносабатларда эса қиймат айланмаси содир бўлмайди, балки пулларнинг эгалари алмашади, холос.

Пул айланмасининг ҳар битта қисми бозор муносабатларининг ўз соҳасига хизмат кўрсатади, бинобарин, пуллар пул айланмасининг бир қисмидан бошқа бир қисмига ўтади, бу нарса уларни талаб ва таклиф қонуни амал қилиши натижасида юзага келувчи бозор конъюнктурасига мувофиқ тарзда бозор муносабатларининг бир

соҳасидан бошқа бир соҳасига тезкорлик билан кўчиб туришга имкон беради.

Бозор муносабатлари шароитида пул айланмаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бозор муносабатларининг битта соҳасидан бошқа бир соҳасига пулларнинг оқиб ўтишини таъминлаш;
- бозор муносабатлари барча соҳаларнинг пулга бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилишини таъминловчи янги пулларни яратиш.

Пул муомаласи пул айланмасининг, айнан нақд пул айланмасининг қисми бўлиб хизмат қилади. Пул муомаласи пулларнинг нақд шаклда ҳаракатланишини ўзида гавдалантиради, шунга мувофиқ пул муомаласини фақат пул айланмасининг бир қисмига, яъни айнан нақд пул айланмаси қисмига оид деб топиш мумкин.

Пул-тўлов айланмаси дейилганда - пул айланмасининг нақд айланма ёки нақдсиз айланма эканлигидан қатъи назар пуллар тўлов воситаси сифатида ишлаб турадиган қисми тушунилади.

3.2 §. Нақд пул айланмаси ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистонда нақд пул айланмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилади ва тартибга солиб борилади.

Нақд пул айланмасини ташкил этиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- барча юридик шахслар ўз пулини тижорат банкларида сақлаши лозим;
- банклар мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар учун нақд пулнинг энг кам даражадаги қолдиғини белгилаб беради;
- нақд пулларнинг муомаласи прогноз режалаштириш объекти бўлиб хизмат қилади;
- пул айланмасининг мақсади — пул муомаласи эластиклиги барқарорлигини таъминлаш;
- корхоналар нақд пулни фақат уларга хизмат кўрсатаётган банк муассасаларидан олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб китоб-касса марказларига (ХККМ) тегишли йўналишларда нақд пуллар

келтирилади ва нақд пуллар захира фондлардан айланма кассаларига ўтказилади ва шунга мувофиқ муомалага келиб тушади.

Айланма кассаларидан нақд пуллар кредит муассасалари (тижорат банклари) операцион кассаларига йўналтирилади. Ана шу пулларнинг бир қисми банклараро ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатади, бошқа бир қисми эса кредитлар сифатида бошқа банкларга йўналтирилади. Аммо нақд пулларнинг катта қисми тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик ва жисмоний шахсларга тарқатилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган корхона ва ташкилотларни нақд пул таъминлайди.

Ҳисоб-китоб касса марказлари айланма кассаларида бўлиб турган нақд пуллар Марказий банк томонидан белгиланган лимитдан кўп бўлган ҳолларда қайта захира фондларига жўнатилади.

Банкларнинг миқозлар билан касса операциялари бўйича муносабатлари банк ҳисобварагига хизмат кўрсатиш борасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади ва миқозларнинг аниқланган камомад, ортиқча, тўловга яроқсиз, сохта ва қалбаки пул билетлари юзасидан қилинган эътирозлари ушбу шартномага асосан тартибга солинади.

Нақд пул муомаласига таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш мақсадида Марказий банк томонидан пулларни эмиссия қилиниши;
- пластик карточкалар воситасида тўловларни амалга ошириш тизимининг ривожланганлиги ёки ривожланмаганлиги;
- солиқ юкининг оғирлиги ва солиқ тўловлари миқдорини яшириш мақсадида нақд пуллардан фойдаланиш даражасининг юқори эканлиги;
- Аҳолининг чеклар илан ҳисоб-китоб қилиш имкониятининг чекланганлиги;
- ҳукумат томонидан нақд пуллардан фойдаланишга нисбатан чекловларнинг жорий қилинганлиги;
- тижорат банкларининг мажбурий захира ажратмалари суммасини уларнинг айланма кассасидаги нақд пуллар қолдиғига камайтириш тартибининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул эмиссияси аҳолининг пул харажатлари ва даромадлари, шунингдек, тижорат

банклари касса айланмалари балансини прогнозлаш асосида амалга оширилади.

Аҳолининг пул харажатлари ва даромадлари балансининг иқтисодий мазмуни аҳоли пул даромадлари шаклланиши ва фойдаланилиши жараёнини акс эттиришда намоён бўлади. Баланснинг вазифаси — аҳоли пул харажатлари ва даромадлари ҳаракатида бўладиган истиқболдаги ўзгаришларни прогнозлаштириш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар схемасини тузишда оралик бўлишидир.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси икки бўлимдан иборат: даромад ва харажат. Баланснинг даромад қисмида бюджетга пул шаклидаги тушумларнинг барча турлари, харажат қисмида эса улардан фойдаланиш йўналишлари акс эттирилади. Баланс даромадларининг харажатлардан кўп бўлиши аҳоли нақд пуллари қолдиғи ортганини, харажатларнинг даромадлардан юқори бўлиши эса, унинг қисқарганини англатади.

Марказий банкнинг ҳудудий муассасалари нақд пул айланмасини ташкил этиш борасида банклар фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Банклар кассаларига нақд пуллар келиб тушиши ҳажмлари ва манбаларини ва уларни тарқатиш йўналишларини белгилаш, Ўзбекистонда пул чиқариш ва муомаладан олиб қўйиш учун тижорат банкларининг ҳар чоракка мўлжалланган касса айланмалари прогнози тузилади. Тижорат банкларининг касса айланмалари банклар кассаларига келиб тушаётган ва улардан чиқим қилинаётган нақд пуллар айланмасини ўзида ифода этади.


3.3. Нақд пулсиз айланма ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари.

Пул операцияларида ихтисослаштирилган ташкилотлар: банклар, ҳисоб-китоб, касса марказлари, клиринг марказлари ва бошқа воситачиларнинг иштирок этиши нақдсиз пул айланмаси мавжуд бўлишини тақозо этади. Нақд пулсиз айланма — бу кредит муассасалари ҳисобрақамлари бўйича, шунингдек, ўзаро талаблар ҳисобига пул маблағларини ҳисоблаб ўтказиш воситасида нақд пуллар иштирокисиз қийматнинг ҳаракатланишидир.

Ҳисоб-китобларнинг мавжуд бўлиб турган шакллари орасида ҳисоб-китобларнинг нақдсиз шакли энг катта солиштирма нисбатга эга. Ҳисоб-китоблар мазкур шакли улушининг ортиши барча ҳисоб-

китобларнинг умумий якунида мамлакатдаги товар муносабатлари даражасини ифода этади.

Нақд пулсиз айланма қуйидаги тамойилларга асосланади:



10-расм. Нақдсиз пул айланмаси тамойиллари.

Нақд пулсиз айланма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклларда амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодий аҳамияти маблағлар айланмаси ва тўловлар амалга оширилишини жадаллаштириш, муомала учун зарур бўлган нақд пуллар ҳажмини қисқартириш, шунингдек асосийси муомала харажатларини камаййтиришда мужассамлашган.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 15 январь 2002 йилда тасдиқданган 1122-сонли низомга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қуйидаги шаклларда ташкил этадилар ва амалга оширадилар:

- 1) тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- 2) тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар
- 3) аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар;
- 4) инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- 5) мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар;
- 6) пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар;
- 7) чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Кўрсатилган шакллар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- 1) тўлов топшириқномаси;
- 2) тўлов талабномаси;
- 3) инкассо топшириқномаси;
- 4) аккредитивга ариза;
- 5) мемориал ордер;
- 6) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилади.

Юқоридаги келтирилган тамойилга мувофиқ, тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли мустақил равишда шартнома (битим)га мувофиқ белгиланади.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк пул маблағларини, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, мижознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши ёки унинг ҳисобварағидан ўтказиб бериши шарт. Тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушган тақдирда, банк тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириб беради.

Тижорат банклари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни бажаришни рад этишга ҳақлидир.

Мижознинг топшириғига кўра, маблағлар олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўтмаган ҳолда, маблағлар олувчининг бу ҳақида розилиги бўлишидан қатъи назар, тўловларни

учинчи шахсга ўтказишни амалга оширишга рухсат этилмайди (қонунчиликда кўрсатилган ҳоллар, бундан мустасно).

Ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жараёнида маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг, олувчининг ҳисобварағига ўтказилади. Мижозларнинг ҳисобварағида пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобварақлардан чиқариш "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги" 615-сонли тартибига мувофиқ, белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Ҳисоб-китоблар бўйича тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги ўзаро низо ва муаммолар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Банклар қарздорнинг кредиторга шартнома бўйича мажбурияти бажарилмаган ёки тегишли тартибда бажарилмаган ҳолларда, тўлаб бериши лозим бўлган пеня (жарима)ларни ҳисоблаш ва ундириб беришга жавобгар эмас.

Ҳисоб-китоб операцияларини бажариш юзасидан банкка билдирилган даъволар сабабларини аниқлаш учун, миждоз томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка жўнатилади. Тижорат банки ва унинг миждозлари ўртасидаги низолар тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ, ўзаро ҳал қилинади. Вужудга келган низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаганда, улар судда ҳал қилинади.

Банклар миждозлар билан ҳисоб-китоб қилганда ва ўз операцияларини бажаришда мемориал ордерлар ва тўлов топшириқномаларидан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга оширишда тегишли ҳужжатлардан фойдаланилади ва уларни расмийлаштиришга бир қатор талаблар қўйилади:

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) ҳужжатнинг рақами;
- б) ҳужжат ёзиб берилган санаси;
- в) тўловчининг номи;

- г) тўловчининг ҳисобварақ рақами;
- д) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) (чекдан ташқари);
- е) тўловчи банкнинг номи;
- ж) тўловчи банкнинг коди;
- з) олувчининг номи;
- и) олувчининг ҳисобварақ рақами;
- к) олувчи банкнинг номи;
- л) олувчи банкнинг коди;
- м) тўловнинг суммаси рақам ва ёзувда;
- н) тўловнинг мақсади (чекларда кўрсатилмайди).

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) чекнинг серияси ва рақами;
- б) жисмоний шахс паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат)ининг серияси ва рақами;
- в) чекнинг охири амал қилиш санаси.

Аккредитивга ариза қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) аккредитивнинг амал қилиш муддати;
- б) аккредитив очилаётган шартнома рақами ва санаси;
- в) буюртма рақами;
- г) буюртма санаси;
- д) етказиб берилаётган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг номи;
- е) аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда асос бўлган ҳужжатнинг тури;
- ж) қўшимча шартлар;

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришда тўловчи ва маблағлар олувчининг номини қисқартириб ишлатишга рухсат этилади, агар бу давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада белгиланган бўлса. Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобда қатнашувчи барча томонлар ва банк учун етарли бўлган нусхалар сонида ёзиб берилади.

Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари сиёҳда (бинафша, кўк ёки қора рангда) қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзиб берилади. Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қуйидаги тартибда қабул қилинади:

а) юридик шахслардан - биринчи (асл) нусхасида имзолар намунаси кўрсатилган карточкадаги мансабдор шахсларнинг (рахбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахснинг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг) имзолари ва асосий муҳрининг изи мавжуд бўлганда;

б) юридик шахс мақомига эга бўлмай фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан - пул-ҳисоб-китоб ҳужжатида имзо намунаси кўрсатилган карточкадаги битта имзо ва асосий муҳрининг изи мавжуд бўлганда. Муҳр бўлмаган ҳолда, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларни муҳр изисиз қабул қилишга рухсат этилади.

Имзолар ўз қўли билан қўйилган бўлиши шарт. Барча пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида имзо намунаси туширилган штампларни (факсимиле) қўйиш таъқиқланади.

Мижозлардан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, шартномада бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, амалиёт (операцион) куни давомида, банкнинг миждозлар билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилади. Хизмат кўрсатувчи банкда, миждознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағларни ҳисобдан чиқариш, фақат пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхаси ёки “Банк-Мижоз” тизимидан фойдаланувчилардан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлари асосида, амалга оширилади. Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилинаётган маблағлар банкларда дастурий йўл билан электрон тўловлар тизими орқали келиб тушадиган электрон тўлов ҳужжатлари, тижорат банки ҳисоб-китоб чекининг асл нусхаси, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлари асосида, амалга оширилади.

Маблағларни кирим қилиш ва ҳисобдан чиқариш учун асос бўладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қоғозга чиқарилган барча нусхалари, ҳужжатни қабул қилиш ва тўлаб бериш саналари кўрсатилган ҳолда, миждознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини юритувчи бухгалтер

имзоси ва унга бириктириб қўйилган банк тамғаси (штампи) билан тасдиқланиши шарт.

Биз юқорида келтирилган ҳар бир ҳисоб-китоб шаклига қисқача тўхталиб, уларнинг мазмунини ёритиб берамиз.

1. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар қилиш.

Тўлов топшириқномаси мижоз унга хизмат кўрсатувчи банкка маълум бир суммани тўловчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади. Тўлов топшириқномалар билан товарлар, ишлар, хизматлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Тўлов топшириқномаси фақат банк томонидан мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади, агарда банк ҳисобварағи шартномасида бошқаси кўзда тутилган бўлмаса.

Тўлов топшириқномасининг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда, тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар, бундан мустасно).

Почта алоқаси орқали (пенсиялар, алиментлар ва ҳ.к.) маблағларни олувчиларга тўлов топшириқномалари билан жўнатишда, илова қилиниши лозим бўлган барча ҳужжатлар (жўнатмалар рўйхати, маълумотномалар ва бошқалар) мижозлар томонидан бевосита Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарига тақдим этилади.

Тўлов топшириқномалари банкка қуйидаги тартибда тақдим этилади:

1) тўловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада тақдим этилади:

а) биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади;

в) учинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

2) тўловчи ва маблағларни олувчига ҳар хил банк томонидан хизмат кўрсатилган ҳолда, икки нусхада тақдим этилади:

а) биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган

кўчирмага илова қилинади.

“Банк-Мижоз” тизимидан фойдаланадиган мижоздан алоқа канали орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилади, зарурат туғилганда, қоғозга чиқарилади ва тегишли текширувдан сўнг, банк амалиёт кунига қайта ишлаш учун узатилади. Тўлов амалга оширилгандан кейин, мижоздан олинган электрон тўлов топшириқномаси икки нусхада қоғозга чиқарилади:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) бошқа нусхаси пул-ҳисоб-китоб хужжатларининг асл нусхаси олингунга қадар, таққослаш учун банкда қолдирилади, таққослангандан сўнг, белгиланган тартибда банк кунининг алоҳида хужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) бошқа нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

2. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар қилиш.

Тўлов талабномаси - бу маблағларни олувчининг белгиланган суммани тўловчи томонидан банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабини ўз ичига олган, пул-ҳисоб-китоб хужжатиدير. Талабнома юклаб жўнатилган (берилган) товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек, томонлар шартномасида кўзда тутилган бошқа тўловлар учун қўйилиши мумкин.

Талабномалар акцептли ва акцептсиз бўлади. Акцептли тўланадиган талабномалар, тўловчи томонидан тўлов суммасини акцептлаш (розилик бериш) ини талаб этади.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи талабноманинг "тўловнинг мақсади" қисмида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиши шарт:

а) шартнома санаси ва рақамини;

б) контрактация шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда “контрактация шартномаси” деб, кўрсатиши шарт;

в) маҳсулотларни юклаб жўнатиш (бериш) санасини ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш хужжатлари рақамини ва транспорт турини, товарларни почта алоқаси орқали жўнатма сифатида жўнатганда эса - почта квитанцияларининг рақамини

кўрсатиши керак;

г) товар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда, “Сотиб олувчининг транспорти билан олиб чиқиб кетилган, ишонч хати ... - сон рақами” кўрсатилади;

е) қонунчиликда кўзда тутилган бошқа реквизитлар.

Маблағларни олувчи бир операция учун талабномани такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас. Тўловчининг банкига дастлабки талабнома келиб тушмаганлиги ҳақида хабарнома мавжуд бўлгандаги ҳолат, бундан мустасно.

Талабнома реестр билан бирга маблағларни олувчи томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Бунда реестр 7-иловада кўрсатилган шаклга мувофиқ, икки нусхада тузилади. Реестрнинг биринчи нусхаси корхона (ташкилот)нинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, муҳр изи билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк тамғаси билан тасдиқланиб, маблағлар олувчининг банкида қолдирилади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси қабул қилинган сана, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк тамғаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Акцептли тўланадиган талабнома қуйидаги тартибда тақдим этилади:

тўловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада:

Биринчи ва иккинчи нусхалар тўловни кутиб банкда қолади. Талабноманинг учинчи нусхасини банк, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, ҳужжатни қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун тўловчига беради. Тўлов акцептланиб, амалга оширилгандан кейин:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) талабноманинг иккинчи нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади;

2) тўловчи ва маблағларни олувчига ҳар хил банк томонидан хизмат кўрсатилган ҳолда, уч нусхада:

Талабномаларнинг барча нусхалари почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади, у ерда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари тўловни кутиб банкда қолади;

б) учинчи нусхаси кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, ҳужжатни қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун тўловчига берилади.

3) Тўловчи талабноманинг юқоридаги чап бурчагига акцепт ҳақида белги қўйган ҳолда, раҳбар (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан имзоланиб, белгиланган муддатда банкка қайтариши шарт. Тўловчи акцепт учун белгиланган муддатда ўз розилиги ёки тўловни бутунлай ёки қисман рад этганлиги тўғрисида хабар бермаса, талабнома умумий тартибда акцептланади ва тўловлар амалга оширилгандан сўнг:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси тўловчига шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади.

Акцептсиз тўланадиган талабнома қуйидаги тартибда тақдим этилади:

тўловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада, бунда тўлов амалга оширилгандан кейин:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) талабноманинг иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади;

в) талабноманинг учинчи нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

2) тўловчи ва маблағларни олувчига ҳар хил банк томонидан хизмат кўрсатилган ҳолда, икки нусхада.

Талабномаларнинг барча нусхалари почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади, бунда тўлов амалга оширилгандан кейин:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси тўловчига шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади.

Иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар ўтказилган ҳолларда талабноманинг икки нусхаси ҳамда ажратилган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобварақ-фактура маҳсулот етказиб берувчи томонидан бевосита истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига қўйилади, бунда тўлов амалга оширилгандан кейин:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига

тикилади;

б) иккинчи нусхаси тўловчи (истеъмолчи)га шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма ва ҳисобварақ-фактура билан биргаликда берилади.

Маблағларни олувчи банкида тўланган электрон талабнома, электрон тўлов тизими орқали олиниб, икки нусхада қоғозга чиқарилади:

биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

иккинчи нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

Талабнома, тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағлар бўлмаган тақдирда, "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоблар ҳужжатлари" ҳисобварақлари (2-картотека)га жойлаштирилади. Бу ҳақда маблағлар олувчининг банкига уч иш кунидан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт ва тўловлар ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар қилиш

Инкассо топшириқномаси маблағлар олувчининг тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги банкка топшириғини англатади.

Инкассо топшириқномаларини қуйидагилар тақдим қилиши мумкин:

а) солиқ органлари – солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ташқари Пенсия жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб таълим жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловларга оид тўловлар ва боқимондаларни ҳамда юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзларни ундириб олишда;

б) божхона органлари – ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундиришда;

в) суд ижрочилари ва ундирувчилар – ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундиришда;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

республика бюджетидан молиялаштириш жараёнида белгилангандан ортиқча ўтказилган маблағларни қайтариш учун

бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига;

юқори молия органлари - қуйи молия органларининг бюджет ҳисобварақларига;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ноқонуний олинган маблағлар ва жарималарни ундириб олиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларига;

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган хорижий кредитларни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлари бўйича қарздорлар ва субқарздорларнинг миллий ва чет эл валюталаридаги банк ҳисобварақларига.

Қуйидагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

- а) судлар томонидан берилган ижро варақлари;
- б) суд буйруқлари;
- в) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- г) нотариусларнинг ижро хатлари;
- д) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
- е) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ж) суд ижрочиларининг қарорлари;
- з) қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда, бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Банк томонидан ижро ҳужжатлари асосида қўйилган ҳисобварақлардан пул маблағларни ундириш учун инкассо топшириқномаларни фақат ижро ҳужжатининг асл нусхаси ёки унинг дубликати илова қилинган ҳолда қабул қилинади. Ҳужжатларнинг нусхалари бўйича тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш таъқиқланади.

Ижро ҳужжатлари бўйича суммаларни ундириб олишда инкассо топшириқномаларида албатта ижро ҳужжатларнинг рақами ва санаси кўрсатилиб, бунда қарз ва давлат божи бўйича харажатлар суммаларини алоҳида ажратиш зарур.

Инкассо топшириқномаси қўйилишини ҳаққонийлиги бўйича масъулият инкассо топшириқномасини қўйган шахсга юклатилади. Банк тўловчиларнинг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни

ҳисобдан чиқаришига эътирозларини кўриб чиқмайди.

Инкассо топшириқномалари билан маблағларни олувчи фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар, Қонунда белгиланган муддатдан ўтказилиб тақдим қилинганда, банк ушбу ҳужжатларни қабул қилмайди.

Инкассо топшириқномаси банкка қуйидаги тартибда тақдим этилади:

1. агар тўловчи ва маблағлар олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса - тўрт нусхада, бунда:

а) инкассо топшириқномасининг биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари банкда ижро учун қолдирилади;

б) тўртинчи нусха, ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирган тамғаси (штампи) билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

2. бир шаҳар ичида ҳисоб-китоблар юритишда инкассо топшириқномаси бевосита тўловчининг банкига уч нусхада тақдим қилиниши мумкин, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари, ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда, банкда ижро қилиш учун қолдирилади;

б) учинчи нусха, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирган тамғаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

3. маблағларни олувчи томонидан шаҳарлараро ҳисоб-китоблар учун инкассо топшириқномасини, фақат унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинганда - уч нусхада, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта орқали ижрочи банкка, бухгалтер имзоси ва банкнинг унга бириктирган банк тамғаси билан тасдиқланиб, ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, жўнатилади;

б) учинчи нусхаси, ҳужжатларни қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда, бухгалтер имзоси ва банкнинг унга бириктирган тамғаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

4. Инкассо топшириқномасининг ижроси тўловчи банкида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

агар тўловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, бунда:

а) инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси, ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда, тўловчига берилади;

в) учинчи нусхаси, шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда, маблағларни олувчига қайтарилади.

бир шаҳар ичида ҳисоб-китоблар юритишда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда, тўловчига берилади;

5. шаҳарлараро ҳисоб-китоблар юритишда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда, тўловчига берилади.

Бир шаҳар ичида ва шаҳарлараро ҳисоб-китобларда тўланган ҳамда электрон тўлов тизими орқали олинган электрон инкассо топшириқномаси маблағлар олувчининг банкида икки нусхада қоғозга чиқарилади:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) бошқа нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади. Тўловчининг ҳисобварағида маблағлар бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоблар ҳужжатлари" ҳисобварақлари (2-картотека)га жойлаштирилади. Бу ҳақда маблағлар олувчининг банкига уч иш кунидан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт ва тўловлар ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк инкассо топшириқномаси ўз вақтида ижро қилмаган ёки нотўғри ижро қилган тақдирда, қонунчиликда кўзда тутилган тартиб бўйича ва белгиланган миқдорда, банк жавобгар ҳисобланади.

4. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида миждознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ

аккредитив очган банк (банк-эмитент) унинг контрагенти - маблағларни олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш ёки бошқа банкка бу турдаги тўловларни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини маблағлар олувчи томонидан ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда олади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати тўловчи ва пул маблағларини олувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Шунингдек, шартномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- а) банк-эмитентнинг номи;
- б) аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;
- в) аккредитивни очилганлиги тўғрисида маблағларни олувчини хабардор қилиш усули;
- г) аккредитивлар бўйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- д) маҳсулотлар юклаб жўнатилгандан (хизматлар кўрсатилгандан, ишлар бажарилгандан) кейин, ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга доир талаблар.

Аккредитивлар қопланган (депонентланган) ва қопланмаган турларда очилиши мумкин.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкида юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Аккредитивлар банк томонидан кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақларида ва 22602 - “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ҳар бир маблағларни олувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида ушбу белги мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чақириб олинадиган ҳисобланади.

Чақириб олинадиган аккредитив банк-эмитент томонидан

маблағларни олувчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди. Тўловчи чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча кўрсатмаларни маблағлар олувчига, фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маблағларни олувчининг банки (ижрочи банк)ни, у эса - маблағ олувчини, хабардор қилади.

Агар ижрочи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдиришнома олмаган бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт.

Маблағлар олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Ижрочи банк банк-эмитент билан шартнома асосида чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин. Бундай ҳолда, чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив бўлади.

Тасдиқланган аккредитив бўлганда ижрочи банк, банк-эмитентнинг аккредитив шартларига мувофиқ, тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кўшимча равишда мажбуриятлар олади. Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив бўйича депозит ҳисобварағидан нақд пул берилишига ҳамда аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Тўловчи аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда банкка аккредитивга ариза тақдим этади.

Маблағлар олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига у томонидан банкка томонлар шартномасида кўзда тутилган ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, аккредитив муддати ўтгунга қадар тақдим этганда, маблағлар ўтказиб берилади. Маблағларни олувчи ижрочи банкка тасдиқловчи ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади.

Аккредитив шартларининг лоақал биттаси бузилганида ҳам, маблағларни олувчи ҳисобварағига маблағларни кирим қилиш таъқиқланади.

Маблағлар олувчининг банкида аккредитив куйидаги ҳолларда ёпилади:

а) аккредитив муддати тамом бўлгач;

б) маблағлар олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунча, ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги ёзма аризасига кўра, агарда бу аккредитив шартларида кўрсатилган бўлса;

в) тўловчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги ёзма талабига кўра, агар бу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитив банк-эмитентдан хабар етиб келган куни ёпилади ёки камаяди, лекин 22602 - “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” баланс ҳисобварағидаги қолдиқ суммадан кўп бўлмаган ҳолда.

Ижрочи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида банк-эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сумма тўловчининг банкига маблағлар қайси ҳисобварақдан депонент қилинган бўлса, ўша ҳисобвараққа ўтказилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи, аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва уни банк-эмитентнинг тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтарилган ҳолда ҳам ёпилади.

Маблағларни олувчининг банкида аккредитивлар бўйича қисман тўловлар амалга оширилганда, тўланган суммалар тўлов миқдорига қараб, банк-эмитентда кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан чиқарилади.

5. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеклари.

Тижорат банки ҳисоб-китоб чеки - бу мижознинг хизмат кўрсатувчи банкка, чек берувчининг ҳисобварағидан, чек қабул қилувчининг ҳисобварағига маълум миқдордаги маблағларни ўтказиб бериш топшириғидир.

Чеклар тижорат банклари буюртмаси бўйича, уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда Марказий банкнинг “Давлат белгиси” ДИЧБ да тайёрланади. Бунда чек серияси ва рақами, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида чоп этилади.

Чеклар фақат товарлар, иш ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар/якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилишда қўлланилади.

Чекнинг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатади, минимал суммасини эса - тижорат банклари мустақил равишда белгилашади.

Чек омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Чек икки қисмдан: ҳисоб-китоб чекини ўзидан ва милк (корешок)дан иборат. Милк ҳисоб-китоб чекида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Чекларни бериш тартиби:

Банкнинг масъул ходими чекни беришда қуйидаги реквизитларни тўлдириши шарт:

а) чек берилган санани;

б) суммани рақамлар ва сўз билан;

в) жисмоний шахс (чек берувчи)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

г) паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат)нинг серияси ва рақами;

д) чек берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи;

е) чек берган банкнинг номи ва коди;

ж) чекнинг охириги амал қилиш санаси .

Кўрсатилган реквизитлар тўлдирилгандан кейин, банкнинг масъул ходимлари ҳисоб-китоб чекига имзо қўядилар ва чекнинг милки (корешок)ни назорат рақамлари жойлашган чегараси бўйича чекдан шундай қирқиб ажратадиларки, бунда чекда қолган сонлар чек суммасига мос келиши керак ва бу муҳр билан тасдиқланади. Чекни олувчига чекни олганлиги ҳақида милк (корешок) га имзо қўйдирилади. Алоҳида дафтарга чекнинг серияси ва рақами, номига чек ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва чек суммаси (нақд пул билан қанча қўйилган, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўтказиб, омонат дафтарчаси ҳисобидан чиқарилганлиги аниқ ҳолда) ёзиб қўйилади.

Чекларни тўлаш тартиби. чекни қабул қилувчи ташкилот ходими товарлар, иш ва хизматлар ҳақи учун чекни қабул қилаётганда, чек белгиланган намунадаги бланкада тўлдирилганлигини, ўчириб тузатишларни йўқлигини, назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганлигини, унда банк бўлими муҳрининг аниқ изи ва имзолар мавжудлигини текшириб

кўради. Шундан кейин чек тақдим этаётганнинг шахсиятини, чекни олишда асос бўлган хужжат бўйича тасдиқлайди.

Текширув бажарилгач ва сотилаётган товарлар, иш ва хизматлар учун чек тўловга қабул қилингандан сўнг, чекни қабул қилувчи ташкилот ходими ҳисоб-китоб чекининг тескари томонига ташкилотнинг тамғаси ва мансабдор шахснинг имзосини қўйдиради.

Агар сотилаётган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг қиймати ҳисоб-китоб чеки суммасидан паст бўлса, у ҳолда чекни қабул қилувчи ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоиздан ошмаган миқдордаги қиймат қайтимини нақд пулда беради.

Товарлар, иш ёки хизматлар тўлови учун қабул қилинган чеклар, чекларни қабул қилувчи ташкилотлар томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига пул тушуми билан бирга, инкассаторлар орқали белгиланган тартибда топширилади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар қуйидаги тартибда тўланади:

а) чек берувчи ва чек қабул қилувчига битта банкда хизмат кўрсатилганда, чек суммаси чекни қабул қилувчи ташкилотнинг ҳисобварағи кредитига ва “Инкасса қилинган пул тушумлари ва чеклар” ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағи дебетига ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) чек берувчи ва чек қабул қилувчига турли банкларда хизмат кўрсатилганда:

чек қабул қилувчининг банки чекда кўрсатилган сумма миқдоридagi маблағларни, қабул қилинган чекка асосан, чек қабул қилувчининг ҳисобварағига киритади. Тижорат банкларининг электрон ҳисоб - китоб чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикилади;

чек берувчининг банкида чек суммаси олинган электрон ҳисоб - китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Қанча муддат ўтганлигидан қатъий назар, чек меросхўрлар ва бошқа ишончли шахслар томонидан нотариал идора тасдиқлаган хужжат мавжуд бўлган ҳолда, қабул қилинади. Банк бошқарувчиси ва бош бухгалтер хужжатларни текшириб кўргандан кейин, чек суммасини тўлаб беришга руҳсат беришади.

6. Мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар.

Тижорат банкларининг ички операцияларини амалга оширишда, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини ундириш, фоизларни олиш мемориал ордер орқали амалга оширилади. Тижорат банки тўловчи сифатида қатнашиб мемориал ордер ишлатган ҳолларда, улар банк раҳбари ва бош бухгалтери имзоси билан тасдиқланади, қолган ҳолларда эса, мемориал ордер бош бухгалтернинг ва ушбу банк ҳисобварағини юритувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Мемориал ордерлар билан бажариладиган операцияларнинг қонуний бажарилиши банк раҳбари ва бош бухгалтерига юклатилади.

Фуқароларнинг ёзма топшириқлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини, нақд пулсиз ўтказишни амалга ошириш учун банклар мемориал ордерлардан фойдаланишлари мумкин.

Бу ҳолда тўлов амалга оширилгандан кейин, топшириқнома мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

7. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш.

Ўзбекистон республикасида пластик карточкалар бозорнинг ривожланиши, бошқа ривожланаётган давлатлардаги сингари бормоқда. Нафақат банк карточкалари шу қаторда пластик карточкаларнинг бошқа турлари юзага келмоқда.

Молия бозорининг ривожланиши, банк хизматлари сифатининг яхшиланиши ва молия институтлари ўртасида рақобатнинг ўсиши пластик маҳсулотларнинг оптимал шаклини танлаш, пластик карточка ҳаракати дастури орқали ижобий ҳал этилмоқда.

Пластик карточкалар бизнеси аста-секин ривожланиб бормоқда, ҳар бир стабил банк кейинчалик рўй бериши мумкин бўлган иқтисодий ҳаусларни олдини олиш учун бу операциялардан иложи борича кўпроқ даромад олишга интилади.

Пластик карточка тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация қиладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда - савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бажариладиган операциялар қоидаларига амал қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) томонларнинг номлари;
- б) шартнома мавзуси;
- в) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;
- е) шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ҳал қилиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт:

- а) идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар);
- б) банк-эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;
- в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкilot номи);
- г) карточканинг амал қилиш муддати;

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, операцияларни амалга оширишда тузилган ҳужжатлар реквизитлари, пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларининг банк

ҳисобварақлари, шунингдек, корхона идентификаторлари, нақд пул бериш пунктлари, банкоматлар ва ташкилотларнинг банк ҳисобварақлари ўртасидаги мувофиқликни ҳаққоний белгилашга имкон берувчи томонлар ўртасида келишиб олинган белгиларни ўз ичига олиши керак.

Электрон ҳужжатлар банк-эквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк)га, банк- эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қандай тамойилларини биласиз?
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари нимада?
3. Тижорат банкларининг ички операцияларини амалга оширишда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қайси шаклларидан фойдаланилади?
4. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Аккредитив ҳисоб-китоб шаклида тўловларни амалга ошириш кетма-кетлигини айтинг?
6. Тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларнинг камчиликлари нимада?
7. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилади?

IV БОБ. ПУЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.

4.1. Пул тизими тушунчаси, унинг турлари ва ривожланиш босқичлари.

Маълумки, тараққиёт жараёнида товар пуллардан металл кўринишига металл пуллардан товар кўринишидаги пулларга ўтиш аста-секинлик билан амалга оширилган. Товар (ҳайвонлар териси ва бошқалар) ва металл пуллар асоси товар билан таъминланган эди. Товар, металл ва қоғоз пулларни табиатига кўра буюм кўринишидаги пулларга ажратиш мумкин. Янги турдаги пул тизимининг пайдо бўлиши уларнинг кенг миқёсда янгиланишига олиб келди.

Пул тизими - бу мамлакатда тарихан шаклланган ва қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган пул айланмасини ташкил этиш шаклидир.

Пул тизими Европада XVI—XVII асрларда, гарчанд уларнинг алоҳида элементлари анча олдинги даврларда юзага келган бўлса-да, давлат ҳокимияти мустаҳкамланиши ва миллий бозорлар шаклланиши даврида шаклланган. Ягона барқарор пул тизимига объектив зарурат қуйидаги сабаблар билан шартланган эди:

- тангасозлик ишидаги феодал тарқоқлик миллий бозор вужудга келишига тўсқинлик қилган эди;
- пул тизими барқарорлигини талаб қилган эркин рақобат капитализми даврининг товар-пул муносабатлари.

Пул тизимининг турлари пуллар қайси шаклда ишлашига боғлиқ бўлади: товар сифатида — ялпи эквивалент сифатида ёки аҳамиятдорлик сифатида. Шу муносабат билан пул тизимининг икки тури алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1) металлстик муомала тизими, унда пул товар бевосита муомалада бўлади ва пулнинг барча функцияларини бажаради, кредит пуллар эса металлга майдаланиб алмаштирилади;

2) кредит ва қоғоз пуллар муомаласи тизими, унда олтин муомаладан суриб чиқарилади.

Металлик муомала тизими олис тарихий йўлни босиб ўтди. Мамлакатда металлнинг қанақа миқдори пул ролини бажариши қабул қилинганига боғлиқ ҳолда, металл пул муомаласида пул тизимининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

1) биметаллизм (икки металлик). Давлат қонунчилик тартибида икки металл — олтин ва кумушга пул ролини мустаҳкамлаб қўяди ҳамда уларнинг эркин зарб этилиши ва чекланмаган муомаласи назарда тутилади;

2) монометаллизм (якка металлик). Битта пул метали ялпи эквивалент ва пул муомаласи асоси саналадиган пул тизими. Ана шу металлга майдаланиб алмаштирилувчи тангалар ва қиймат белгилари муомалада бўлади.

Биметаллизм XVI—XVII асрларда, Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида эса XIX асрда кенг тарқалган эди. Англияда биметаллизм XIV аср ўрталаридан то XVIII охирига қадар ҳукмронлик қилиб келди. Икки металлдан фойдаланилганда биметаллизм уч кўринишда шаклланди:

1) паралел валюта тизими. Олтин ва кумуш тангалар ўртасидаги нисбат бозорда стихияли тарзда белгиланади;

2) иккиёқлама валюта тизими. Металлар ўртасидаги нисбат давлат томонидан белгиланади;

3) «оқсоқ» валюта тизими. Олтин ва кумуш тангалар муомаласи тенг бўлмаган асосларда амалга оширилган, чунки кумушдан тангалар зарб этиш уларни олтин белгиси тарзида тайёрланган ҳолда ёпиқ тартибда амалга оширилган эди.

1-жадвал

Монометалл ва биметалл пул тизимининг таркибий тузилиши

Монометалл	Мис монометаллизи	
	Кумуш монометаллизи	
	Олтин монометаллизи	1. Олтин танга стандарти
		2. Олтин куйма стандарти
3. Олтин девис стандарти		
Биметалл	паралел валюта тизими	
	иккиёқлама валюта тизими	
	«оқсоқ» валюта тизими	

Европа мамлакатларида олтин ва кумуш паритети 1803 йилда 1:15,5 нисбатда жорий этилган. 1865 йилда Франция, Италия, Бельгия

ва Швейцария томонидан биметаллизмни пул тизими сифатида сақлаб қолишга уриниш амалга оширилган эди. Ана шу мамлакатлар Лотин танга иттифоқига асос солдиларки, унинг шарти эса олтин ва кумуш ўртасида 1:15,5 даражасида қатъий қайд этиб қўйилган нисбатни сақлаб туриш бўлган эди.

Аммо биметаллик пул тизими капиталистик хўжалик ривожланишига мос келмас эди, чунки икки металлдан фойдаланиш пулнинг функциялари табиатига зид, шунингдек, нархлар диспропорциясига олиб келган эди: кумуш ишлаб чиқариш арзонлашиши натижасида олтин тангалар муомаладан чиқиб кета бошлади. Товар хўжалиги ривожланиши эса ягона ялпи эквивалент бўлмиш барқарор ва мўътадил пулни талаб қила бошлади, шу туфайли биметаллизм ўз ўрнини монометаллизмга бўшатиб берди.

Монометаллизм — битта монета (олтин ёки кумуш) ялпи эквивалент бўлиб хизмат қиладиган ва айна маҳалда нодир металлга майдаланиб алмаштирилувчи бошқа қиймат белгилари ҳам муомалада иштирок этадиган пул тизимидир.

Пул муомаласи асоси қайси бир металл саналишига боғлиқ ҳолда монометаллизмнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

1. Мис монометаллизи. Милоддан аввалги V—III асрларда Рим империяси.

2. Кумуш монометаллизи. Россияда 1842—1852 йилларда, Ҳиндистонда 1852—1893, Голландияда 1847—1875 йилларда, Хитойда эса 1935 йилга қадар мавжуд бўлган эди.

3. Олтин монометаллизи. Илк маротаба Буюк Британияда 1816 йилда жорий этилган, Германияда 1871—1873 йилларда, Швеция, Норвегия, Данияда — 1873, Францияда — 1876, Австрияда — 1892, Россия ва Японияда — 1897, АҚШда эса 1900 йилда жорий этилган эди.

Россия империяси олтин стандартини жорий этиш учун 20 йил давомида тайёрланди. Амалда ислоҳот учун тайёрлов чоратадбирлари М.Х.Рейтерне ва С.А.Грейге Молия вазирлари даврида бошланган Н.Х.Бунге ва И.А.Вишнеградский даврида давом эттирилган ва С.Ю.Витте даврида тугатилган.

Барча мамлакатларда олтин монометаллизмни жорий этиш қуйидагилар билан боғлиқ эди:

- 1) давлат бюджети дефицитини тугатиш;
- 2) мамлакат олтин захирасини доимий ошириб бориш;
- 3) олтин олди-сотдисини эркинлаштириш;

4) барқарор пул ислоҳоти.

Олтиндан ясалган пул birlikлари муомаласи характери ва ҳажмига боғлиқ ҳолда олтин монометализмининг уч тури алоҳида ажратиб кўрсатилади: олтин-танга стандарти, олтин-қуйма стандарти, олтин-девиза стандарти. Олтин монометализмининг асосий жиҳатлари 4.1-расмда келтирилган:

Олтин-танга стандарти	Олтин-қуйма стандарти	Олтин-девиза стандарти
1) Мамлакат ичкарасида пулнинг барча функцияларини бажарувчи олтин танга муомалада бўлади; 2) хусусий шахслар учун қатъий қайд этиб қўйилган олтин таркибига эга бўлган олтин тангалар эркин зарб этилишига йўл қўйилади; 3) тўлиқ қимматга бўлмаган пуллар уларнинг ёзиб қўйилган қиймати бўйича олтинга майдаланиб алмаштирилади; 4) шахслар ва мамлакатлар ўртасида олтин ва чет эл валютасининг чекланмаган тарзда ҳаракатланишига йўл қўйилади.	1) Муомалада олтин тангалар ва уларнинг эркин зарб этилиши бўлмайди; 2) тўла қимматга эга бўлмаган пуллар фақат олтин қуймаларига алмаштирилади.	1) Муомалада олтин тангалар бўлмайди ва уларнинг эркин зарб этилиши тақиқлаб қўйилади; 2) тўла қимматга эга бўлмаган пуллар олтинга майдалаб алмаштириладиган хорижий валютага (девизага) айирбошланади.

10.-расм. Олтин монометаллизи кўринишлари

Олтин монометаллизи олтин-танга стандарти шаклида Биринчи жаҳон уруши (1914—1918) га қадар мавжуд бўлиб келди. Ана шу стандартнинг ишлаб туриши Марказий банкларда катта олтин захиралари мавжуд бўлишини талаб этар эди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида заёмлар — қарзлар билан қопланган бюджет дефицити ўсиши пул массаси ортиб кетишига олиб келди. Урушаётган барча мамлакатларда (АҚШдан ташқари) тангаларни олтинга майдалаб алмаштириш ва хорижга олиб чиқиб кетиш тақиқланган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин биронта мамлакат ҳам олтин-танга стандартига қайта олмасди. Урушдан кейинги иқтисодиёт барқарорлашуви шароитида бир қатор мамлакатларда олтин-қуйма стандарти жорий этилган, унда банкноталар ва бошқа тўлиқмас қимматга эга пулларни майдалаб алмаштирилиши фақат оғирлиги қарийб 12,5 килограмм бўлган олтин қуймалари билан амалга оширилган эди. Худди шу йилларда чекланган олтин захираларига эга бўлган мамлакатлар (Германия, Дания, Норвегия) олтин-қуйма стандартига эга бўлган мамлакатларнинг бошқа валюталарига миллий валютани алмаштиришни таклиф этувчи олтин-девиз стандартини жорий этди.

Олтин-девиз стандарти 30 мамлакат пул тизими асосига қўйилган эди.


Жаҳон иқтисодий инқироzi (1929—1933) натижасида олтин монометаллизмининг барча шакллари тугатилди, алмаштирилмайдиган ва олтин билан таъминланмаган кредит ва қоғоз пуллар тизими қарор топди. XX аср 30-йилларининг ўрталаридан бошлаб дунёда майдалаб алмаштирилмайдиган кредит қоғоз пуллар муомаласига асосланган пул тизими ишлай бошлади.

4.2. Пул тизими элементлари ва унинг тавсифи.

Пул тизими таркиби ва элементлари мамлакат қонунчилиги томонидан умумий бошқарув тамойиллари асосида белгиланади ва тартибга солинади. Барча пул тизими учун баъзи жиҳатлар умумий бўлади. Булар пул тизимининг компонентлари, яъни таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакат пул тизими ривож қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

- пул бирлигининг номи;
- пул birlikларини таъминлаш тартиби;
- эмиссия механизми;
- муомаладаги пул массаси таркиби;
- прогнознинг режалаштирилган тартиби.



12-расм. Замонавий пул тизими элементлари.

Пул тизими элементлари ва улар таркибини юқоридаги 4.3-расмда кўриб ўтик.

Тараққий этган мамлакатлар пул тизими қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

Пул муомаласидан олтин суриб чиқарилиши

- Муайян шароитларда қийматнинг пулдаги белгиларига айланиши мумкин бўлган алмаштирилмайдиган кредит пуллар муомалада бўлиб туради;

- Пул айланмасини прогнозлаштириш ва режалаштириш;
- Пул массаси тузилмаси ва таркибини белгилаш;
- Кредит операциялари асосида нақд ва нақдсиз пул белгиларини муомалага чиқариш;

Пул тизимини бошқариш тамойиллари мамлакатда пул тизимини ташкил этишдаги қонун-қоидалар йиғиндиси ҳисобланади. Унга қуйидагилар киради:

- 1) миллий пул тизимининг марказдан бошқарилиши;
- 2) пул айланмасини олдиндан режалаштириш;
- 3) пул айланмасининг мустақиллиги ва эластиклиги;
- 4) пул эмиссиясининг кредитлик хусусияти;
- 5) муомалага чиқариладиган пул бирликларининг таъминланганлиги;
- 6) марказий банкнинг мустақиллиги;
- 7) ҳукуматга фақат кредитлаш тартиби асосида пул маблағларини тақдим қилиш;
- 8) пул кредит орқали тартибга солиш инструментларидан комплекс фойдаланиш;
- 9) пул айланмасини назорат қилиш;
- 10) мамлакат ҳудудида фақатгина миллий валютанинг амал қилиши.

Миллий пул тизимини марказдан бошқариш тамойилларини амалга ошириш тараққиёт талаблари асосида умумий мақсадлар ва мамлакат иқтисодиёти учун фойдали қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Пул айланмасини олдиндан режалаштириш тамойили миллий иқтисодиёт ёки унинг алоҳида тармоқларининг келажақдаги ҳолати ва истиқболини баҳолашни англатади. Қонуний макроиқтисодий прогноз қилиш – бошқаришнинг муҳим ва энг қийин вазифаларидан бири.

Пул айланмасининг мустақиллиги ва эластиклиги тамойили муомаладаги пул массаси ўзгариши миллий иқтисодиёт талаблари

билан боғлиқ бўлиши керак: талаб ошса ошади, талаб қисқарса камайиши, яъни инфляцияга йўл қўйилмасликни назарда тутати.

Муомалага чиқариладиган пул бирликларининг таъминланганлик тамойили пул бирликларининг турли банк активлари (олтин ва қимматбаҳо металллар, эркин конвенцирланадиган валюта, товар-моддий қийматликлар, қимматли қоғозлар, шартномавий мажбуриятлар ва бошқалар) билан таъминланишини назарда тутати.

Марказий банкнинг ҳукуматга бўйсунмаслиги ва унинг мамлакат Олий органи олдида ҳисобдорлиги тамойили давлат қурилиши тамойили билан боғлиқ. Бу шунинг англатадики, Марказий банк Сенат назорати остидаги таркибий қисм, ҳукуматнинг қонунчилик органи бўлиб, маъмурий жиҳатдан ижроя ҳокимияти, яъни ҳукуматга ёки бошқа бир органга бўйсунмайди. Ушбу вазиятда Марказий банк фақат миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаш функциясини бажаради.

Ҳукуматга фақат кредитлаш тартиби асосида пул маблағларини тақдим қилиш тамойили шунинг англатадики, Марказий банк ҳукуматни молиялаштирамайди. Бериладиган маблағ биринчидан кредитлаш шартлари ва иккинчидан маълум таъминот асосида берилади.

Пул-кредит орқали тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш тамойили Марказий банкка пул айланмасини мустаҳкамлигини таъминлаш соҳасида кенг имкониятлар беради.

Пул айланмасини назорат қилиш тамойили – давлат бошқаруви тизимининг ажралмас функцияси. Нақд ва нақд пулсиз айланма устидан назоратни давлатнинг ваколатли органлари (молия, солиқ, банк ва бошқалар) доимий ва узликсиз равишда олиб борилади.

Мамлакат ҳудудида фақат миллий валютанинг амал қилиши тамойили давлат ичкарисида пул муомаласига таллуқли барча қонуний актларга тегишлидир. Уларга мувофиқ мамлакат ҳудудида фақатгина миллий валютада амалга оширилган тўловларгина ҳақиқий ҳисобланади.

V БОБ. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ПУЛ МАССАСИ.

5.1.§. Пул муомаласи қонуни ва унинг ривожланиш босқичлари.

Пул муомаласи қонуниятлари товар массасини реализация қилиш, пулнинг харид қобилиятини таъминлаш ва уларнинг ўртасида барқарор мувозанатни сақлаш учун зарурий ва етарли пул массасининг миқдорини аниқлаш сифатида намоён бўлади.

Пул тизимлари юзага келган хўжалик тизимига хос объектив омиллар ҳаракати натижасида ўзининг ривожланишини бошидан кечирган. Натижада пул шакл ва турларининг табиий танланиши содир бўлади. Иқтисодиётда пул муомаласи барқарор ва беқарор бўлган шароитида ҳаракатланувчи қонуниятларни ажратиш муҳим ҳисобланади.

Одатда иқтисодиёт фанида беқарор пул муомаласи шароитида пул эволюцияси қонуниятларини тавсифлашда «Грешем қонуни» каби ифодаланадиган натижага эътибор қаратилади. Бунда пулни табиий танланишининг эмпирик қонуни «Грешем қонуни» шундай жаранглайди: “Ёмон пуллар муомаладан яхшиларини чиқариб ташлайди”.

Буни француз иқтисодчиси Н.Орезм (1366) ва поляк Н. Коперник (1526) дастлаб ифодалаб берган деб ҳисобланади. Инглиз Г. Маклеод (1821-1902) асосланмаган тарзда ушбу қонун кашф этилишини инглиз амалдори Т. Грешемга олиб бориб тақайди. Аслида бу қонуннинг илк кўриниши эрамиздан аввалги 5 асрдаёқ маълум бўлган.

Кўриб чиқиладиган қонун назариясидаги марказий масала — «яхши пуллар» ва «ёмон пуллар» тушунчаларининг маънолари ва уларни таққослаш масаласидир. Қонун амал қилиши билан боғлиқ тарихий фактларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, қуйидаги пул шаклларига афзаллик берилади:

- а) ички қийматга эга ва ўз навбатида, сиёсий жиҳатдан ҳимояланган;
- б) юқори ликвидликка эга;
- в) максимал даражада асосий ва қўшимча функцияларни бажаришга қобил;

- г) пуллардан фойда олиш учун қўллашга имкон берувчи;
- д) барқарорликка эга.

Шу билан бирга яна бир бор таъкидлаш жоизки, кўриб чиқилган омиллар «Грешем қонуни» таъсирини тасдиқловчи пул муомаласини у ёки бу даражада барқарорликдан чиқарадиган омиллар билан боғлиқ.

Иқтисодий фан кўпинча инқирозли вазиятларга эътибор қаратади, уларда кескин кўринарли, яъни кўз илғамас ўзгаришлар содир бўлади. Лекин пул тизимлари эволюцияси хўжалик тизимида барқарор вазиятда содир бўлади. Тарихда бир пул бошқасини сиқиб чиқарганлигига оид кўплаб далиллар мавжуд, бунинг устига уларни олдиндан қайси бири яхши қайсиниси ёмонлигини айтиш қийин. Масалан, барқарор хўжалик тизими юритилаётган шароитда қатор Европа мамлакатлари 2002 йилдан янги пул бирлиги — еврони нақд муомалага киритди — нақд тўловлар ҳажми ўсди, электрон тўловлар солиштирма оғирлиги қисқарди, яъни нақд пуллар томонидан нақдсиз пулларнинг сиқиб чиқарилиши юзага келди. Ушбу факт «Грешем қонуни» билан тушунтирилиши мумкин эмас. Лекин нақд евро нақдсизидан ёмон дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул эволюциясида энг муҳим омил бозор хўжалигининг эришилган ривожланиш босқичига мутаносиблик ҳисобланади, бу пул етарлилиги, амалга оширилаётган битимларнинг барчасини таъминлаш жараёнида намоён бўлади. Пул муомаласининг эмпирик қонунларига «монетар қоидалар» таллуқлидир. Унинг моҳиятини инфляцияга йўл қўймаслик мақсадида оқилона пул-кредит сиёсатини ўтказишда иқтисодий ўсиш суръатлари ва пул белгилари эмиссияси суръатлари ўртасидаги миқдорий нисбатни, муносабатни амалий ўрнатишга оид таклифларни ташкил этади.

Монетар қоида қуйидагича шаклланади: муайян вақт даврида айланмада пул массаси ўсиш катталиги ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари ва айнан шу давр учун нарх (инфляция) динамикаси суръатларига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta M = \Delta Y + \Delta p,$$

Бу ерда:

ΔM — айланмада пул массаси ўсиши;

ΔY — ялпи ички маҳсулот ўсиши;

Δp — нархлар (инфляция) ўзгариш динамикаси.

Пул муомаласи қонунида айрибошлашнинг классик тенгламаси яъни, Фишер формуласи муомалага чиқарилган пул ҳажми ва товар

массаси ўртасидаги мувозанат ёки айирбошлаш тенгламаси таъминловчи миқдорий пропорция илмий адабиётда XVII асрдаёқ муҳокама қилинган. Бу пулнинг миқдорий назарияси тарафдорлари томонидан киритилган.

Бу муносабат ушбу мамлакатда мавжуд жами пул миқдори билан аниқланади. Ушбу мамлакатдаги жами товар массаси жами пул массасига тўлиғича эмас, балки йил давомида турли вақтда қисман-қисман алмашинади. Бугун бир айирбошлашда иштирок этиши мумкин. Пулнинг бир қисми кўп сондаги айирбошлашда қатнашса, бошқаси – жудда кам сонда иштирок этади. Учинчи қисми эса жамғарилади ва умуман айирбошлашда қатнашмайди. Ушбу турли хиллик асосида айирбошлашнинг ўртача сонини келтириб чиқариш мумкин. Ушбу ўртача сонни ихтиёрий белгилаб оламиз, масалан 10. Агар мамлакатда ҳар бир танга 10 та харидга хизмат қилса, бу жами пул массаси 10 баробарга ошириганда ҳар бир танга 1 та харид учун хизмат қилишини англатади. Ушбу вазиятда барча товарлар нархи ўн бароварга юқори қийматдаги пулга тенг бўлади. Агар тескариси бўлганда, яъни йил давомида ҳар бир танга 10 та харид учун хизмат қилиш ўрнига пул массаси 10 баровар оширилиб, ҳар бир танга бир айирбошлашни амалга оширса, бир нарса аниқ бўлади: пул массасининг ошиши ҳар бир танга қийматини камайтиради.

Айирбошлашнинг классик тенгламасини мантиғи 3 та қарашга асосланади:

а) мутлоқ рақобат концепсияси, бунда сотувчи ва харидорлар мувозанатлашган баҳо даражасини шакллантиради;

б) бозорда хўжалик субъектлари фақат шахсий фойдасини кўзлайди;

в) сотувчи ва харидорлар номинал баҳо билан эмас, балки реал баҳо билан бошқарилиб туради.

Айирбошлаш тенгламаси назарий жиҳатдан Ж.Б.Сей (1767-1832) қонунига асосланади. Унга кўра товарлар таклифи уларга бўлган талабга доимо тенг бўлиши лозим.

Айирбошлаш тенгламасини математик кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин, бу англоамерика иқтисодий адабиётларида Фишер тенгламаси билан таққосланади:

$$MV = \sum_{i=1}^n P_i Q_i$$

Бунда, М – муомаладаги пул массаси;

V – пул айланиши тезлиги;

i – муомалада мавжуд бўлган n – турдаги товарлардан бири;

$P_i - i$ – товар баҳоси;

Q_i - муомалада мавжуд бўлган товар массаси.

Ушбу формулани И. Фишер номи билан боғлиқлик жиҳати шундаки, у бу соҳада кўп изланишлар олиб борган ва пулнинг харид қобилиятига бағишланган бир қанча китоблар ёзган.

Нафақат нақд пулларни, балки депозит пулларни ҳам эътиборга оладиган бўлсак, айрибошлаш тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$MV + M'V' = \sum PQ = PT$$

Бунда, P – баҳолар даражаси, яъни барча P ларнинг ўртача тортилгани;

T – савдо айланмаси ҳажми барча Q лар суммаси.

Айрибошлаш тенгламасининг танқидий таҳлили наижасида у $MV=PT$ тенгликни ифодалайди деган ҳулосага келинади. Тенгламанинг чап қисми сотилган товарлар учун тўланадиган пул ҳажмини билдиради. Тенгламанинг ўнг қисми эса сотилган товарлар ҳажмини баҳолар даражасига кўпайтириш орқали топиладиган худди ўшанча катталиқни ифодалайди.

Фишер формуласининг энг эътиборга молик жиҳати иқтисодий инқироз даврида пулнинг харид қобилияти таҳлили ҳисобланади. Формула мазмунига кўра пулнинг харид қобилиятини ошириш учун унинг массасини қисқартириш керак. Пул массасининг ошиши пулнинг харид қобилиятини тушишига олиб келади. Бу ерда анъанавий ишонарли мисол сифатида Америка очилгандан сўнг Европага олтин оқимининг кириб келишини келтириш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий инқироз шароитида нима юз беради? Доимий пул массаси ҳамда доимий товарлар таклифи ошган шароитда баҳолар тушади, яъни пулнинг харид қобилияти ўсади. Нега? Агар Фишер формуласига таянадиган бўлсак, ушбу саволга жавоб беролмаймиз. Бу айнан пул қийматининг потенциал тушишини, яъни айрим ишлаб чиқариш харажатларини пасайишини эътиборга олмайди. Фишер формуласи “карамай қўл силкиймиз” тамойили асосидаги ўйинли вазиятни эслатади, унга кўра бозорда кўп миқдордаги пулга товарлар алмашинади. Эркин айрибошлашда нархлар доимо мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Айрибошлашнинг классик тенгламаси пулнинг фақат битта функциясини эътиборга олган – муомала воситаси. Бошқа функциялари (жамғариш воситаси, тўлов воситаси, жаҳон пули) эътибордан четда қолган.

Иқтисодий тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш айирбошлаш тенгламасини такомиллаштириш, уни амалий вазифаларга яқинлашишини талаб этади.

Муомала учун зарур бўлган тўлиқ қийматли пуллар миқдорининг Марксча талқини. Товар муомаласи ва тўловларни таъминлаш учун зарур тўлиқ қийматли пуллар миқдори формуласи қуйидаги қарашларга асосланади:

а) қийматнинг меҳнат назарияси;

б) олтин стандарти;

в) пулнинг нафақат муомала воситаси функциясини, балки жамғарма ва тўлов воситаси функцияларини ҳам ҳисобга олиш.

Шу тарзда, ушбу концепсия айирбошлашнинг классик формуласига нисбатан бир қанча устунликларга эга. Товар муомаласини таъминлаш учун зарур тўлиқ қийматли пулнинг миқдори қуйидаги формула кўринишида ифодаланади:

$$\text{МПМ} = \frac{\text{СТБС} - \text{КСТС} + \text{МКТ} - \text{ЎҚМ}}{\text{Пул айланишининг ўртача сони}}$$

Бу ерда:

МПМ – муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

СТБС – сотилган товарлар ва хизматлар баҳосининг суммаси;

КСТС – кредитга сотилган товарлар суммаси;

МКТ – муддати келган тўловлар суммаси;

ЎҚМ – ўзаро қопланадиган мажбуриятлар.

Формула пулга бўлган талаб ҳақида жуда осон тасаввурни шакллантиради.

Юқорида айтилганидек, ушбу формуладаги тўлиқ қийматли пуллар сифатида ички қийматга эга бўлган олтин ва кумуш пуллар тушунилади.

Замонавий шароитда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига товар муомаласи ва тўловларни амалга оширишда тўлиқ қийматли пуллардан фойдаланилмайди. Шунинг ўзи ушбу назарияни амалда қўллашга сезиларли тўсиқ қўяди. Натижада умумий бозор мувозанатини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини бермайди.

Ж. Кейнс ўзининг “Пул ислоҳоти ҳақида трактат” (“Трактат о денежной реформе”) асарида ликвид маблағлар жамғармаси билан

мажбурий захира нормасини боғлашни таклиф этади. Унда айрибошлаш тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M^s = p(k + rk')$$

Бунда:

M^s - муомаладаги пул миқдори ёки пул таклифи;

p - ҳаёт қиймати индекси, бир бирлик талаб баҳоси;

k - нақд пул кўринишидаги бир бирлик талаб;

k' - банклардаги жамғармалар;

r - мажбурий захира меъёри.

Ж. Кейнс учун ушбу формулани ишлаб чиқишга асос бўлган назария бу пулнинг миқдорийлик назарияси бўлди. У таклиф қилган модел, Фишер формуласининг бошқа кўриниши сифатида кўриб чиқилди.

А.Маршалл (1842-1924), А.Пигу (1877-1959) ва бошқалар пулнинг нафақат муомала воситаси сифатида, балки жамғарма воситаси сифатида ҳам ишлатилишига эътибор қаратишди. Хўжалик субъектлари транзакцион (олдиндан режалаштирилган тўловлар учун пул жамғариш) ва эҳтиёткорлик (кўзда тутилмаган харажатлар учун ликвид маблағларни жамғариш) мотивлари асосида иш юритилади. Айтиб ўтилган тушунчалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тенгламани келтириш мумкин:

$$M^d = kRP,$$

Бунда:

M^d - барча хўжалик субъектлар сақлашга мойил бўлган умумий пул миқдори, яъни пулга бўлган талаб;

k - маҳсулотинг кишилар ликвид кўринишда сақлашни маъқул кўрган қисмини ифодаловчи коэффицент, ($0 < k < 1$). k ни узоқ муддатли даврда доимий катталиқ сифатида тан олинган;

R – жисмоний кўринишдаги ишлаб чиқариш ҳажми;

P – ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳоси.

Кембридж тенгламаси хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларини бир қисмини жамғариш ва ликвид кўринишда сақлашга мойиллигини назарда тутувчи пулга бўлган талабни ўзида ифодалайди.

Пулнинг миқдорийлик назариясини монетаристик варианты. 1960 йиллар охирида Кейнснинг АҚШ иқтисодиётини соғломлаштириш назарияси ёки фикри ўз самарасини бермай қўйди. Мамлакат стагфляцияга учради. Бу Фишер формуласини ўзига хос қайта тикланишига олиб келди.

Пулнинг иқтисодиётдаги ролини тадқиқ қилиш асосида ўзига хос илмий мактаб - “монетаристлар” мактаби шаклланади. Унинг етакчиларидан бўлган М.Фридмен (1912 йилда туғилган) 1976 йилда иқтисодиёт бўйича А.Нобел мукофотини олган.

Монетаристлар статистик таҳлил асосида айирбошлаш тенгламасининг янги талқинини таклиф этишди:

$$MV=PY,$$

Бунда:

М – пул массаси;

V – даромад айланиши тезлиги;

P – баҳолар даражаси;

Y – реал даромад нормаси (оқими)

Монетаристлар пулни капиталнинг нормал доиравий айланмасининг ҳал қилувчи шарти сифатида кўриб чиқишади. Давлатнинг иқтисодиётга ноўрин аралашуви, айниқса пул-кредит соҳасига аралашуви, уларнинг фикрича, иқтисодий инқирозга олиб келади.

Монетаристлар таклиф этган амалий таклифлар икки даврга таалуқли. Биринчиси – сиёсий, уни “либерализация” термини билан белгилаш мумкин. Бошқача айтганда:

а) хусусийлаштириш олиб бориш ва давлат секторини қисқартириш;

б) давлат бюджетини соғломлаштириш, харажатлар қисмини аввало ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағларни камайтириш ҳисобига қисқартириш;

в) шахсий хўжалик фаолияти учун қўшимча рағбатни яратиш, жумладан, тижоратга солиқларни камайтириш зарур.

Монетаристик доктринанинг иккинчи муҳим босқичи– иқтисодий ривожланиш ҳолатидир. Бу пул массасини ва ЯИМ ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқликдан иборат. Пул массаси ўсиш суръати жорий иқтисодий конъюнктура ҳолатига қарамай йилига 3-4 фоиз ўсишни ташкил этиши керак.

Мамлакатдаги иқтисодий мувозанат ҳолатини қўллаб-қувватлаш мақсадида муомала учун зарур бўлган қоғоз пуллар миқдорига нисбатан қуйидаги қоида шакллантирилган, яъни эмиссия қилинадиган қоғоз пулларнинг мутлоқ миқдори, муомаладаги тўлиқ қийматли пуллар миқдоригача чиқариш билан чекланади.

Бугунги кунда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви, тақсимот ва товар муомаласи юз бермоқда. Янги глобал иқтисодиёт

глобал даражадаги тўлиқ қийматли валютада ҳисоб-китоб қилишни талаб этади. Бу жаҳонда бир қанча валюталарнинг, асосан доллар ва евронинг устунлигига олиб келди.



13-расм. Пул муомаласи кўрсаткичлари.

Миллий маҳсулот катталиги пулларга бўлган эҳтиёжни, пул айланмаси катталиги эса пул таклифини белгилаб беради. Бу тенглама ўзида айниятни ифода этади, шунинг учун ҳам параметрлардан биттаси ўзгариши ўз-ўзидан бошқаларининг ўзгаришига олиб келади. Бу нарса, бир томондан, иқтисодиёт реал сектори ўсиши пул массаси ўсишисиз мумкин эмаслигини, бошқа томондан эса, пул массаси катталиги ўзгариши эса ялпи миллий маҳсулот номинал катталигида акс этиши лозимлигини англатади.

5.2.§. Пул массаси тушунчаси ва унинг элементлари

Пул массаси катталигини аниқлаш (таърифлаш) методологиясининг назарий асослари пул тизими ривож топиши билан ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда пул массасини ҳисоб-китоб қилаётганда инобатга олинувчи молиявий активларни ҳисоблаб чиқишга бир қанча ёндошувлар мавжуд: ахборот олиш манбаларига қараб ва ҳисоб-китоблар методикаси бўйича.

Ёндошувлардан қайси бири пул массаси катталигига янада аниқ баҳо бериши хусусидаги масалага узил-кесил жавоб ҳам мавжуд эмас. Бинобарин, у ёки бу кўрсаткични танлаш кўп жиҳатдан ундан фойдаланиш мақсадларига боғлиқ бўлади. Бир қатор иқтисодчи олимлар фойдаланилаётган кўрсаткичлардан биронтаси ҳам ҳозирги вақтда назарий нуқтаи назардан, худди шунингдек, уни ҳисоблаб чиқиш нуқтаи назаридан ҳам оптимал эмас, деб ҳисоблайдилар. Амалиётда пул массасини аниқлаш кўрсаткичларининг икки усулидан фойдаланилади.

Биринчиси, пул муомаласи параметрларини тартибга солиб туриш учун қўлланувчи агрегатлар деб аталувчи тизимга асосланади. Иккинчи тизим Халқаро валюта фонди халқаро стандарт кўрсаткичларидан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Пул массаси хўжалик оборотига хизмат кўрсатувчи, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, давлатга тегишли бўлган харид ва тўлов воситалари йиғинди ҳолидаги ҳажми. Номинал пул массаси — муомаладаги пуллар ёки ликвид шаклдаги активлар захирасининг статистик миқдори. «Пул» категориясини бундай кўрсаткич сифатида тушуниш эса пулга бўлган талаб назариясидан келиб чиқади. Ушбу таърифдан пул массаси таркибига қуйидагилар киритилиши юзага келади:

1. барча хўжалик фаолияти субъектлари: давлат, фирмалар, уй хўжалиги, резидентлар ва норезидентлар тасарруфидаги фақат юқори ликвидли маблағлар;

2. нақд ва нақдсиз муомаланинг турли шаклларида бўлган пуллар;

3. барча замонавий пул шакллари;

4. нафақат муомала воситаси ва тўлов воситаси, балки жамғариш воситаси ва жаҳон пули функцияларини бажариш билан боғлиқ пуллар.

Ушбу тушунчани етарлича аниқ чегаралаб берадиган фақат шундай ёндашувдагина пул массасига эҳтиёжни белгилаб берувчи пул муомаласи қонуниятларини тўғри тушунилишини таъминлайди.

Пулга бўлган талаб — бу ликвид шаклдаги молиявий активларга бўлган талабдир, чунки пуллар ликвид шаклдаги молиявий активлар саналади.

Пуллар миқдори бошқа шакллар: кўчмас мулк, асбоб-ускуналар, акциялар ва ҳоказо кўрнишда эмас, балки аҳолининг ликвид шаклдаги активларга эга бўлишга эҳтиёжлари билан белгиланади. Пулларни ликвид активларнинг бир тури сифатида тушуниш уларнинг «бойлик» тушунчасидан тафовутини тушиниб олишга ёрдам беради.

Пул массаси катталиги жамиятнинг пулга бўлган эҳтиёжлари ва айланмага уларнинг амалда келиб тушиши билан белгиланади. Хўжалик учун зарур бўлган ҳажмларидан пулларнинг ортикча бўлиши пулларнинг қадрсизланишига, яъни инфляцияга олиб келади. Шундай экан, пул муомаласининг асосий тамойили — айланма эҳтиёжлар билан пул массасини камайтиришдир.

Пул массасини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- актив (фаол) пуллар: нақд ва нақдсиз пул айланмада бўлади;
- пассив пуллар: жамғармалар, ҳисобрақамлардаги қолдиқлар.

Пул массасини ҳисоблашга ягона халқаро ёндашув ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга методикага яқинлашиш анъанасини қайд қилиш лозим, ундан Марказий банклар муомаладаги пул массаси ҳажмини ўлчашда фойдаланади.

Пул массаси ҳажмини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш жуда мураккаб. Ана шу мураккабликлар туфайли ўзи қамраб оладиган пул маблағлари турлари таркиби бўйича бир қанча пул агрегатларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланилади.

Пул массасининг турли компонентларини миқдорлаш ҳисобига олинадиган абсолют кўрсаткичли оддий агрегатларга; пул базаси, М0, М1, М2, М3, М4 (L) агрегатлар киритилади.

Пул массасининг махсус ҳисоб-китоб кўрсаткичи пул базаси ҳисобланади. Металлик пул айланмасида пул базаси ва пул массаси тушунчалари ўхшаш. Қоғоз пул муомаласи, кредит иши ривожланиши, пул суррогатларининг пайдо бўлиши «пул база» ва «пул масса»си тушунчаларининг ажралишига олиб келади.

Пул базаси —депозит муассасаларнинг нақд пул ва пул резервларининг умумий ҳажми. Шундай қилиб, ушбу кўрсаткич

мамлакатнинг пул массасини қисман характерлайди. Пул базаси таркибида салмоқли қисмни одатда нақд пуллар эгаллайди.

Пул базаси ҳисобланганда Ўзбекистонда кенг маънода қуйидагилар киритилади:

— айланмадаги нақд пуллар (пул агрегати M_0);

— банкларнинг кассаларидаги пул маблағи;

— Марказий банкка ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги ҳисобда жалб қилинган маблағлар бўйича тижорат банкларининг мажбурий захира маблағлари;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган депозит ҳисобварақлар ва тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари.

АҚШда пул базаси таркиби икки компонентга ажратилади:

1) нақд пуллар;

2) депозит муассасаларнинг умумий захиралари.

Анъанавий тарзда нақд пуллар M_0 пул агрегатига бирлаштирилади.

Депозит муассасаларнинг умумий резервлари — бу: а) банклар, ссуда-омонат ассоциациялари, кредит уюшмаларининг резервлари бўлиб, улар федерал резерв банкларда сақланади; б) уларга тегишли касса нақдинаси.

Пул агрегатлари пул массасининг энг кенг тарқалган кўрсаткичи саналади. Пул агрегатлари деганда пул массасини тавсифловчи кўрсаткичлар тушунилади. Пул агрегати — иқтисодиётда пул сифатида фойдаланилаётган ликвидли молиявий активларнинг ҳажми кўрсаткичидир. Пул агрегатлари ликвидлик тамойили бўйича белгиланади.

Халқаро банк амалиётида асосан қуйидаги пул агрегатларидан фойдаланилади:


M_0 – бу Марказий банк томонидан эмиссия қилинган нақд пулларнинг умумий суммаси.

$M_1 = M_0 +$ талаб қилиб олинган депозитлар.

$M_2 = M_1 +$ муддатли ва жамғарма депозитлари.

$M_3 = M_2 +$ ДҚМО, тижорат қимматли қоғозлари.

Ўзбекистонда пул агрегатларининг қуйидаги таснифи қабул қилинган (4.4-расм):



14-расм. Ўзбекистонда пул агрегатларининг туркуми.

Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини тартибга солиш ва пул массасини мувофиқлаштиришда пул агрегатларининг аҳамияти юқоридир. Марказий банк пул – кредит сиёсатини амалга оширишда алоҳида пул агрегатларидан фойдаланиш йўли билан муомаладаги пул массасига таъсир қилади.

Пул муомаласи тезлиги - пул массасининг жуда муҳим миқдорий кўрсаткичларидан бири. У юзага келган пул тизими тури, пулнинг иқтисодиётдаги функциялари, баҳо масштаби ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланганлик даражаси, миллий иқтисодиётнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Пул муомаласи тезлиги — бу муайян вақт давомида пуллар воситасида айрибошланадиган битимлар миқдор кўрсаткичидир ва одатда бир йил учун ҳисобланади.

Металлик пуллардан фарқли равишда қоғоз пуллар хазина сифатида хизмат қилмайди, яъни жамғариш воситаси функциясини тўлақонли бажармайди. Ўз навбатида, қоғоз пуллар унча кўп бўлмаган вақт мобайнида муомаладан чиқиб кетади. Ўзининг табиатига кўра улар катта муомала тезлигига мансуб бўлиб, электрон пуллардан фойдаланишда бу жараён жиддий даражада кучаяди.

Шундай қилиб, пул тизимлари ривожланишида умумий тараққиёт шундан далолат берадики, ҳисоб-китоблар вақти қисқаради, ўз навбатида, пул муомаласи тезлиги ортиб бориш тенденциясини намоён этади.

Шу билан бирга пул муомаласи тезлиги ҳар бир вақтда иқтисодий ва бошқа шартлар билан белгиланади. Иқтисодий омилларга қуйидагилар киритилади: ишлаб чиқариш циклининг бошдан кечирилаётган босқичида миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, тўлов баланси ҳолати, тўлов айланмаси структура, фоиз ставкалари даражаси ва бошқалар. Бошқа омилларга қуйидагилар киритилади: инфляцион кутишлар, истеъмолга мойиллик ва жамғаришга мойиллик ва бошқалар.

Иқтисодиётда пулнинг айланиш тезлиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{ПАТ} = \frac{\text{Номинал ялпи ички маҳсулот}}{\text{M2}}$$

Пул муомаласи тезлигининг миллий иқтисодиётдаги миқдорий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) Ялпи ички маҳсулот айланмаси жараёнида пул ҳаракати тезлиги;
- б) нақд пулсиз айланмада пул муомаласи тезлиги.

Пул муомаласи тезлиги пул массаси ортишига пропорционал. Фиксирланган товар таклифида бу пул муомаласи каналлари тўлиб кетишига олиб келиши ва пул бирлигига ҳарид қобилияти пасайишини келтириб чиқариши мумкин.

Халқаро амалиётда иқтисодиётнинг пул билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи монетизация коэффициентидан кенг фойдаланилади. Монетизация коэффициенти иқтисодиётни пул массаси билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи кўрсаткич. Монетизация коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Монетизация коэффициенти} = \frac{\text{M2}}{\text{Номинал ялпи ички маҳсулот}} * 100\%$$

Юқоридаги тенгламадан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида монетазация коэффициенти даражасига баҳо берамиз. Ўзбекистон Республикасида монетазация коэффицентининг ўзгариш динамикаси 4.1.-диаграммада келтирилган.


1.-диаграмма



Ўзбекистон Республикасида монетизация коэффициенти 2001-2009 йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2002-2003 йилларда энг паст даражага эга бўлган, яъни 9,2 фоизни ташкил этган. 2005-2009 йилларда эса, барқарор ўсган.

2-диаграмма

АҚШ ва Россияда монетизация коэффициентининг ўзгариш тенденциялари



АҚШда монетизация коэффициентининг 2005-2009 йилларда ўзагириш тенденцияси 7 ф.п.га ошган. Таҳлил қилинган даврда монетизация даражаси барқарор ўсиш даражасига эга бўлган.

Россия Федерациясида монетизация коэффициентининг ўзгариши беқарор бўлиб, 2005-2007 йилларда барқарор ўсган. 2008

йилда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози туфайли монетизация коэффициентининг амалдаги даражаси пасайган ва 2009 йилда 39,8 фоизни ташкил этди. Бу эса Россияда Марказий банкнинг эмиссион механизмдан кенг фойдаланиб, тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини беришни кўпайтирди.

Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация коэффициентининг даражаси камида 60 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.** Пул тизимига таъриф беринг.
- 2.** Пул тизимининг қандай икки тпни биласиз ва пул тизими нимага боғлиқ бўлади?
- 3.** Ҳозирги замон пул тизими элементларини айтинг.
- 4.** Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатилар пул тизими қандай специфик жиҳатларга эга?
- 5.** «Пул массаси»га таъриф беринг. У қандай икки гуруҳга ажратилади?
- 6.** «Пул агрегати»га таъриф беринг, пул агрегатлар қайси тамойилга кўра ҳисоблаб чиқилади?
- 7.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қўлланадиган пул агрегатларини айтинг.
- 8.** Россиядаги пул агрегатлари таснифоти — классификациясини айтинг.
- 9.** Халқаро молиявий статистикаси методологияси бўйича пул агрегатлари қай тариқа фарқлаб ажратилади?
- 10.** Халқаро валюта фонди методологияси бўйича пул базаси қайси кўрсаткичларни ўз ичига олади?
- 11.** Пул муомаласи кўрсаткичларига классификация беринг.
- 12.** Номинал пул массаси нима?

VI БОБ. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ.

6.1§. Пулларни муомалага чиқариш ва эмиссия тушунчалари

Пуллар хўжалик юритиш айланмасига хизмат кўрсатар экан, муомалага (айланмага) чиқарилади ва аста-секин муомаладан чиқариб олинади. Нақд пуллар банклар касса операцияларини амалга ошириш жараёнида ўз операция кассаларидан пулларни миждозларига берганда муомалага чиқарилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида банкларнинг миждозлари банк ссудаларини тўлаб узадилар ва тижорат банкларининг операция кассаларига нақд пулларни топширадилар. Бунда эса қоида тариқасида, айланмадаги пуллар миқдори одатда ортиб кетмайди. Бу ҳолда, пул эмиссиясидан фарқлаш лозим бўлган пулларни муомалага чиқариш хусусида сўз боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул эмиссияси икки хилга ажратилади:

1) нақд пул эмиссияси: Марказий банк томонидан ҳисоб китоб-касса марказлари орқали амалга оширилади;

2) нақдсиз пул эмиссияси: Марказий банк ва тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

Нақд пуллар эмиссияси марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Бу тижорат банкларининг нақд пулларга эҳтиёжи (айнан шу эмиссия миқдори ва кўламини белгилаб беради) банк томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пулларга доимий ўзгариб турувчи эҳтиёжларига боғлиқ бўлади.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкноталар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуқи билан белгиланади. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкноталар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади.

Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкноталар ва тангалар ўрнини қопламайди. Марказий банк банкноталар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Олий Мажлис Сенати билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматидаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради.

Пул эмиссиясини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳисоб-китоб-касса марказлари амалга оширади. Ҳисоб-китоб-касса марказлари мамлакат туманларида очилади ва ана шу минтақаларда жойлашган тижорат банкларига ҳисоб-касса хизматлари кўрсатилишини бажаради. Нақ пуллар эмиссияси учун ҳисоб-китоб-касса марказларида захира фондлар ва айланма кассалар очилади (6.1-расм).



15-расм. Нақд пуллар ҳаракати.

Резерв фондларида айти шу ҳудуддаги субъектларнинг нақд пулга эҳтиёжи ортган тақдирда муомалага чиқариш учун мўлжалланган пул захиралари сақланади. Бу пул белгилари муомалада бўлиб турган пуллар ҳисобланмайди, чунки улар ҳаракат содир этмайди ва захирадаги саналади.

Ҳисоб-китоб-касса марказлари айланма кассалари ҳар доим тижорат банкларидан нақ пуллар тушиб туради, шунингдек, берилади

ҳам. Шундай қилиб, айланма кассадаги пуллар доимий ҳаракатда бўлиб туради: улар муомалада бўлиб турган пуллар ҳисобланади.

Башарти, ҳисоб-китоб-касса марказлари айланма кассасига нақд пуллар тушуми ундан бериладиган пул суммасидан кўп бўлса, пулларнинг ортиқчаси муомаладан олиб қўйилади ва ҳисоб-китоб-касса марказлари айланма кассасидан резерв фондига ўтказилади. Ҳисоб-китоб-касса марказлари резерв фондини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг минтақавий бошқармаси (шаҳар, вилоят, республика) бошқаради.

Башарти, агар тижорат банкларида депозит ҳисобрақамлардаги пуллар катталиги ортиб кетса, унда:

- 1) мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжлари ортади;
- 2) тижорат банкларининг бўш турган захиралари кўпаяди.

Мабодо, агар ҳисоб-китоб-касса марказлари томонидан хизмат кўрсатиладиган тижорат банкларида нақд пулларга бўлган эҳтиёж ортиб кетса-ю, уларнинг операцион кассасига пулларнинг келиб тушиши эквивалент тарзда ортиб бормаса, унда ҳисоб-китоб-касса марказлари муомалага нақд пулларни чиқаришни оширишга мажбур бўлади. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқармаси рухсатномаси асосида тижорат банки нақд пулларни резерв фонддан ҳисоб-китоб-касса марказлари айланма кассасига ўтказиши мумкин.

Айни шу ҳисоб-китоб-касса марказлари учун бу нарса эмиссион операция саналади. Муайян бир кунда пул эмиссияси рўй берганлиги ёки аксинчалиги тўғрисида маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви тасарруф этадики, бу ерда эмиссион баланс тузиб чиқилади.

Пул базаси саналувчи банкноталар ва монеталар мамлакатнинг бутун пул массасини ташкил этади. Банкноталар муомалага икки йўл билан келиб тушади:

1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли ёки давлатдан олтин, хорижий валюта ва қимматли қоғозларни сотиб олганда улар билан ҳақ тўлайди;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат ва тижорат банкларига банкноталар билан кредитлар беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки балансига қараб пул базаси ўлчамини аниқлаш мумкин. Пул базаси ўлчамини аниқлаш учун Марказий банкнинг соддалаштирилган балансини кўриб чиқамиз (4.1-жадвал).

Марказий банк балансининг тахминий моддалари

Актив	Пассив
Валюта резервлари (ВР)	Муомаладаги нақд пуллар (МНП)
Қимматли қоғозлар (ҚҚ)	Тижорат банкларининг депозитлари (КБД)
Тижорат банклари кредитлари (ТБК)	Ҳукумат депозитлари (ХД)
Ҳукуматга кредитлар (ХК)	Бошқа ҳар хил пассивлар (БП)
Бошқа ҳар хил активлар (БА)	

Ушбу балансни қуйидаги тенглама билан тақдим этиш мумкин:

98/1-фарқни ифодалаймиз:

$$\Delta B = BA - BP.$$

Ана шунда Марказий банк баланси тенграмасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$BP + KQ + TBK + XCK + XD = MYI + TBI \quad (2)$$

(1) тенграманинг сўлдаги қисми пул базаси қай тариха юзага келишини кўрсатади. Активларни ошириб борар экан, Марказий банк пулни яратади, активларни қисқартирганда эса уларни йўқ қилиб ташлайди.

(1) тенграманинг ўнгдаги қисми пул базаси муомалада бўлиб турган нақд пуллар ва тижорат банклари ва Марказий банки депозитлари ўртасида тақсимланганлигини намойиш этади. Тўлов воситаси сифатида фақат пул базасининг дастлабки таркиб топтирувчи (МНП)лардан фойдаланиш мумкин, шунинг учун ҳам кейинги таркиб топтирувчилар (ТБК) пул саналмайди. Тижорат банклари депозитлари пул тизими резервлари бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан чиқиб кетган банкноталар бундан буёғига икки йўналиш бўйича тақсимланади: бир қисми уй хўжаликлари ва фирмалар кассаларига бориб тушади, бошқа бир қисми эса омонатлар кўринишида тижорат банкларига келиб тушади.

Омонатлар кўринишида тижорат банкларига келиб тушган банкноталардан кредит бериш учун фойдаланилиши мумкин ва ана шунда мамлакатда тўлов воситалари миқдори ортиб кетади, кредит қайтарилганда эса тўлов воситалари миқдори қисқаради. Шундай экан, тижорат банклари ҳам пулларни йўқ қилиб ташлаши мумкин.

6.2. §. Инфляциянинг мазмуни, унинг шакллари ва турлари

Иқтисодий ҳодиса сифатида инфляция ана узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб келмоқда. Инфляция пул муомаласи билан узлуксиз боғлиқ бўлгани туфайли қоғоз пуллар вужудга келиши биланоқ юзага келган деб ҳам ҳисоблашади.

«Инфляция» термини илк маротаба 1861—1865 йиллардаги Фуқаролар уруши даврида Шимолий Америкада ишлатила бошлаган ва қоғоз пуллар муомаласи жараёни ҳаддан ташқари шишиб кетишини англатган эди. XIX асрда ана шу термин Англия ва Францияда ишлатилган эди.

Анъанавий равишда инфляция пул массаси айланишида пул бирлигини қадрсизланишини ва шунга мувофиқ тарзда товарлар нархлари ўсиб кетишини келтириб чиқарувчи товар айланмасидан ортиқча ўзгаришларни англатади. Аммо, бу таърифни тўлиқ деб ҳисоблаш имкони йўқ. Инфляция, гарчанд товарлар нархлари ўсиб кетишида намоён бўлса ҳам мутлақо фақат пул феноменидан иборатдир дея тушунилмаслиги керак. Бу бозор ҳўжалигининг турлитуман соҳаларидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзагиришлар ҳисобига юзага келувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Инфляция жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодиётнинг ҳозирги замон ривожланишининг энг кескин муаммоларини ўзида ифода этади.

Замонавий инфляцияга бир қатор хусусиятлар хосдир: Масалан, илгари инфляция локал — маҳаллий характерга эга бўлган бўлса, эндиликдла у ҳамма жойда рўй берувчи, ялпи қамровли бир ҳодисага айланди; башарти, аввал у катта ёки кичик даврни қамраган, яъни даврий характерга эга бўлган бўлса, ҳозирда у сурункали характерда намоён бўлмоқда.

Нархлар ўсиши товарлар таклифига нисбатан талабнинг ортиқча бўлишидан келиб чиқиши мумкин. Бироқ, қандайдир товар бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги диспропорция (номутаносиблик) билан боғлиқ бўлган бундай баҳолар ўсиши — ҳали инфляция дегани эмас. Инфляция кўпчилик бозорларда талаб фойдасига узоқ давом этувчи номутаносиблик билан боғлиқ ҳолда мамлакатда баҳолар даражасининг ўртача ортишидир. **Инфляция** — товарлар сифати оширилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳолар ўсишида ифодаланувчи ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги дисбаланс, яъни мувозанатнинг бузилишидир.

Инфляцияни келтириб чиқарувчи барча сабаблар-омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. пулга, яъни монетар омиллар;
2. пулга оид бўлмаган, яъни номонетар омиллар.

Монетар омиллар пулга талаб товарга талабдан ортиқча бўлишини келтириб чиқарадики, бунинг натижасида пул муомаласи қонунини бузилиши рўй беради. Номонетар омиллар сарф-харажатлар ва товарлар баҳоси бирламчи ўсишига олиб келади.

У ёки бу гуруҳга мансуб омиллари устунлик қилишига боғлиқ ҳолда инфляциянинг иккита шакли фарқланади:

- талаб инфляцияси;
- таклиф инфляцияси, яъни сарф-харажатлар инфляцияси.

Талаб инфляцияси талаб ва ялпи талаб ўртасидаги мувозанатнинг талаб томонидан бузилишини англатади, яъни маблағлар ортиқчалиги таклифни чеклашга ва натижада баҳоларни оширишга ундайди.

Сарф-харажатлар инфляцияси ишлаб чиқариш харажатлари ортиб кетиши оқибатида баҳолар ўсишини англатади. Тузилмавий инфляция талаб ва сарф-харажатлар инфляциясини бириктиради ва унинг асосида талаб структураси ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган жараёнлар туради. Талаб инфляцияси қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Иқтисодиётнинг ҳарбийлашуви ва ҳарбий харажатлар ортиши:

Ушбу жараён иқтисодиётнинг жонлашиб кетишига олиб келади, чунки ҳарбий мақсадларга давлат харажатлари ортиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳарбий техника ишлаб чиқариш соҳасида бандлиги ўсишига олиб келади. Айни маҳалда замонавий техника ноҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун камроқ даражада мослашгани тобора ойдинлашиб бораверади. Миллий даромад бир қисми ноишлаб чиқариш истеъмоли доимий равишда ўсиб бориши натижасида давлатнинг ўзи мазкур товарнинг истеъмолчиси саналади, давлат бюджети дефицити вужудга келиши ва давлат қарзи ортиб кетиши учун шарт-шароит яратади.

Давлат бюджети дефицити ортиши ва давлат қарзининг ўсиши:

- дефицит қопланиши пул белгиларини қўшимча эмиссиялаш ёки жойлаштирилаётган давлат заёмлари катталиги ўсиши ҳисобига амалга оширилади;
- кредит экспансияси. У эмиссия банклари томонидан ҳукуматни кредитлаганда ва миллий валютага айирбошланадиган хорижий валюта билан пул массасини тўйинтирганда амалга оширилади;

- импорт қилинадиган инфляция. У икки ҳолда ўтказилади: кейинчалик миллий валютага алмаштириладиган хорижий валютада халқаро кредитлар олганда, бу билан эса мамлакатда пул массаси кўпайтирилади ва миллий валютанинг қўшимча тўлов эмиссияси ҳисобига фаол тўлов балансига эга бўлган ҳолда хорижий валютани сотиб олганда.

Сарф-харажатлар инфляцияси баҳони шаклланиши жараёнига қуйидаги пулга оид бўлмаган омилларнинг таъсир ўтказиши билан характерланади:

- Меҳнат унумдорлиги ортиши пасайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши. Одатда, бу иқтисодиётдаги тузилмавий силжишлар ёки циклик тебранишлар туфайли келиб чиқади. Бу эса ишлаб чиқариш харажатлари ўсишига, шу билан бирга фойда ҳажми қисқаришига ва бундан буёғига ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ва баҳолар ўсишига шароит туғдириб беради;

- Хизматлар соҳаси кенгайиши ва жамиятда хизматлар аҳамиятининг ортиши. Хизматлар соҳасида қоида тариқасида, одатда ишлаб чиқариш соҳасига қараганда меҳнат унумдорлиги янада секинроқ ўсиши кузатилади ва айни маҳалда ишлаб чиқариш умумий харажатларида иш ҳақи салмоғи солиштирма нисбатга эга бўладики, бу хизматларга белгиланадиган баҳоларнинг ялпи ўсишига олиб келади;

- Ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсиши. Касаба уюшмалари ва ёлланма ишчиларнинг номинал иш ҳақи устидан назорат ўрнатишга йўналтирилган фаолияти иш берувчилар иш ҳақи оширилишини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар баҳоси ўсиши билан бирга амалга оширишига олиб келади;

- Баҳодан ташқари рақобат. Маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатига, реклама воситасида сотишга йўналтирилган ишлаб чиқариш шарт-шароити ўзгариши ишлаб чиқариш ва шунга мувофиқ, товарлар баҳосининг ўсишига олиб келади;

- Билвосита солиқлар катталиги. Бу омиллар товарлар таннархини ўз ичига олади ва бу улар баҳосининг ўсишига олиб келади;

Тузилмавий инфляцияда, давлат бюджети дефицити ва товар дефицитининг баҳолар даражасининг тез ўсиши ва аҳоли реал даромадлари пасайиши биргаликдаги бирикишида рўй бериши

мумкин. Инфляцияни бошқа мезонлар асосида ҳам таснифлаш мумкин: иқтимоий-иқтисодий шарт-шароит, мамлакат пул тизими ривожланиши, инфляцион жараёнлар омиллари ва даражаси. Инфляция жараёнларини унинг даражасига қараб классификациялаш анча кенг тарқалган.

Инфляциянинг ўсиш даражаси бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) нормал (бир йилда нархлар ўсиши суръати 3—3,5 % бўлади);
- 2) мўътадил (судралувчи) (нархлар ўсиши суръатлари бир йилда 10 % га етади, аммо 50 % дан юқори бўлмайди);
- 3) йўрғаловчи (нархлар ўсиши суръати бир йилда 100 % га қадар етади, баъзан эса 200 % гача бўлиши мумкин);
- 4) гиперинфляция (нархлар ўсиши суръати бир ойда 50 % га қадар етади. Бартерга ўрнини бўшатиб берган пуллар айланмадан сиқиб чиқарилади).

Инфляциянинг барча турларидан иқтисодиёт учун гиперинфляция энг ҳалокатли саналади, бунда пулнинг роли ҳаддан ташқари пасайиб кетади ва аҳоли ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларига ўтиб кетади. Паралел валюта, жумладан хорижий валюталар ҳам пайдо бўлади.


Гиперинфляциянинг характерли жиҳатлари қуйидагилар саналади:

1. Мамлакатдаги иқтисодий муносабатларнинг бутунлай барбод бўлиши.
2. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ноишлаб чиқариш бойликларга сарфлаган ҳолда пуллардан тезроқ холос бўлиб олишга ҳаракат қиладилар.
3. Ўзаро ҳисоб-китоблар бартер характериға эга бўлиб боради.
4. Ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолади ва қимматлашиб кетишини мўлжаллаган ҳолда товарлар жамғарилади.
5. Иқтисодиётда чайқовчилик фаолияти кучайиб кетади.

Инфляциянинг юқорида санаб ўтилган барча турлари ўзида очик инфляцияни ифода этади. Бунда иқтисодиётдаги баҳолар ўсиши ҳам яққол кўзга ташланади. Бундан фарқли равишда баҳолар ўсиши кузатилмайдиган ёпиқ инфляция ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Пулларнинг қадрсизланиши товарлар танқислиги ва навбатда туришларда намоён бўлади. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот ва товарларнинг сифатини пасайтириш орқали уларнинг баҳо даражасини оширмайдилар. Натижада сифат

пасайиши ҳисобига юқори фойда олиш ҳаракат қилади. Масалан, ноннинг таркибидаги минералларни камайтириш, унинг массасини камайтириш кабилар бунга мисол бўлади.

Инфляцияни бошқа мезонларга кўра таснифланиши (6.3-расм):



16-расм. Инфляциянинг таснифи.

Инфляция иқтисодиётга ҳам ижобий тарафдан, ҳам салбий жиҳатдан таъсир ўтказди. Бу эса унинг ўсиш суръатларига боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда эса, инфляция иқтисодиётда салбий оқибатларга олиб келади.

1. Иқтисодиётда диспропорция, яъни номутаносибликни кучайтиради. Товарларга белгиланган баҳоларнинг нотекис ўсиб бориши ишлаб чиқаришнинг бир тармоғидан капиталларни бошқа бир тармоққа қайта сарфлашга шароит яратади (бир хил тармоқларда ишлаб чиқариш кенгайди ва бошқаларида эса қисқаради). Бунда узок муддатли инвестицияларга хос рағбатлантириш барбод бўлади, бу ишсизлик ортиб кетишига, капитал жамғарилиши жараёни жиловланишига, субъектлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг издан чиқишига олиб келади.

2. Ишлаб чиқаришдан муомала соҳасига капитални қайта жойлаштириш учун шароит яратади. Капитал тез айланадиган ва фойда келтирадиган чайқовчилик савдо муносабатлари ривожланади. Инфляция саноат капиталининг барча шакллари қадрсизланишига олиб келади.

3. Истеъмол талаби тузилмасини издан чиқаради. Товарлар баҳоси ўсиб кетиши пуллар реал бойликларга — уларга бўлган эҳтиёждан қатъий назар товарларга айлантиришга интилишни юзага келтиради.

4. Ички бозор сиғимига путур етказади. Аҳоли барча қатламлари реал иш ҳақи камайиб кетади, тўловга қобил бўлган талаб қисқариши ҳисобига товарларни сотиш ва ўтказиш қийинлашади.

5. Пул-кредит тизими иш фаолиятига путур етказади. Пуллар харид қобилияти пасайиши пул жамғарамалари ҳажми қисқаришига ва шу билан молия-кредит муассасалари ресурсларининг қисқаришига олиб келади. Капитални жалб этиш ва сарфлаш соҳалари учун кураш кескин тус олади. Уларнинг салмоқли қисми ички бозорга товар шаклида ҳам пул шаклида ҳам қайтиб келмайди.

6. Халқаро иқтисодий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Пулларнинг қадрсизланиши экспорт фаолияти билан шуғулланувчи фирмаларнинг рақобатбардошлигини пасайтиради ва хориждан товарлар олиб келишга имконият туғдиради. Капитални фойдали бир тарзда сарфлаш ва ишончли бошпана излаш мақсадида капиталнинг чет мамлакатларга чиқиб кетиши рўй беради, бунинг натижасида эса мамлакатнинг тўлов баланси ёмонлашади.

7. Давлат томонидан молиялаштириш жараёнини фаоллаштиради ва бюджетнинг пул белгилари эмиссияси ҳисобига тўлдириб борилишини рағбатлантиради. Бундай шароитда ғазнага солиқ тушумлари камаяди, давлат қарзи муаммоси кескинлашади.

8. Валюта инқирозини кескинлаштиради. Мамлакатлар ўртасидаги инфляция суръатларидаги тафовут валютанинг расмий ва бозор курси ўртасида номувофиқликка олиб келади. Инфляция халқаро тўлов воситалари (уларнинг массаси) кўпайишига шароит яратиб беради.

6.3.§. Инфляция даражаси ва уни аниқловчи кўрсаткичлар.

Инфляция энг аввало товарлар ва хизматларнинг товар сифатига солиштирилувчи баҳолар ошишида (ошкора ва яширинча) намоён

бўлади. Инфляция даражасини олдинги даврга нисбатан олганда баҳолар даражаси ортиши (кўшимча ўсиши) суръати билан характерланади ва одатда бир йил учун фоизларда истеъмол нархлари индекси асосида ҳисоблаб чиқилади.

Инфляция даражасини ҳисоблаб чиқиш учун жорий давр истеъмол нархларини базис давр истеъмол нархлари индексидан чегириб ташлаш, олинган фарқни базис давр истеъмол нархлари индексига тақсимлаш ва юзга (фоизларда) кўпайтириш орқали аниқланади:

$$I_{ин} = \frac{I_{ж} - I_{б}}{I_{ж}} * 100\%$$

Бунда: **I** инфляция — фоизларда ифодаланган инфляция даражаси;

I_ж ва **I_б** — жорий ва базис даврлардаги истеъмол нархлари индекси.

Инфляцион жараёнларнинг иқтисодий кўсаткичларга таъсири таҳлили турли даражаларда амалга оширилади: макродаражада, тармоқ даражасида ва алоҳида корхоналар даражасида, шу туфайли уч гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ макроиқтисодий якуний кўрсаткичлар (ЯИМ, пировард истеъмолга харажатлар, ялпи жамғарма ва бошқалар) дефлятор кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Макродаражада ЯИМ дефлятори орқали аниқлаш бир қатор йиллардаги ЯИМ катталигини аниқлашни англатади.

ЯИМ дефлятори жорий нархларда, олдинги давр нархларида ифодаланган қиймат кўрсаткичларини солиштириш йўли билан. Нархлар индекси — ЯИМ дефлятори таҳлил қилинаётган ҳақиқий нархлардаги кўрсаткич катталигини унинг қиёсий нархлардаги катталигига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. ЯИМ индекси-дефлятори — жорий нархлардаги ЯИМнинг олдинги даврнинг доимий нархларидаги ЯИМ ҳажмига нисбатидир. ЯИМ индекси-дефлятори меҳнатга ҳақ тўлаш, фойда ва асосий фондлар истеъмоли, соф солиқлар ўзгаришларини характерлайди. У Пааше формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$D_{яим} = \frac{EP_1Q_1}{EP_0Q_1} * 100\%$$

Бунда:

EP₁Q₁ — жорий нархларда ифодаланган ЯИМ;

EP_0Q_1 — қиёсий нархларда ифодаланган жорий давр ЯИМ.

Бундай қайта баҳолаш тўғридан-тўғри дефлятор деб аталади.

Амалиётда эса дефлятор ЯИМнинг пировард фойдаланиш элементларини қайта баҳолаш йўли билан аниқланиши мумкин.

Нархлар ўсиши туфайли даромадлар, истеъмол ва турмуш даражаси ўзгаришларини характерловчи кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи (тармоқ даражаси) истеъмол нархлари ва халқ истеъмоли нархлари, аҳоли даромадлари ва харажатлари динамикаси кўрсаткичлари, миллий валюта харид қобилияти ва иш ҳақи кўрсаткичлари, озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўртача ойлик иш ҳақининг конкрет товарлар нархларига танланма бюджет тадқиқотлари маълумотлари бўйича белгиланадиган нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинувчи харид қобилияти инфляциянинг кўргазмали характеристикаси саналади. Кўрсаткичларнинг мазкур гуруҳида яшаш учун зарур бўлган минимум нисбатини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин: аҳолининг ўртача жон бошига нисбатан олинган иш ҳақи даромадлари, ўрта ойлик иш ҳақи, пенсиянинг ўртача миқдори билан.

Инфляция даражасини характерловчи кўрсаткичларнинг учинчи гуруҳи инфляция ўсиши оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш фойдаси ва рентабеллиги ўзгаришларни ўз ичига олади. Фойда ва рентабелликнинг омилли таҳлили учун қуйидаги индекслардан фойдаланилади:

1. Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар нархлар ўзгариши индекси:

$$I_{pq} = \frac{\sum_{i=1}^n P_1 * Q_1}{\sum_{i=1}^n P_0 * Q_1}$$

2. Моддий-техника бойликлари баҳоларининг ўзгариши индекси («харид нархлари индекси»):

$$I_{pm} = \frac{\sum m_1 * p_1}{\sum m_0 * p_1}$$

3. Асосий фондлар ва капитал сарфлар баланс қиймати ўзгаришлари индекси:

$$I_{p(0)} = \frac{\sum O_1 * P_1}{\sum O_1 * P_0}$$

Амалиётда эса, якуний иқтисодий кўрсаткичларга инфляция таъсирини бутунлай камайтиришнинг иложи йўқлигини, аммо маълум маънода унинг таъсирини юмшатиш ва енгиллатиш мумкин.

Ушбу ҳолатда нарх (инфляция) динамикаси суръатларини максимал даражада аниқ ҳисоблаш амалий муаммо ҳисобланади. Уни ўлчашда Ласпейрес, Пааше ва Фишер нарх индексларидан фойдаланилади.

Истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес нарх индекси) — халқаро тан олинган статистик кўрсаткич, нарх (инфляция) динамикасини ўлчаш учун қўлланилади. Бунда истеъмол нархлари индекси товар таклифининг базавий ҳажмларини таққослаш асосида аниқланади:

$$I_l^0 = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^t * Q_i^0}{\sum_{i=1}^n P_i^0 * Q_i^0}$$

Бу ерда:

I_l — истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес нарх индекси);

P^0 — 0- базавий давр учун i - товар нархи;

P^i — t - вақт учун i - товар нархи;

Q^0 — 0- базавий давр учун i - товар сотиш ҳажми;

i — индексни ҳисоблашда эътиборга олинadиган товарлар турлари, 1 дан n қийматгача.

Истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес нарх индекси) нарх ўсиши реал динамикасини оширади деб ҳисобланади.

Пааше нарх индекси - нарх (инфляция) динамикасини ўлчашда қўлланиладиган бошқа статистик кўрсаткич. У юзага келган таклиф ҳажмини таққослаш асосида аниқланади:

$$I_p^t = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^0 * Q_i^t}{\sum_{i=1}^n P_i^t * Q_i^t}$$

Бу ерда:

I_p — Пааше индекси;

P^0 — 0-базавий давр учун i -товар нархи;

P^i — t -вақт учун i -товар нархи;

Q^t — t -вақт учун i -товар сотиш ҳажми;

i — индексни ҳисоблашда эътиборга олинadиган товарлар турлари, 1 дан n қийматгача.

Пааше индекси нарх ўсиши реал динамикасини камайтиради деб ҳисобланади.

Фишер нарх индекси – ўзига хос турдаги «идеал» статистик кўрсаткич бўлиб, истеъмол нархлари индекси Ласпейрес нарх индекси ва Пааше нарх индексининг нарх (инфляция) динамикасининг миқдорий ўзгаришларида ҳатоликларни нейтраллаштириш учун қўлланилади. У уларнинг ўртача геометрик катталигини ўзида акс эттиради ва қуйдагича аниқланади:

$$I_f = \sqrt{I_l * I_p}$$

I_f — Фишер индекси;

I_l — Истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес нарх индекси);

I_p — Пааше нарх индекси.

Нарх динамикасини ўлчаш учун бошқа кўрсаткичларни ҳам иқтисодий таҳлилга татбиқ этишга ҳаракат қилинмоқда ва илмий ишланмалар ишлаб чиқилмоқда.

6.4. Пул мультипликатори ва уни ҳисоблаш усуллари.

Банк мультипликаторининг моҳияти ва унинг амал қилиш механизми. Пул таклифи кўп ҳолларда тижорат банклари фаолиятига боғлиқ бўлган нақдсиз эмиссия катталиги билан белгиланади. Нақдсиз пул массаси катталиги эса банкка депозитга жалб қилинган маблағлари ҳажмига тўғридан-тўғри пропорционал бўлади.

Икки поғионали банк тизими мавжуд бўлган тақдирда эмиссия механизми банк, кредит, депозит ва пул мультипликатори асосида ҳаракат қилади.

Банк мультипликатори тижорат банклари депозит ҳисобрақамларидаги пулларни улар битта тижорат банкдан бошқасига қараб ҳаракатланаётганида кўпайиш (мультипликация) жараёнини ўзида ифода этади. Банк мультипликатори мультипликация субъектлари, яъни пулларни мулътпликацияловчи банкларнинг мультипликация жараёнини характерлаб беради.

Кредит мультипликаторида мультипликация жараёни — тижорат банклари кредит операциялари орқали очиб берилади. Депозит мультипликаторида мультипликация объекти — тижорат банклари депозит ҳисобрақамларидаги пуллар (айнан улар мультипликация жараёнида ортади) акс этади. Ушбу механизм банк тизимининг камида икки поғионаси мавжуд бўлган шароитдагина мавжуд бўлиши. Биринчи поғона Марказий банк ана шу механизмни бошқаради, иккинчи поғонада тижорат банклари ана шу механизмни шакллантиради.

Банк мультипликатори механизми бўш турган резервга боғлиқ бўлади. Бўш турган (эркин) резерв тижорат банклари ресурслари йиғиндисини ўзида ифода этади.

Тижорат банкларининг эркин захиралари алоҳида тижорат банкларининг бўш турган резервларида жамланади. Шунинг учун ҳам алоҳида банкларнинг бўш захиралари ортиши ёки камайишига банк тизимидаги мажбурий захира меъёри таъсир қилади. Тижорат банклари ихтиёридаги захиралрни қуйидаги формула асосида аниқлаймиз:

$$\mathbf{ЭР = К + ЖР + МК - МРА - A_0,}$$

Бунда:

ЭР — тижорат банкларининг бўш турган резервлари;

К — банк капитали;

ЖР — тижорат банклари тизимининг жалб этилган ресурслари (депозит ҳисобрақамлардаги маблағлар);

МК — Марказий банк томонидан тижорат банкларига берилган марказлашган кредитлар;

МРА — тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захирага ажратмалари;

A₀ — айни вақтда банкларнинг актив операцияларига киритилган ресурслар.

Алоҳида банк учун эркин захира формуласи эса бирмунча бошқачароқ кўринишга эгадир:

$$\mathbf{ЭР = К + ЖР + МБК - МРА +/- БАК - A,}$$

Бунда:

К — банк капитали;

ЖР — банк томонидан депозит ҳисобрақамларга жалб этилган ресурслар;

МБК — Марказий банк кредитлари;

МРА — тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захирага ажратмалари;

БАК — банклараро кредит;

А — банкнинг актив операцияларга қўйилмалари (омонатлари).

Тижорат банкларининг актив операцияларига барча қўйилмалари (А)дан фақат кредит ресурслари янги маблағларни яратади, яъни эмиссион функцияни бажаради.

Бўш турган эркин захиранинг муҳим хоссаси банклараро ҳисобкитобларда унинг бир банкдан бошқасига доимий ўтиб туриши ҳисобланади. Умумийлигича банк тизими бўйича бўш турган захиралар катталиги уларнинг эмиссион ҳуқуқи энг охириги чегарасини (ҳаддини) акс эттиради.

Бўш турган захирада фойдаланиш ҳуқуқидан банклар фойдаланишга ҳаракат қиладилар, чунки фойда олиш шунга боғлиқ бўлади. Натижада эса вақтнинг маълум бир оралиғида банк тизимида депозит ҳисобрақамларда анча бўш турган захиранинг бирламчи оширилиши туфайли катта пул миқдори юзага келади.

Пул-кредит сиёсатини шакллантиришда бир вақтнинг ўзида иккита бир-бирига қарама-қарши вазифани ҳал қилишга тўғри келади, бир томондан муомалаладаги пул массасининг ўзгаришини мумкин қадар эластик ва мослашувчан қилиш, иқтисодиётдаги ҳар қандай ўзгаришларга тезкор муносабат билдира олиш, ўсиб бораётган амалий фаолликни қўллаб-қувватлаш, иккинчи томондан пул массасининг кўпайишини маълум даражада чеклаш, муомалага ортиқча тўлов воситалари массасининг тушишига йўл қўймаслик керак.

Пул муомаласидаги аниқ мақсадга қаратилган барча ўзгаришлар пул соҳасидаги мувозанатликни таъминлаш билан бир вақтда унинг иқтисодиётдаги рағбатлантирувчи вазифаларидан фаол фойдаланиш мақсадини кўзлайди.

Иқтисодиётнинг бошқа ҳар қандай соҳасида бўлгани каби пул муомаласининг ҳолатига кўпдан-кўп омиллар таъсир кўрсатади. Пул муомаласи назариясида пулнинг мувозанатлилиқ ҳолатига таъсир кўрсатадиган икки гуруҳ омиллар ажатилади. Биринчи гуруҳ пулга бўлган талабни иккинчи гуруҳ - пул таклиф қилиш кўламини белгилайдиган омиллар.

Муомаладаги пул массасининг кенгайишини икки босқичдан иборат жараён деб тасаввур қилиш мумкин:

1. Пул массасининг бирламчи ҳосил бўлиши, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг давлат органлари ва банк тизими олдидаги мажбуриятлари ортиши натижасида юз беради;

2. Пул массасининг депозит банкларда иккиламчи ўсиши - бунга ушбу банкларда депонентда сақланаётган маблағларни мультипликациялаш йўли билан эришилади ва натижада ушбу маблағлардан берилган кредитнинг бир қисми қарздор томонидан фойдаланиб бўлинганидан кейин янги депозитлар тарзида тижорат банкларига қайтади ва улар яна қарзга берилиши мумкин.

Пул мультипликатори 2-жараёнда юзага келади ва пулнинг кўпайишига таъсир қилади. Пул мультипликатори – пулни кўпайтирувчи восита исобланади. Фикримизча, қуйидаги айрим оддий тенгламалар билан танишиб чиқилса, бу жараённи тушуниш осонлашади

$$M = M_0 + D$$

Бунда:

M - пул таклифи;

M_0 – банклардан ташқари муомаладаги пул маблағлари;

D – омонатлар

$$B = M_0 + BR$$

Бунда:

B – пул базаси,

BR – Марказий банк мажбурий захира меъёри.

Агар пул мультипликатори (m) ни пул массаси (M) пул базасига (B) нисбати сифатида белгиласак унда қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз.

$$m = M/B$$

Худди шу тариқа пул мультипликаторини пул маблағлари ва мажбурий захиранинг омонатларга нисбати сифатида ҳам англаш мумкин. Дастлабки икки тенгламанинг ўнг қисмларини D омонатларга тақсимлаб ва натижасини охириги тенгламага қўйибни ҳосил қиламиз

$$m = \frac{(1 + C)}{(c + r)}$$

Бунда c - пул маблағларининг омонатларга нисбати, захираларнинг омонатларга нисбатидир.

Агар r - уч таркибий қисмдан талаб қилиб олинадиган депозитлар бўйича мажбурий захиралар меъёри r_1 , муддатли омонатлар бўйича мажбурий захиралар меъёри r_2 ва ортиқча захира меъёри r_3 дан иборат эканлигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда пул базаси бўйича M агрегат мультипликаторини ҳисоблаб чиқариш учун тенглик кўринишига эга бўлади.

$$m = \frac{(1+c)}{(r_1 + r_2 b + r_3 + c)}$$

Бунда b – муддатли депозитларнинг талаб қилиб олинадиган депозитларга нисбатидир.

Пул базаси бўйича M_3 агрегати мультипликаторини ҳисоблаб чиқариш формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{(1+c+b)}{(r_1 + r_2 b + r_3 + c)}$$

Агар r_1 , r_2 , r_3 , c ва b вақт жиҳатдан барқарор, пул базис ива пул мультипликатори эса бир-бирига таъсир этмаса, унда пул мультипликатори тенгламаси ёрдамида пул базисининг пул массаси ҳажмига таъсирини анча аниқ айтиб бериш мумкин бўлар эди. Бир томондан, мультипликаторга кирадиган кўрсаткич вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Иккинчи томондан эса, ҳозирги иқтисодиётда захира пулларининг ўзгариши билан пул мультипликатори ўртасида кучли тесқари алоқа мавжуд. Масалан, очик бозорда муомаладаги нақд пулларни кўпайтиришга қаратилган операция кўпчилик ҳолларда бир қатор асосий фоиз ставкаларининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ортиқча захиралар даражасига, муддатли депозитлар билан талаб қилиб олинадиган депозитлар ўртасидаги нисбатан пул муомаласи даражасига ва пировардида, пул мультипликаторига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда 40 йилларнинг биринчи ярмида вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш, тижорат банкларининг пул массаси кўпайишига таъсири ҳали жуда оз бўлганини кўрсатди.

Пул мультипликатори концепцияси пул тизимининг қудратли кучга эса пул эканига қатъий ишонтиради. Пул базаси билан пул

массаси ўртасидаги мультипликация алоқаси Марказий банкнинг пул массасини таклиф қилиш жараёнига қай тарзда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунишга шароит яратади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкни пул базасини аниқловчи асосий ташкилотлардан биридир. у билан бирга у маълум мақсадларга мувофиқ пул базисининг миқдори ёки мультипликаторнинг миқдorigа ёхуд барча олинган иккала кўрсаткичга таъсир этиши мумкин.

Айни вақтда бозор иқтисодиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул базисининг миқдорини тўлиқ назорат қила олмайди ва бошқара олмайди. Тижорат банкларининг (Марказий банкдан кредитлар олиш). Давлатнинг (ижтимоий сиёсат, товон тўлаш, солиқ сиёсати) ва аҳолининг (пулларнинг кириб келиши ва чет элга чиқиб кетиши) хатти-ҳаракатлари пул базисининг ўзгариши устидан тўлиқ назорат ўрнатишда маълум қийинчиликларни туғдиради. Мультипликатор хусусида ҳам шуни айтиш зарурки, нақд пуллар коэффициентлари, ортиқча захира меъёрлари ва бошқа таркибий қисмлар аҳоли ҳамда тижорат банкларининг психология билан хатти-ҳаракатлари таъсирида ўзгариб туради: пул мультипликаторининг миқдори банкларнинг (захира меъёрлари орқали), шунингдек банкдан ташқари соҳа ҳаракатига (нақд пуллар ва жамғармалар коэффициентлари орқали) боғлиқ.

Пул массаси миқдоридаги ўзгаришлар фақат пул-кредит органларининг сиёсатигагина эмас, балки фискал ва ташқи соҳалардаги вазиятга, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ экан. Шу сабабли, пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига эришиш учун уни давлат иқтисодий сиёсатининг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш, шунингдек молиявий ва ишлаб чиқариш муассасаларининг барқарор ҳамда олдиндан айта олиш мумкин бўлган ҳолати жуда зарур.

Банк операцияларини тартибга солиш механизми мамлакатда банк фаолиятини ташкил этиш шаклларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўрни, роли ва вазифаларига унинг ҳукуматдан мустақиллик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

6.5. §. Инфляцияга қарши сиёсати ва уни амалга ошириш усуллари.

Инфляциявий жараёнлар ҳолатига боғлиқ бўлган пул муомаласини барқарорлаштиришнинг асосий шакллари пул ислоҳоти ва инфляцияга қарши сиёсатдир.

Пул ислоҳоти давлат томонидан пул муомаласини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиладиган пул изими ислоҳотидир (тўлиқ ёки қисман). Кўзланган мақсадга кўра пул ислоҳотларини икки турга ажратиш мумкин:

1) янги пул тизимини ташкил этиш (биметаллизмдан монопометализмга, майдалаб алмаштирилмайдиган кредит пулларга ва ҳоказоларга ўтилиши);

2) пул тизимини қисман ислоҳ қилиш (эмиссия тартибини, пул белгилари турларини, пул бирлиги номланишини ўзгартириш).

Ўтказиладиган барча пул ислоҳотлари битта мақсадни, яъни миллий валютани барқарорлаштиришни кўзлайди.

Валютани барқарорлаштириш методлари:

Нуллификация (нуллаштириш). Ҳаддан ташқари кучли қадрсизланган валютани нуллаштириш ва янги валютани муомалага киритиш.

Девальвация. Хорижий валютага нисбатан миллий пул бирлиги қийматини расмий равишда пасайтириш.

Ревальвация. Хорижий валютага нисбатан миллий пул бирлиги қийматини расмий равишда ошириш.

Фалаж қилиб даволаш (шок терапияси). Бозор иқтисодиётига, нархларни эркин тайинлашга жадал ўтилиши, турмуш даражаси пасайиб кетиши, иш ҳақининг музлатиб қўйилиши ва вақтида тўланмаслиги.

Деноминация: Миллий валютадаги нолларни ўчириб ташлаш, яъни нархлар кўламини йириклаштириш усули.

Пул муомаласини барқарорлаштиришнинг бошқа бир шакли инфляцияга қарши сиёсат — инфляцияга қарши курашга йўналтирилган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туришга оид чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодиётнинг инфляцияга қарши сиёсатнинг икки йўналишидан кенг фойдаланилмоқда:

1. Дефляцион сиёсат — айланмада пул массасини давлат харажатларини камайтириш, кредит учун фоиз ставкасини ошириш, солиқ юқини ошириш, тижорат банкларининг мажбурий захиралари нормаларини ошириш, давлат қимматли қоғозларни сотиб юбориш ва ҳоказо йўллар билан жиловлаб туриш.

2. Даромадлар сиёсати нархлар ва иш ҳақи устидан назоратни кучайтириш ва уларни вақтинча тўлиқ музлатиб қўйиш ёки уларнинг ўсиб бориши чегараларини белгилаб қўйиш йўли билан паралел тарзда амалга оширилиши мумкин.

Инфляцияга қарши сиёсат вариантлари уларнинг қанчалик устиворликка эгаллигига боғлиқ ҳолда танлаб олинади. Башарти, иқтисодий ўсишни жиловлаб туриш мақсади қўйилган бўлса, дефляция сиёсат амалга оширилади. Мабодро иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсад қилиб олинган бўлса, унда даромадлар сиёсати устун қўйилади. Инфляцияни ҳар қандай йўл билан жиловлаш мақсади кўзланганда эса инфляцияга қарши сиёсатнинг ҳар иккала методидан паралел тарзда фойдаланилади. Инфляцияга қарши сиёсат вақт жиҳатидан узок муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин.

Узок муддатли сиёсат аҳолининг инфляцион кутишларини сўндириш вазифасини ўз олдиға қўяди ва солиқларни ошириш ва давлат харажатларини қисқартириш, шунингдек пул муомаласи соҳасидаги тадбирлар (пул массаси лимитини белгилаб қўйиш ва пул омиллари таъсирини камайтириш) ҳисобига бюджет дефицитини қисқартиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Қисқа муддатли сиёсат қуйидаги йўллар билан инфляция суръатларини вақтинча пасайтиришға йўналтирилган бўлади: ялпи талабни оширмасдан ялпи таклифни кенгайтириш (корхоналарға имтиёзлар бериш); ўз мулкнинг бир қисмини хусусийлаштириш; янги хусусий корхоналар акциялари катта миқдорини сотиш; омонатлар бўйича фоизларни ошириш ва бир қатор бошқа тадбирлар.

Инфляцияга қарши тадбирларни амалға ошириш тажрибаси ҳар иккала сиёсат асосида амалға оширилиши мақсадға мувофиқ эканлигини кўрсатади.

6.6.§. Пул муомаласини давлат томонидан тартибға солиш усуллари.

Пул муомаласини давлат томонидан тартибға солиниши асосида пулни бошқариш билан боғлиқ кўплаб мақсадлар ётади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг асосий тартибға солиш объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- пул муомаласи ва баҳо даражаси;
- рақобат муҳити;

иқтисодий цикл;
инвестициялаш шароити ва муҳити;
бандлик даражаси ва уни қўллаб-қувватлаш;
мамлакат савдо ва тўлов баланси ҳолати;

Объектлар таснифига мос равишда давлатнинг иқтисодий сиёсатининг таркибий элементи қуйидагиларга бўлинади: пул-кредит, солиқ-бюджет, инвестицион, илмий-техник, саноат, таркибий, антимонопол, худудий, ташқи иқтисодий сиёсат.

Маълум бир кўринишдаги сиёсатни амалга ошириш уни тартибга солиш, объектни бошқариш метод(усул)ларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Тартибга солиш методи - белгиланган мақсадларга эришиш учун субъектнинг объектни бошқаришга бўлган таъсир усули.

Давлат пул-кредит сиёсатининг таркибий қисми бўлган пул муомаласини тартибга солиш усуллари умумий ҳолда тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) усулларга бўлинади. Улар қўлланиш соҳаси, мотивация ва мазмунига кўра фарқланади. Тўғри усуллар пул муомаласи жараёнида давлат органларининг бевосита аралашувини ўзида акс этади. Эгри усуллар молия, бюджет, солиқ, ричаглари кўринишда бўлиши мумкин.

1995 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 1996 йилда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, улар Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратди. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги алоҳида қонун қабул қилиниши турли тоифадаги банклар - эмиссион ва тижорат банкларининг алоҳида мавқеи, мақсади, вазифалари ва фаолият шароитларини белгилаш зарурати туфайли қабул қилинган.

Пул муомаласини тартибга солишнинг маъмурий усуллари. маъмурий усуллар қуйидагиларни ўз ичига олади: бошқарув структурасини қуриш ва такомиллаштириш, ваколат доирасини белгилаш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаш, методик характерга эга маъмурий буйруқ, инструкция ва бошқа ҳужжатларни нашр эттириш.

Маъмурий усуллар таснифи ҳукумат тармоқларга бўлинишига асосланган ҳолда қонунчилик, маъмурий ва назорат-суд турларга бўлинади. Пул муомаласининг давлат томонидан бошқарилишида асосий эътибор унинг қонунчилик ҳамда маъмурий йўналишларига қаратилади.

Қонунчилик ҳужжатлари пул муомаласини тартибга солувчи орган фаолиятининг мақсад ва йўналишларини ифодалайди. Қонунчилик ҳужжатлари асосида давлатнинг пул муомаласига таъсир этишининг маъмурий усуллари яратилади. Улар бошқариладиган ва бошқарадиган тизимлар билан боғлиқ. Бошқариладиган тизимга ҳукуматнинг вазирлик ва кўмиталари, Марказий банк киради. Бошқариладиган тизимларга аввало тижорат банклари киради. Уларнинг фаолияти “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади. Пул муомаласи соҳасидаги асосий маъмурий жавобгарлик Марказий банк зиммасига юклатилган.

Пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий усуллари. Пул муомаласини тартибга солиш бўйича асосий устунлик иқтисодий усулларга асосланади. Иқтисодий усуллар пул муомаласига таъсир этишининг турли усуллари, яъни иқтисодий воситаларни қўллаш ҳисобланади.

Давлат иқтисодий сиёсатининг воситалари умумий ҳолда 2 гуруҳга:

- бевосита усул;
- билвосита усулга бўлинади.

Бевосита усуллар қонунлар ва маълум бир тартиб асосида пул муомаласига таъсир ўтказилади:

- кредит бериш, кафолат бериш;
- кредит лимитларини белгилаш;
- фоиз ставкаларига чегаралар белгилаш;
- валюта курсини белгилаш;
- квоталаш,
- режалар белгилаш,
- иш ҳақи бўйича чегара,
- тарифлар.

Билвосита инструментлар маълум бир иқтисодий ригачлар асосида пул муомаласига таъсир кўрсатилади.

- қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш,
- очик бозорларда операциялар,
- валюта интервенсиясини олиб бориш,
- мажбурий захира нормасини тартибга солиш,

Қўлланиш соҳасига кўра иқтисодий методлар бутун пул муомаласига йўналтирилган умумий ва унинг маълум бир қисмида қўлланиладиган маҳаллий каби турларга бўлинади.

Пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-психологик методлари. Пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-психологик методлари – назария ва амалиётда энг кам ишланган масаладир. У ҳақда, қоида кўра, пул муомаласида салбий ўзгариш кутилаётганда эсланади.

Ижтимоий-психологик методларни тўғри қўллаш пул ислохоти даврида баҳоларнинг ўсишини олдини олиш ва ўз вақтида нейтраллаштириш имконини беради. Пул муомаласини бошқаришда ижтимоий-психологик методларнинг мазмуни ва улардан фойдаланиш зарурлиги тушунмаслик ҳамда тўғри баҳолай олмаслик товар ва пул бозори бузилишига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида эмиссия қандай турларга ажратилади?
2. Ўзбекистон Республикасида қайси орган пул эмиссиясини амалга оширади?
3. Банк мультипликатори ва уни ҳаракат механизми моҳияти нимада?
4. «Инфляция» иқтисодий ҳодисаси қачон вужудга келган ва унинг моҳияти нимада?
5. Инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаб-омилларни қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?
6. Инфляциянинг қайси типларини биласиз?
7. Талаб инфляцияси нимани англатади ва у қайси омиллар билан характерланади?
8. Харажатлар инфляцияси нима?
9. Интенсивлик даражасига қараб инфляцияга классификация беринг.
10. Инфляция даражасини характерловчи кўрсаткичларни айтинг.
11. Инфляцияни тартибга солиб туриш шакллари ва методларига характеристика беринг.
12. Пул массасига таъриф беринг. Унинг структур элементлари қандай?
13. Пул агрегати тушунчасини таърифланг. Пул агрегатларикандай мақсадда ишлаб чиқилади ва ҳисобланади?
14. Пул базаси тушунчасини таърифланг. Амалиётда пул базасига нималар киритилади?

15. M0 пул агрегатини аниқлаш методикасида миллий фарқлар мавжудми?

16. Ғазначилик билетлари ва Марказий банк банкнотлари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

17. M1, M2, M3, M4 пул агрегатларининг асосий компонентлари қандай?

18. муомалада бўлган пул массасини тартибга солиш учун Ўзбекистон Марказий банки томонидан қандай пул агрегатлари ҳисобланади?

19. Пул айланиш тезлиги тушунчасини таърифланг. У қандай омиллар билан аниқланади?

20. Пул айланишининг эмпирик қонунлар қайсилар? Уларни санаб беринг. Кашф қилинган эмпирик қонунлар ҳақиқийлиги қандай исботланади?

21. “Грешем қонуни” таъсири қандай фактлар билан исботланади? Пул айланишининг ушбу қонунинг таъсир чегараси қандай?

22. Муомала харажатлари ва миллий пул тизими эволюцияси ўзаро қандай боғланишда бўлади?

23. Монетар қоидаларни тавсифланг. Унинг амалий қўлланилиши учун қандай нарх индексларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

24. Пул муомаласини давлат томонидан тартибга солиш методлари структураси қандай?

25. Эмиссия сиёсатини қандай омиллар белгилайди?

Фойдаланиладиган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси "Марказий банки тўғрисида»ги Қонун. Т. "Ўзбекистон". 1995.
2. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Т. "Ўзбекистон" 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш изчил давом эттириш - давр талаби» мавзусидаги 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2009 йил 13 февралдаги маърузаси. «Халқ сўзи» 14 феврал 2009 йил.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Т.: "Иқтисодиёт" 2009 й.
7. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» Т.»Ўзбекистон» 2005, - 528 б.
8. Каримов И.А. "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" Т.: «Ўзбекистон» 2010 й.
9. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.: «Iqtisod-Moliya», 2007. -344 б.
10. Балабанова И.Т. Банки и банковское дело. Учеб. пос. СПб.:Питер, 2007.- 362с.
11. Банковское дело. Учебник.Под. ред. Г. Г. Коробова. М.: "Экономист", 2007. - 751с.
12. Кураков Л. Современные банковские системы. Учеб.пос. М. «ФиС».2006 - 304 стр.
13. Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки. - М.:КНОРУС, 2007. - 320с

14. Лаврушин О.И.,Афанасьева О.Н., Корненко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. - М.: КНОРУС, 2006.-256 с.
15. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар. Ўқув қўлланма ТДИУ, «МАХ-PRINT» МЧЖ, 2008,- 432 б.
16. Селищев А.С. Денги. Кредит. Банки./ А. С. Селищев. - Спб.: Питер, 2007. - 432с.
17. Банкноты стран мира: денежное обращение 2001 года.В 2-х и каталог справочник. – 2001.
18. Банковское дело: Учебник. Под. ред. Г. Н. Белоглазова. - Б.м.: М.:»Финансы и статистика», 2006 - 592с
19. Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки: Учебник. - М.: «Юрайт», 2006. - 621с.
20. Жарковская Е.П. Банковское дело: Учебник/. - М.: Омега-Л, 2006.- 452с.
21. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: «Фан ва технология». Монография, 2008 йил. - 248 б.
22. Семибратова О.И. Банковское дело: Учебник для нач. проф. образования / - Б.м.: М.:»Академия», 2004. – 218 с
23. Миллер Л.Р. Современные денги и банковское дело./ – 2000.
24. Общая теория денег и кредита: Учебник для вузов/ Под ред. Е.Ф.Жукова.. – 1999.
25. Тосунян Г.А. Деньги и власть. Теория разделения властей и проблемы банковской системы. 3-е изд., перераб и доп. – 2000.
26. Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов тахрири остида. – 2001.
27. **Интернет сайтлари:**
www.stat.uz
www.bir.uz
www.cbu.uz
www.nbu.com

Кириш	3
I боб. Пул тушунчаси, функциялари ва унинг турлари	
1.1. Пулнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиши.....	5
1.2. Пулнинг функциялари	8
1.3. Пулнинг шакллари ва турлари.....	21
II боб. Пул назариялари ва унинг эволюцияси	
2.1. Пул назарияларининг келиб чиқиши.....	89
2.2. Пулнинг металлик назарияси	
2.3. Пулнинг номиналлик назарияси	
2.4. Пулнинг миқдорийлик назарияси	
2.5. Пул назарияларининг замонавий талқини	
III боб. Пул айланмаси ва унинг тузилиши	
3.1. Пул айланмаси тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши.....	26
3.2. Нақд пул айланмаси ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	
3.2. Нақд пулсиз пул айланма ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари.....	32
IV боб. Пул тизими ва унинг тузилиши	
4.1. Пул тизими тушунчаси, унинг турлари ва ривожланиш босқичлари	
4.2. Пул тизими элементлари ва унинг тавсифи.....	
V боб. Пул муомаласини ташкил қилиш ва пул массаси.	
5.1. Пул муомаласи қонуни ва унинг ривожланиш босқичлари.....	
5.2. Пул массаси тушунчаси ва унинг элементлари	
VI боб. Инфляция ва уни тартибга солиш усуллари	
6.1. Пулларни муомалага чиқариш ва эмиссия тушунчалари	
6.2. Инфляциянинг мазмуни, унинг шакллари ва турлари	
6.3. Инфляция даражаси ва уни аниқловчи кўрсаткичлар.....	
6.4. Пул мультипликатори ва уни ҳисоблаш усуллари.....	
6.5. Инфляцияга қарши сиёсати ва уни амалга ошириш усуллари.	
6.6. Пул муомаласини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.	